

М.С.АБИШОВ, К.С. ИСМАЙЛОВ

**ЭГРИ СОЛИҚЛАРНИНГ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШГА ТАЪСИРИНИ
КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)

СЎЗ БОШИ

Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири – молия-кредит тизимини, хусусан, солиқ тизимини такомиллаштириш белгиланган. Молия соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг марказий бўғинида давлат бюджетининг харажатларидан янада самарали фойдаланиш, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тутган ўрнини ошириш масалалари ҳисобланса, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш ҳисобига тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш катта аҳамиятга эга. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тўхталиб, “... солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб – қувватлаш” зарурлигини таъкидлаганлар²².

Дарҳақиқат ҳар қайси давлатда солиқ тизимидаги доимий муаммолардан бири бу тўғри ва эгри солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги, Давлат бюджетидаги, қолаверса, солиқ тўловчилар зиммасидаги уларнинг оғирлигини объектив мутаносиб тақсимлаш ҳисобланади. Ушбу ҳолат солиқ тизимимиз учун хос бўлиб, бу муаммони ҳал этиш солиқларнинг адолатлилиқ тамойилининг амалда юзага чиқишини таъминлайди. Шундай экан тўғри солиқлар ва эгри солиқларга хос муаммоларни биргаликда тадқиқ этиш илмий услубиёт жиҳатдан номувофиқ бўлиб, қолаверса, жуда мушкул ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтиш лозимки, эгри солиқларни алоҳида тадқиқ этиш юқоридаги муаммоларни ҳал этишда муайян ижобий самара бериши тайин.

Таъкидлаш жоизки, эгри солиқлар нафақат иқтисодиётни тартиблаш, истеъмолни мувофиқлаштириш каби функцияларни бажаради, шунингдек,

²² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2010. - 41 б.

уларнинг рағбатлантирувчилик функцияси ҳам мавжудки, унинг бу жиҳати ишлаб чиқаришда самарадорликни оширишга таъсир қилиш жараёнида кўринади. Эгри солиқлар орқали давлат ўз молия-солиқ сиёсатида эгри ва бевосита ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилади, бу иқтисодиётда рўй бераётган объектив иқтисодий жараён, бу жараёнга хос мураккаб иқтисодий муносабатлар мавжудки, уларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири саналади.

Амалиёт кўрсатишича, эгри солиқлар иқтисодиётни тартибга солиш, истеъмолни мувофиқлаштириш функцияларини бажариш билан биргаликда рағбатлантирувчилик функциясини бажаради ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита таъсир кўрсатади. Эгри солиқлар орқали давлат ўз молия-солиқ сиёсатида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этиш жараёнида вужудга келадиган мураккаб иқтисодий муносабатлар мавжудки, уларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

1-БОБ. ЭГРИ СОЛИҚЛАРНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Эгри солиқларнинг назарий жиҳатлари

Иқтисодий модернизациялаш шароитида ва изчил олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришга, солиқ тўловчиларнинг солиқ юкини камайтиришга ва фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган. Хусусан, корхоналар иқтисодий фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида давлат солиқлар орқали таъсир ўтказди. Шу муносабат билан ушбу мазмундаги мавзунинг назарий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама тадқиқ ва таҳлил этиш ҳозирги пайтда муҳим аҳамият касб этади. Бу нарса, ўз навбатида, яхлит олинган тарзда мамлакат молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, бунда оқилона солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни тўғри йўлга қўйиш, реал ҳолатларни инобатга оладиган, илмий асосланган солиққа тортиш механизмини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўз навбатида, бу ҳолат, энг аввало, ушбу муаммога доир бир неча масалаларга, илмий ва амалий жиҳатдан аниқлик киритиб олишни тақозо этади. Улардан бири солиқ категориясидир.

Сиртдан қаралганда, солиқ категорияси бошқа иқтисодий категорияларга ўхшаса-да, у энг аввало, иқтисодий муносабатларнинг мажбурий тўловлар билан боғлиқ бўлган қисмини ўзида мужассам этади ва мазмунан ўта мураккаб жараённи ифодалайди. Шу жиҳатдан солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиқ беришда турли хил ёндошувлардан илмий тадқиқотларда кенг фойдаланилади. Ҳар қайси иқтисодий воқеликнинг моҳиятини тушуниб етиш, дастлаб, унинг белгиларини аниқлаш орқали амалга оширилса, “солиқ” тушунчасининг моҳиятини ифодалашда унинг белгиларини аниқлаш билан бир қаторда уларнинг амал қилиш ҳолати жиҳатидан фарқлаш ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Ҳеч иккиланмасдан тарихий мантиққа асосланган ҳолда айтиш мумкинки, солиқлар давлатчиликнинг юзага келиши жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, давлат ўзининг олдига қўйилган иқтисодий функцияларининг мазмунига боғлиқ равишда солиқларнинг универсаллиги ҳам ошиб боради. Давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан солиқларни ундириш механизмини жорий эта бориш ва унинг самарасини таъминлаш солиқларни турли хил гуруҳларга бўлинишининг илмий асоси ҳисобланади. Тарихий ривожланишнинг дастлабки босқичларида (даврларида) солиқларнинг иқтисодий муносабатларга таъсир доираси деярли сезиларсиз бўлган бўлса, цивилизациянинг ривожланиб бориши билан, аниқроғи XVI асрларга келиб, солиқлар, асосан, тўғри ва эгри солиқларга бўлинган тарзида илмий тадқиқотлар объектига кириб борган.

Бошқа бир томондан олиб қаралганда, солиқлар ҳуқуқий онг, иқтисодий тараққиёт ва назорат тизимларининг юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, улар давлатнинг хазинасининг даромадлари таркибида юқори салмоқли ва ҳукмрон мавқеини эгаллайди.

Солиқ турларини тўғри ва эгри солиқларга бўлишнинг илмий асоси – бу, солиқлар иқтисодий моҳияти бўлса, бошқа томондан эса, у мажбурий тўловлар сифатида ундирилаётган солиқ объектларининг ҳолати ва ҳаракатини аниқлаш ҳисобланади. Одатда, солиқлар ундирилиши тартиби, ундирилиш объекти, бюджетга йўналтирилиши, иқтисодиётга таъсир этиши, тўлаш манбаи ва шу каби мезонларга кўра гуруҳланади. Бундай гуруҳланишда ундириш тартиби ва иқтисодиётга таъсир этиш мезони бошқаларга нисбатан анча мураккаб бўлиб, улар кўпроқ солиқларнинг, шу жумладан, эгри солиқларнинг ички моҳиятини тўлароқ очиб беришга хизмат қилади. Солиқлар ундирилиш тартибига кўра гуруҳланганда уларнинг тўғри ва эгри солиқларга бўлиниши назарда тутилади. Солиқлар сифатида эгри солиқларга хос илмий қарашлар ҳам илмий тадқиқотлар объектидан ўрин олиб келди.

Иқтисодиётнинг муҳим соҳаларини тадқиқ этиш билан шуғулланган физиократлар ва меркантилистлар таълимотларида солиқ муносабатларига оид мулоҳазалар қисқача бўлса ҳам ўрин олган бўлса-да, солиқларнинг ички хусусиятларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида илмий жиҳатдан ўрганиш асосан уйғониш даврининг бошларида, аниқроғи классик сиёсий иқтисодчилар даврига бориб тақалади. Ушбу назарий оқимнинг намоёндаларидан У.Петти ўзининг “Солиқлар ва йиғимлар ҳақида трактат” асарида “.. энг яхши ғоя истеъмолни солиққа тортишдир...” деб таъкидлаганида аслида солиқларнинг оғирлиги билан боғлиқ бўлган ҳолатга илмий ёндошса-да, бу ерда аслида моҳиятан эгри солиқлар хусусида гап кетаётганлигини аниқлаш унча мураккаб эмас²³. У.Петти биринчилардан бўлиб, ундирилаётган солиқларнинг мумкин қадар адолатли бўлиши, солиқларнинг оғирлиги барчага бирдек тушса, ҳар бир тирикчилик воситаси алоҳида-алоҳида, яъни истеъмолга тайёр ҳолда солиққа тортилиши мақсадга мувофиқ бўлади, истеъмолни солиққа тортиш жараёни солиқ объектидан ундирилаётган солиқ миқдори бирлигида (суммаси ёки натура ҳажмида) давлат ҳазинасига бевосита шаклда келиб тушади, деган ғояни илгари сурганлигини кўрсатмоқда. Демак, бу ерда У.Петти айнан эгри солиқлар сифатида эмас, балки солиқларни ундиришнинг қулайлиги жиҳатидан фикр юритадики, бунинг натижасида истеъмолни солиққа тортиш солиқларнинг тўғри ва эгри солиқларга бўлинишига олиб келади. Ана шунга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, У.Петти бу ғояси билан солиқларнинг таснифланиши ғоясини ҳам илгари сурган.

Бошқа солиқлар сингари эгри солиқларга хос бўлган илмий назарий қарашларнинг кенгайиб бориши асосан У.Петтининг издоши А.Смитнинг тадқиқотлари билан боғлиқ. А.Смит ўзининг машҳур тўрт қондасини асослаш ва У.Петтининг бу борадаги тадқиқотларини кенгайтира бориши жараёнида тўғри солиқлар объекти бўлган рента, капиталдан келган даромад,

²³ Петти У. Трактат о налогах и сборах // Антология экономической классики. Предисловие Столярова И.А. – М.: Мл. Эконом “Ключ”, 1995. – 175 с.

хунармандчилик фойдаси, иш ҳақи муносабатлари билан бирга истеъмол предметларини солиққа тортиш жараёнларга алоҳида урғу беради. Бу жихатдан олиб қараганда А.Смит тўғри ва эгри солиқ объектларини бир вақтнинг ўзида тадқиқ этганлигини аниқлашимиз мумкин.

А.Смитнинг фан соҳасидаги буюк хизматларидан бири бу даромад ва харажат турларини биргаликда ўрганганлигидир. Бунда у харажатларнинг таркибига кирадиган солиқларни алоҳида, тадбиркорлик фойдаси ва иш ҳақидан олинадиган солиқларни фарқлаб беради.

Маълумки, бу даврларда давлатнинг асосий даромад манбаини, асосан, аҳолидан олинадиган солиқлар ташкил этган. Шу боис бу жараёнларни тадқиқ этишда кўпроқ ана шу нуқтаи назардан ёндошилган.

А.Смитнинг таъкидлашича, савдо соҳасидаги монопол ҳукмронлик чакана савдо билан шуғулланувчиларнинг ўрнатилган солиқларни тўлай олмаслиги оқибатида келиб чиқади ва монопол сотувчилар ўз фойдаларини тўлаши лозим бўлган солиқ миқдори даражасигача ошириш имкониятига эга бўлади. Бу ҳолат эса нархнинг монопол даражада кўтарилиши оқибатида солиқ миқдори (юки) сотувчидан харидорга ўтказилади. А.Смит эгри ва тўғри солиқлар ўртасидаги фарқни ойдинлаштириб эгри солиқлар харажатлар таркибига киришини, тадбиркорлик фойдаси ва иш ҳақи солиғининг тўғри солиқлар эканлигини асослашда биргаликда бозор конъюктурасининг монополлашуви натижасида товар баҳосининг бир қисми гарчи у тадбиркор (савдогар)нинг фойдаси бўлса-да нархнинг монопол даражада ўрнатилиши ҳисобига солиқ оғирлиги сифатида сотиб олувчининг зиммасига, яъни эгри солиқ сифатида тушишини изоҳлайди²⁴.

А.Смитнинг фикрича, истеъмол предметларидан эгри солиқ улардан ижтимоий зарур моллар учун алоҳида, заргарлик буюмларидан бошқача тартибда ундирилиши зарур. Чунки, ижтимоий зарур моллардан солиқ ундириш бундай маҳсулотларнинг қимматлашувига олиб келса, зебу-зийнат

²⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. — М.: [ЭКСМО](#), 2007. — 357 с.

моллари учун бундай тенденция рўй бермайди. А.Смитнинг бу ғояси эгри солиқларни қўллаш бўйича республикамиз иқтисодиётида ҳам 2000 йилларнинг бошларига рўй берди. Яъни, алоҳида халқ истеъмол моллари - ун, ун маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларига 10 фоизли қўшилган қиймат солиғи ставкаси жорий этилган эди. Бунда ҳам ушбу маҳсулотлар нархи (баҳоси) қимматлашувининг олдини олиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Таъкидлаш ўринлики, А.Смит эгри солиқларни ундиришда бож тўловларининг нуфузини ошириш тарафдори бўлиб келган. У бу ғоясини давлатнинг жамоа мудофааси ва бошқарув харажатлари ташқаридан харажатларнинг барчасини бож тўловларини ундириш орқали қоплаш зарур, деган хулоса келади.

Эгри солиқларга бўлган бундай муносабат А.Смитнинг издоши бўлган Д.Рикардо таълимотларида ҳам деярли ўзгармасдан қолди. Гарчи, Д. Рикардо солиқларнинг моҳиятига капитал жамғариш воситаси жиҳатидан қараса-да, эгри солиқлар деганда ижтимоий зарур моллар ва зеб-зийнат молларидан ундириладиган солиқларни тушунган.

Д.Рикардо таълимотида солиқларга нисбатан агрессив характерда қараш мавжуд бўлиб, унга кўра солиқлар, шу жумладан эгри солиқлар капитал қуйилмаларни камайтирмаслиги лозим ва солиқларни камроқ ундиришнинг энг кам солиқ ундириш деган ғояга асосланади²⁵.

Эгри солиқлар хусусидаги фикрлар Д.Рикардодан фарқли равишда классик иқтисодчиларнинг сўнги намояндаларидан бири Ж.Милль таълимотларида кенгроқ ривожлантирилди. Унинг “Сиёсий иқтисодиёт ва солиққа тортишнинг бошланиши” асарида солиқларнинг тенглиги тамойилининг асосланиши билан бир қаторда тўғри ва эгри солиқлар хусусида фикр юритиб, эгри солиқларни ундириш механизми ундириш вақти ва усули солиқ тўловчиларга бир мунча қулайлигини асослаган ҳолда эгри солиқлар тўғри солиқларга нисбатан бир қадар қулай, деган ғояларни олға

²⁵ Рикардо Д. Начала политической экономики и налогового обложения. Избранное – М.: [Антология экономической мысли](#), 2007. - 368 с.

сурган. Ж.Милль эгри солиқлар хусусида фикр юритиб, алкогольли маҳсулотларга нисбатан каттароқ миқдорда бож ставкаларини белгилашни ёқлаб, бошқа маҳсулотлардан камроқ ундириш ҳамда мамлакатда ноқонуний товарларнинг суқилиб кириши олдини олиш мақсадида бож тўловлари миқдорини ҳаддан ташқари ошириб юбормаслик, қолаверса, мамлакатдан чиқариладиган (экспорт) маҳсулотлар ўрнига олиб кириладиган (импорт) маҳсулотлардан бож тўловларини ундириш мақсадга мувофиқдир, деган ғояларни илгари суради.

Ж.Милль тадқиқотларининг ўзига хос хусусияти шундаки, бошқа иқтисодчилардан фарқли равишда у тўғри ва эгри солиқларни унификациялаштириш, яъни ягона тизимга мужассамлаштириш деган умумий қонидани ўртага ташлайди ва бу фикрини солиқларнинг турли хилда мавжуд бўлиши солиқларнинг адолатлилик тамойилининг моҳиятига зиддий характерда бўлади, деб асослашга ҳаракат қилади²⁶.

Қайд этиш жоизки, классик иқтисод намоёндалари ўзларининг мажбурий тўловлар билан боғлиқ тадқиқотларида тадқиқот ядроси сифатида солиққа тортиш тамойиллари турган ва уларни асослаш жараёнида тўғри ва эгри солиқлар кўринишда солиқларнинг ҳаракатига баҳо беришга уринган ва бу жараёнда уларнинг қарашларида ўхшашлик жиҳатлар билан бирга зиддиятли ҳолатлар ҳам мавжуд бўлган. Бу илмий тадқиқот бош ғояларига монанд келса-да, солиқлар хусусида, шу жумладан эгри солиқларга оид тадқиқотлар кейинги илмий тадқиқотларнинг, қолаверса, цивилизация даврининг ҳозирги босқичига қадар мустақил объект сифатида ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, эгри солиқларга оид тадқиқот ишлари ўтган асрнинг дастлабки ўн йилликларига қадар бир мунча ривож топди. Хусусан, М.Алексеев, С.Сисмонди, Н.Тургенев, А.Тривус, А.Соколов ва шу кабилар эгри солиқларнинг хусусиятлари билан боғлиқ тадқиқот натижаларини эълон қилиб борди. Рус иқтисодчиси А.Соколов ўзининг

²⁶ Милль Дж.С. Основы политической экономии. Том 3. – М.: [Прогресс](#), 1981. - 365 с.

“Солиқлар назарияси” асарида ундирилаётган эгри солиқларнинг жамиятнинг иқтисодий соҳасига зарари, бундай солиқларни давлат хазинасига ундирилган миқдордан бир неча марта юқори бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш лозимлигини уқтириб ўтса²⁷, М.Соболев эса эгри солиқларнинг давлат учун доим даромадлигини, бундай солиқлар товарлар нархига киритилганлиги боис улар истеъмолчилар томонидан сезилмаган ҳолда тўланиб бориши ва уларда салбий кайфият уйғонмаслиги, эгри солиқлар товарнинг нархида бўлганлиги учун улар пулнинг борлиги вақтида тўланиши мумкинлигини таъкидлаб, бу ҳолатларни эгри солиқларнинг афзалликлари сифатида талқин этади²⁸. Бироқ, М.Соболевдан фарқли равишда Л.Ходский эгри солиқлар истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятига тескарилигини, бундай солиқларни ундириш катта миқдордаги харажатларни талаб этишини, қолаверса, эгри солиқлар, хусусан истеъмол солиғи ишлаб чиқарувчилар манфаатларига зид бўлиб, солиқ ундирувчи органларнинг ишлаб чиқаришга аралашувини фаоллаштиради ва мажбур этади деган хулосаларни бериб, эгри солиқларнинг салбий жиҳатларига баҳо беради.

Иқтисодчи олимлар аксариятининг эгри солиқларни таҳлили юзасидан умумий хулосалари шундан иборат эдики, тўғри ва эгри солиқларни уйғунликда ундириш, уларнинг яхлит тизими яратилсагина солиқ тўловчилар ва давлат ўртасидаги манфаатларнинг уйғунлигини таъминлашга эришиш мумкин. Бу борада Л.Ходский фикр юритиб, “... эгри солиқлар давлат молиясининг асосий ядроси бўлмаслиги лозим, энг муҳим бўлган истеъмол молларидан камроқ меъёردа солиқ ундирилиши ва, ўз навбатида, эгри солиқлар билан биргаликда тўғри солиқларнинг ишлаш механизмини ҳам яратиш лозим” дейди²⁹.

²⁷ Соколов А.А. Теория налогов –М.: ООО «ЮрИнфоРПресс», 2003. - 201 с.

²⁸ Соболев М. Очерк финансовой науки. – М.: 2002. - 39 с.

²⁹ Ходский Л. Основа государственного хозяйства курс финансовой науки. – СПб.:1993. - 151 с.

Юқорида баён қилинганлар асосида классик сиёсий иқтисодчи олимларнинг эгри солиқлар хусусидаги фикрларини умумлаштирадиган бўлсак, уларда эгри солиқларни, қолаверса, барча солиқларни зарарли эканлигини шу билан биргаликда давлатни сақлаб туриш харажатларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи сифатида эътироф этганлигини кўришиз мумкин. Кейинги иқтисодчи олимлар эса эгри солиқларнинг салбий жиҳатларини асослаш билан бир қаторда уларни тўғри солиқлар билан бирга ҳаммувофиқликда ундиришнинг ягона механизмини яратиш лозимлиги хусусида фикр юритадилар.

Масалан, профессор Т. Маликов “Эгри (билвосита) солиқлар хўжалик актлари ва оборотлари ҳамда молиявий операциялардан келиб тушади, эгри (билвосита) солиққа тортилиши лозим бўлган юридик ва жисмоний шахслар турлича шахслардир” деб, эгри солиқларни юзага келишининг уч омили – хўжалик актлари, оборотлари, молиявий операцияларни эътироф этади ва уларни тўловчиси ва истемол этувчисини фарқланишини ажратади. Шунингдек, ушбу иқтисодчи олим “эгри солиқлар” ва “эгри солиққа тортиш” тушунчаларининг фарқини келтиради. Унинг фикрича, “эгри солиққа тортиш – даромадлар сарф қилинаётган пайтда тўланадиган солиқлар тизимини ўз ичига олиб, даромадлар билан эмас, балки харажатлар билан боғлиқдир. Эгри солиққа тортишда товарни ишлаб чиқарувчи ёки хизматни кўрсатувчи уларни таркибида устама (қўшимча) бўлган баҳо (тарифда) сотади ва тушумдан маълум бир солиқ сўммасини давлат ихтиёрига ўтказади”³⁰. Бундан кўринадики, муаллиф эгри солиқлар бу маҳсулот (хизмат, иши)нинг таннархига қўшимча тарзда ўрнатилиши ва у тушумнинг бир қисмини бюджетга ўтказилишини эътироф этадики, бу эгри солиқларнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга хизмат қилади, албатта.

Иқтисодчи олим Ш.Гатаулин эгри солиқларга таъриф берар экан, “эгри солиқлар бу товар ёки кўрсатилаётган хизматига баҳо ёки таъриф сифатида устама сифатида ўрнатилган солиқлардир” деб таърифлайди ва, ўз навбатида,

³⁰ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002, 190-191 бетлар.

эгри солиққа тортиш тушунчасига аниқлик киритиб, “... эгри солиққа тортиш жараёнида давлат товар ёки хизматни реализацияси даврида ўзининг ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда янги қийматнинг бир қисмини тақсимлашда катнашувчи сифатида юзага чиқади”³¹, деган хулосага келади.

Юқоридагилардан кўринадикки, иқтисодчи олимлар “эгри солиқлар” ва “эгри солиққа тортиш” каби тушунчаларни фарқлайдилар. Яъни, эгри солиқлар сотилаётган товар (хизмат, иш)нинг устига устама шаклда кўйилишини қайд этадилар. “Эгри солиққа тортиш” жараёни сифатида эса сотилаётган товар қийматининг бир қисмини мажбурий тартибда давлат бюджетига жалб этилиш жараёни эканлиги эътироф этилади. Юқорида номлари зикр этилган иқтисодчи олимларнинг фикрларига кўшилган ҳолда “эгри солиқлар” ва “эгри солиққа тортиш” жараёни хусусидаги ўз ёндошувимизни билдириб ўтамыз.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан О.Қ.Абдурахмонов, М.И.Альмардонов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев, А.С.Жўраев, Н.Р.Қўзиева, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Ш.А.Тошматов, Б.Э.Тошмуродова, Н.Ҳ.Ҳайдаров ва Қ.А.Яҳёевларнинг илмий ишларида эса, эгри солиқларга хос жараёнларнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган. Иқтисодий адабиётда амалга оширилган солиқ тизимга оид илмий тадқиқотлар доирасида эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири комплекс равишда тадқиқ этилмаган. Хусусан, Ш.Тошматов, М.Комиловлар илмий ишлари кўшилган қиймат солиғини ундириш механизмидаги муаммоларга бағишланган бўлса, И.Жалолов тадқиқот ишида кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғининг бюджет даромадларига айрим истеъмол товарлари нархининг шаклланишига таъсири ўрганилган, Б.Қодировнинг диссертация ишида эгри ва тўғри солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ўрганилган. Шунингдек, А.Таниевнинг илмий ишида Давлат бюджетига эгри солиқларни ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари кўриб чиқилган.

³¹ Гатаулин Ш.К. Налоги и налогообложение / Учебное пособие. - Т.: ЎзР ДСҚ, 1996. – 241 с.

Қайд этилган илмий-тадқиқот ишларида эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсири ўзаро боғлиқ равишда илмий-тадқиқот объекти сифатида яхлит ўрганилмаган.

Моҳияти жиҳатидан олиб қараганда хўжалик юритувчи субъектлардан мажбурий тўловлар бюджет тизимининг бўғинларига келиб тушса-да, бироқ уларнинг келиб тушиш жараёни турлича кўринишда бўлади. Бунинг сабаби, бизнинг фикримизча, биринчидан корхона (фирма)ларнинг турлича хўжалик юритиш ва хўжалик операцияларининг мазмунидан келиб чиқса, иккинчидан, солиқ турларининг эгри ва тўғри гуруҳларга ажратилиши мажбурий тўловларнинг солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти якунидан ёхуд хўжалик оборотларидан ундириш заруратидан, ва учинчидан эса, солиқларнинг фискалик хусусияти билан белгиланади.

Юқорида келтирилган илмий назарий қарашларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)нинг хўжалик фаолиятининг якунида маҳсулот (хизмат, иш)ларни реализация қилиниши жараёнида уларнинг маҳсулот (хизмат, иш) таннархига муайян ставка асосида ўрнатиладиган солиқларга эгри солиқлар дейилади. Эгри солиқлар маҳсулот таннархига қўшилганлиги туфайли солиқ тўловчининг фаолиятига катта таъсир кучига эга бўлади ва шу жиҳатдан бу солиқларнинг солиқ тўловчининг барча фаолиятига қаттиқ боғлиқлиги юзага келади. Бу ҳолат эгри солиқларни солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятидан айро ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлмаслигини кўрсатади. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу солиқлар ўзгача тарзда иқтисодиётга, қолаверса, солиқ тўловчининг фаолиятига таъсир доираси алоҳида хусусият касб этади.

1.2. Солиқ тизимида эгри солиқларнинг шаклланиши ва ривожланиши

Глобаллашган иқтисодиётнинг ҳозирги даврида, қолаверса жаҳон-молиявий-иқтисодий инқирози шароитида эгри солиқларнинг хўжалик

юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини илмий-назарий ва амалий-услубий жихатдан ўрганишда солиқларнинг анъанавий шаклланиш ҳамда замонавий ривожланиш тенденцияларини чуқурроқ тадқиқ қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Эволюцион ривожланишнинг тарихий-тадрижий босқичи шундан далолат берадики, солиқлар ижтимоий-иқтисодий тузилишига қараб ёхуд ундириб олиш манбаига кўра эгри ва тўғри солиқларга бўлинган. Агар эгри солиқларнинг тарихий шаклланиш жараёнига эътибор берсак, бож тўловлари дастлабки эгри мажбурий тўлов сифатида юзага келган бўлса, акциз солиғи давлатчиликнинг кейинги цивилизацияси босқичларида эгри солиқ сифатида ундирила бошланди ва давлат хазинасининг асосий даромад манбаи сифатида солиқ тизимида алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Аслини олганда эгри солиқларнинг юзага келиши давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса-да, уларнинг шаклланиши жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазият, иқтисодий тизимнинг тури, давлатнинг иқтисодий, ташқи сиёсатининг мазмуни асосида содир бўлмоқда. Баён қилинган бу фикрларимизни ўтган асрнинг дастлабки ўн йилликлари (биринчи жаҳон уруши) ва ўрталарида эгри солиқларнинг амал қилиш ҳолати тасдиқлайди. Яъни, биринчи жаҳон уруши даврида ғарб мамлакатларида сиёсий вазият айланмадан ва сотишдан солиқ турлари жорий этишни тақозо этган эди. Чунки, бу солиқ турлари орқалигина Европадаги бир қатор давлатлар давлат хазинасига уруш харажатларини қоплаш мақсадида кўпроқ молиявий ресурс (пул)ларни жалб этиш имкониятига эга бўлган. Бироқ, айланмадан ва сотишдан олинадиган солиқ турлари фискал хусусиятга эга бўлиб, рағбатлантириш хусусиятига эга эмас эди. Натижада маҳсулотларнинг қимматлашуви, уларнинг камайиши, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчиларнинг норозичилигини юзага келтирди. Пировардида бу мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий вазият эгри солиқларни ундириш механизмини тубдан ўзгартириш заруратини келтириб чиқарди. Бунинг ечими сифатида ўтган аср биринчи ярим йиллигининг охирларида айланмадан ва сотишдан олинадиган солиқлар ўрнига бошқа бир

эгри солиқ қўшилган қиймат солиғи жорий этилди. Истеъмолни солиққа тортиш механизмидаги бундай ўзгариш, дастлаб, Франция давлатида амалга оширилди, яъни қўшилган қиймат солиғи ушбу давлатда биринчи қўлланилди ва аксарият Европа давлатлари учун тажриба маконини ўтади.

Шу ўринда қўшилган қиймат солиғининг аввалги истеъмол солиқларидан фарқлари хусусида бироз тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Уларни қисқача тарзда, бизнинг фикримизча, қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчидан, сотишдан солиқни ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатлари давр оралиғидаги жараёнга давлатнинг иқтисодий таъсир доираси чекланган бўлиб, у маҳсулотнинг истеъмолчи тасарруфига ўтган ҳолатда солиқ сифатида ундирилар эди;

Иккинчидан, қўшилган қиймат солиғида товарлар айланишининг тўлиқ қиймати эмас, балки юзага келган қўшилган қиймат солиғи кўп қиррали бўлиб, у ишлаб чиқариш ҳамда айирбошлаш жараёнининг ҳар бир босқичида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга йўналтириб туради;

Учинчидан, қўшилган қиймат солиғи ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида хом-ашё ва материал қийматига моддий, меҳнат ҳаражатларининг миқдорига бевосита боғлиқ бўлади ва пировард маҳсулотнинг қийматига сотиш жараёнида устама шаклида қўшилади;

Тўртинчидан, қўшилган қиймат солиғи орқали давлатнинг иқтисодий функцияларини молиялаштириш имконияти ошган ҳолда, иқтисодий таъсир этишнинг воситаси сифатидаги афзалликлари намоён бўла бошлади. Умуман, қўшилган қиймат солиғи аксарият ривожланган давлатларнинг солиқ тизимида иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, унинг сотиш ва истеъмол бўғинидаги нисбатни мўътадиллаштиришнинг омили бўлиб хизмат қилади. Ривожланган давлатлар ичида АҚШ давлатида гарчи қўшилган қиймат солиғи амал қилмаса-да, бу ерда истеъмол жараёни сотишдан солиқ орқали солиққа тортилмоқда.

Канадада ҳам эгри солиқлар сифатида қўшилган қиймат солиғи ундирилмаса-да, товар ва хизматлардан олинадиган федерал солиқ (GST-

goods and services tax) mavjud бўлиб, у қўшилган қиймат солиғига ўхшашдир. Яъни, бу солиқни охириг истеъмолчи товарни ёки хизматни сотиб олишда тўлайди (7 фоизда).

Бундан ташқари Канадада сотишдан солиқ (provincials tax - PST) ҳам ундириладики, бу солиқ сотиб олиш жараёнида товар чекининг алоҳида сатрида кўрсатилган ҳолда ундирилиб, у товарнинг нархига киритилади. Шу жиҳатдан уни истеъмолчи тўлайди. Демак, истеъмол муносабатларини солиққа тортиш жараёни турли хил номланишдаги ва кўринишдаги эгри солиқлар орқали амалга оширилмоқда. Аммо улар истеъмолни тартибланиш ва фискаллик хусусияти жиҳатидан муайян фарқларга эгадир.

Қўшилган қиймат солиғида акциз солиғи ва божхона божидан фарқли равишда муайян турдаги бозорни тартибга солиш имконияти чекланган. Шунингдек, товар айланиши ва сотувдан олинган солиқларнинг бюджет жараёни билан фискал боғлиқлиги товарларнинг нафтлилик даражасига, ўринбосар товарларнинг номенклатурасига, маркетинг ҳолатининг даражаси товарларни истеъмол этиш муддати, вақти ва ҳудудий омилларига боғлиқ бўлади.

Демак, бундай солиқларни ундириш механизми нафақат истеъмол жараёнини, шунингдек, юқорида қайд этилган ҳолатларни ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Шу жиҳатдан бу солиқ айрим ҳудудларда ундирилса, бошқаларида эса амал қилмаслик ҳолатларини ҳам кўриш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси солиқ тизимида ҳам эгри солиқларни ундириш ва қўллаш жараёни турлича шаклланганлигини тарихий манбалар кўрсатади. Ўтган асрнинг 20-йилларида шўролар томонидан олиб борилган “Янги иқтисодий сиёсат” даврида Туркистон АССРда солиқлар тизимининг янги даври бошланган эди. Бу даврда қишлоқ хўжалигидан ундириладиган солиқ, хунармандчилик фаолиятдан олинган солиқ, даромад солиғи, мулк солиғи, рента солиқлари, мерос божи, бож тўловлари ҳамда айрим турдаги маҳсулотлар учун акциз солиқлари ундирила бошланган. Бундай турдаги солиқлар асосан шўролар томонидан киритилганлиги боис Бухоро ва

Хоразм Халқ Республикаларидаги амалда бўлган солиқ турлари ҳамда уларни ундириш тартиблари кўп жиҳатдан ўхшаш бўлган.

1923 йилда эса ҳукумат томонидан ҳунармандчилик солиғи киритилган. Бу солиқ асосан патент ва тенглаштирилган йиғимдан иборат бўлиб, масалан, патент йиғими ставкаси тилло пулда 2 сўмдан 200 сўмгача табақалаштирилган ҳолда ўрнатилган. Заргарлик қимматбаҳо буюмлари эса 12 фоизли ставка асосида солиққа тортилган. Йигирманчи йилларнинг охирида янгидан ташкил топган Ўзбекистон ССРнинг (таркибида Қорақалпоғистон АССР) бюджет даромадлари фоизининг асосий қисмини солиқлар ташкил этган. Аммо, бу даврда солиқларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шунда эдики, солиқ тизими нафақат бюджетни шакллантириш манбаи, шунингдек, итоаткорлик ҳолатини таъминлашнинг сиёсий воситаси сифатида ҳам қўлланилган. Шу билан биргаликда юқоридаги солиқ турлари бўйича аҳолининг бадавлат қисмига нисбатан алоҳида юқори ставкалари қўлланилган³².

Юқорида қайд этилганидек, эгри солиқлар сифатида қўлланилиб келинган айланмадан солиқ ва сотишдан солиқ истеъмолни солиққа тортувчи солиқлар сифатида Ўзбекистон солиқ тизимида тўқсонинчи йиллар бошига қадар қўлланилиб келинган. Бу солиқлар такрор ишлаб чиқариш жараёнининг турлича босқичларида амал қилган. Айланмадан солиқ маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот тайёрлашнинг турли босқичларида оборотни солиққа тортиш вазифасини бажарган. Бизга маълумки, собиқ иттифоқ даврида жами ижтимоий оралик маҳсулот мавжуд бўлган ва у пировард натижани билдирмаган. Айланмадан олинадиган солиқ мана шу орқали маҳсулот давридаги ҳар бир босқични қамраб олганлиги туфайли унинг фискаллигини оширган. Жами ижтимоий маҳсулот ҳажми уни яратиш учун кетган меҳнат сарфини акс эттирган, бундан фарқли равишда ялпи миллий маҳсулот унинг бозорда тан олинishi ифодалайди. Айланмадан олинадиган солиқнинг энг катта камчилиги ҳам шундан иборат эдики,

³² Ш.К. Гатаулин. Налоги и налогообложение / Учебное пособие. – Т.: 1996. – 64-66 с.

маҳсулот оралиқ маҳсулот сифатида қайта ишлаш жараёнларини ҳам қамраб олиб, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирмаган. Бошқа томондан тоталитар режали иқтисодий тизимда ишлаб чиқарувчиларнинг қаттиқ сунъий интеграциялашуви, яъни бир-бирига қаттиқ боғлаб қўйилганлиги бу солиқни қўллашда адолатлилик тамойилининг амал қилмаслигини ҳам таъминлаган.

Ўзбекистон (таркибида Қорақалпоғистон суверен Республика) ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг молия-кредит соҳасидаги иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган солиқ тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг дастлабки босқичлари сифатида “Корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди ва унда бошқа солиқлар сингари эгри солиқлар сифатида қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ҳуқуқий жиҳатдан асосланди. Бу қонуннинг қабул қилиниши билан амалда бўлган айланмадан солиқ ва сотувдан солиқ ўз ўрнини қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғига бўшатиб берди.

Айланмадан солиқ маҳсулотнинг ҳар бир айланмасидан олинган, бошқача айтганда, товар ишлаб чиқарувчи томонидан товарни ишлаб чиқаришдан тортиб то охирги истеъмолчига боргунча бўлган ҳаракатда кўп маротаба солиққа тортилган. Сотишдан солиқ эса маҳсулот реализациясининг охирги босқичида товар қийматининг улуши сифатида бир маротаба олинган. Халқаро солиққа тортишда эса айланмадан солиқ бошқача вариантда қўлланиладиган, яъни солиққа тортишда барча айланма олинмай, балки товарлар бўйича алоҳида саноат тармоқлари маҳсулотлари айланмасидан солиққа тортилган. Бу асосан тамаки, алкоголь маҳсулотлари ва тўқимачилик саноати маҳсулотлари учун характерли бўлган. Оғир саноат маҳсулотлари (нефть, газ, автомобиль саноатларидан ташқари), медикаментлар, гўшт ва сабзавотлар ишлаб чиқаришлари айланмадан солиққа тортилмаган. Шу сабабдан кўпчилик олимлар собиқ Иттифокда қўлланилган айланмадан солиқ халқаро стандартларга кўра таҳлил қилинган

бу солиқ моҳиятига кўпчилик товарлар бўйича сотишдан солиққа ўхшаса, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари бўйича акциз солиғига тортишга ўхшайди, эътироф этганлар.

Оборотдан солиқ собиқ Иттифоқ бюджетига катъий ўрнатилган улуш сифатида тушган бўлиб, маҳсулотдан олинadиган фойдага боғлиқ бўлмаган. Бу эса маҳсулот баҳосини оширишга олиб келган. Истеъмол учун солиқ гуруҳига кирган солиқлар, шу жумладан, айланмадан солиқ, сотишдан солиқ ва улар асосида пайдо бўлган қўшилган қиймат солиқларининг асосий белгиларини, бизнинг фикримизча, қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

Биринчидан, бу солиқлар ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида солиққа тортилган бўлса-да, охириги истеъмолга мўлжалланган эди. Бу белги эса тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш (даромаддан солиқ) ёки аҳоли даромадини солиққа тортиш (даромад солиғи)га мўлжалланган тўғри солиқлардан ажралиб турадиган асосий белгидир;

Иккинчидан, охириги истеъмолнинг бир қисми ёки барчасида ҳар хил гуруҳдаги маҳсулотлар бир хил ставкаларда солиққа тортилган. Бу белги билан бу солиқлар бошқа эгри солиқлар, жумладан, акциз ва божхона божларидан фарқ қилади. Акцизлар ва божхона божлари ҳам истеъмолни солиққа тортишга хизмат қилса-да, уларнинг баъзи бир белгилари бошқа мақсадларга хизмат қилади. Масалан, акциз солиғи билан маълум гуруҳдаги товарлар (биринчи новбатда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари) ушбу маҳсулотлардан олинadиган юқори даромадларни солиққа тортиш билан биргаликда акциз солиғи қўшимча мақсад, яъни юқори баҳолар билан ушбу маҳсулотларни камроқ истеъмол қилишни ҳам мақсад қилиб қўйган.

Божхона божлари фискаль вазифасини бажариш билан биргаликда бошқа вазифаларни бажаришда қўлланилади. Масалан импорт учун божхона божлари мамлакатдаги ишлаб чиқаришни муҳофаза қилиш учун, экспорт божлари эса мамлакат ташқарисидаги дефицитга қаратилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ қуйидаги эгри солиқлар белгилаб қўйилган:

- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи;
- Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- Божхона божи.

Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғининг дастлабки ҳуқуқий асоси “Қорхоналардан олинадиган солиқлар тўғрисида” ги қонун бўлса, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига асосланган ҳолда махсус йўриқномалар хизмат қилмоқда.

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғи ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тури эса республикаимиз солиқ тизимини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги муносабатларнинг натижаси бўлиб, бу солиқ айрим солиқ турларини унификациялаш ва самара бермай қолган солиқ тури ўрнига юзага келиб чиқиб, солиққа тортиш механизми ўрнига транспорт воситаси эгаси ўз транспортидан фойдаланганлик мезонига асосланган, ушбу солиқ тури “Ўзбекистон Республикаси айрим турдаги қонунларига ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида” ги қонуни (2002 йил 05.04. 364–II сон қонуни)га мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2001 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги давлат бюджети параметрлари тўғриси” ги 455-сонли қарорига мувофиқ янги солиқ тури сифатида солиқ тизимига жорий этилди.

Божхона божи ҳам эгри солиқлар ва йиғимлар турига кириб, бу солиқсиз тўлов эгри солиқлар ичида энг қадимийларидан бири ҳисобланиб, давлатчиликнинг турли босқичларида иқтисодий тизимнинг барча шаклларида амал қилиб келган ва бугунги кунда Ўзбекистон солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида импорт-экспорт операцияларини тартибга солишда ва давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Божхона божи Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил декабрь ойида қабул қилинган ва

1998 йил 1 январдан кучга киритилган “�збекистон Республикасининг божхона кодекси”га ҳамда бошқа махсус меъёрий ҳужжатлар асосида ҳуқуқий негизга эгадир. Умумий хулоса қилиб айтганда, эгри солиқлар ўзининг дастлабки кўринишларига эга бўлишига қарамасдан, такомиллашган ҳолда республикамиз солиқ тизими шаклланиши ва ривожланишининг барча босқичларида амал қилиб қилмоқда.

1.3. Эгри солиқларнинг хорижий давлатлардаги ҳолати ва ундан фойдаланиш масалалари

Маълумки, ҳар қандай иқтисодий муаммога бағишланган илмий тадқиқот, айниқса, иқтисодий соҳадаги жараёнларни иқтисодий таҳлил этиш ўрганилаётган ҳодисанинг бошқа ҳудудлардаги ҳолати билан қиёсий ўрганишни тақозо этади. Чунки, қиёсий таҳлил, биринчидан, тадқиқот объектининг ўзига хос хусусиятларини очиб беради, иккинчидан, мавжуд муаммоларнинг омилларини аниқлашга имкон яратади ва учинчидан эса, амалдаги механизмни яхшилаш бўйича самаралироқ бўлган тажрибалардан фойдаланиш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқишга ўзига хос замин яратади. Айниқса, бундай ёндошув солиқ тизимида самарали хулосаларни олишга имкон беради. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, республикамиздаги эгри солиқларнинг амалдаги ҳолатини айрим хорижий давлатлардаги мавжуд механизмлар билан солиштириш бизнинг тадқиқотимизнинг илмий ва амалий савиясини янада оширишга хизмат қилиши мумкин.

Эгри солиқларнинг вужудга келиши Европа давлатлари иқтисодий фаолиятига боғлиқ бўлиб, бу солиқларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини кузатиш шундай хулосага олиб келадикки, эгри солиқлар иқтисодий тараққиёт ҳолатидан келиб чиқиб, солиқ сиёсатининг йўналишига компас каби йўл кўрсатувчи вазифани доим бажариб туради. Ҳар қайси ҳукумат эгри солиқларсиз самарали иқтисодий сиёсатни олиб бораолмаслигини реал ҳаёт яққол кўрсатмоқда. Бунинг

сабабини қуйидагича изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Эгри солиқлар сотилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизмат ёки бажарилаётган ишларнинг қийматига устама шаклда ўрнатилиши туфайли давлатнинг иқтисодиётга таъсир этиш воситасининг таъсирчанлигининг тезлиги даражасини ошириш имкониятини беради. Яъни, тўғри солиқлар орқали иқтисодиётнинг тегишли соҳаси, тармоғи, ёки муайян фаолиятга таъсир кўрсатишга нисбатан эгри солиқлар орқали таъсир этиш анча қулайдир. Маҳсулот (хизмат, иш) реализация этувчи корхоналар ва фойда олувчи корхоналар ўртасидаги тенглик камдан-кам ҳолатларда сақланиши мумкин. Тўғри солиқлар кўпроқ рағбатлантирувчилик хусусиятига эга бўлса-да, аммо, уларни таъсир самараси эҳтимолли бўлади ва муайян вақтдан сўнггина унинг самарасини аниқлаш мумкин. Бу ўринда прогрессив солиққа тортиш тизимининг моҳияти, асосан, эгри солиқлар қўлланилиш хусусияти билан очиқ берилади.

Эгри солиқлар таркибида асосий солиқ бўлган қўшилган қиймат солиғи³³ биринчи марта шу асрнинг 60-йилларида Европада жорий этилиб, бу солиқ бутун дунё бўйлаб тез тарқалди. Фарбда ишлаб чиқариш инвестициялари ҚҚСдан ҳаммадан кўп озод қилинган. Хусусан, Европа ҳамжамияти кенгаши ўз аъзоларига сотиб олинган ускуналар учун тўланган солиқни 5 йил мобайнида, бинолар бўйича эса 10 йил мобайнида қоплашни тавсия этади. Европа ҳамжамияти мамлакатларида ҚҚСни бирхиллаштириш ҳақида узоқ вақт баҳс-мунозара олиб борилди. Бунинг натижасида 15 фоиздан иборат умумий базавий ставка танлаб олиниб, унга 1993 йилда ўтилган.

Италияда энг кўп тарқалган ҚҚС ставкаси 20 фоиз, бироқ, у билан бир қаторда 10; 6 ва 4 фоиз чегирмага эга бўлган ставкалар амал қила-ди. Бу ставкалар одатда озиқ-овқат товарларига солинади. Энг паст ставка фақат давлат корхоналари учун жуда зарур товарларга нис-батан қўлланилади. Экспорт қилинадиган товарлар, халқаро хизматлар ва улар билан боғлиқ операцияларга ҚҚС солинмайди. Италия ҳудудида амалга оширилаётган

³³ Бундан кейинги ўринларда ҚҚС шаклида ишлатилади.

халқаро хизматлар жумласидан бўлган суғурта ва кредитлар бериш, акциялар ва облигацияларни тарқатиш бўйича операциялар, тиббий хизмат кўрсатиш, халқ таълими, маданият бўйича харажатлар, тижорат билан боғлиқ бўлмаган ижара, почта хизматлари, олтин ва чет эл валютаси билан ўтказиладиган операциялар ушбу солиқни тўлашдан озод қилинади.

Францияда ҚҚСнинг андозавий ставкаси – 19,6 фоиз. Имтиёзли ставкалар бўйича дори-дармонларга 2,1фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари, ногиронлар учун тиббиёт ускуналари, қишлоқ хўжалиги учун ёрдамчи маҳсулотга 5,5 фоиз солиқ солинади. Зебу-зийнат буюмлари, телерадио, видеоаппаратлар, тамаки маҳсулотлари учун ставка 22 фоизгача оширилган. Машина, ускуналар, бинолар сотиб олиш чоғида тўланган солиқнинг ҳаммаси тадбиркор томонидан солиқ декларациясига киритилади ва шу заҳотиёқ ўз маҳсулотини сотишдан олган солиқ сўммасидан чегириб ташланади. Давлат бюджетига ҚҚСдан тушаётган маблағлар ЯИМнинг 9,19 фоизини ташкил этади³⁴.

Португалияда ҚҚСнинг асосий ставкаси – 21 фоиз. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини, китоблар, газеталар, журналларни импорт қилиш ушбу солиқни тўлашдан озод қилинган. Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари, мактаб дарсликлари, энергияни тежайдиган машина ва ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари, кўмир, совун учун 12 ёки 5 фоизлик имтиёзли ставка белгиланган. Бунинг эвазига биринчи даражали бўлмаган айрим маҳсулот турлари атир-упалар, мўйнадан тикилган кийимлар, қимматбаҳо тошлар, балиқ икриси, самолётлар, кемаларга нисбатан 30 фоизлик оширилган ставка амал қилади.

Германияда 1879 йил 2 май куни рейхстагдаги нутқи орқали солиқни даромаддан эмас, балки сарф-харажатдан олишни талаб қилган Германия канцлери Отто Бисмарк (1815-1898) мамлакат солиқ сиёсатининг мақсадларини белгилаб берган эди. Ана шундан сўнг “Бисмаркнинг солиқ

³⁴ Налоги и налогообложение. 6-е изд., доп. / Под ред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской. – СПб.: ПИТЕР, 2009. – 398 с.

либоси” ибораси қанот ёзиб, халқ орасида тарқалиб кетди. Ҳозирга вақтда Германияда иккита йирик солиқ шакли мавжуд – жисмоний шахслардан даромад солиғи ва қўшилган қиймат солиғи. Мамлакат бюджет тушумида ажратилган ҚҚС миқдори 28 фоизни ташкил қилади. Умумий ставка эса 15 фоизни ташкил қилгани ҳолда, қатор озиқ-овқат ва китоб-журнал маҳсулотларига минимал ставкада – 7 фоиз қилиб белгиланган. Бюджетнинг умумий даромадида солиқлар 80 фоизни ташкил қилади.

Ҳозирги пайтда Германияда ҚҚСнинг умумий ставкаси 19 фоиз бўлиб, айрим маҳсулотларга минимал миқдор жорий этилган (дори-дармонлар, китоб ва озиқ овқат маҳсулотлари – улар учун бор йўғи 7 фоиз солиқ ставкаси белгиланган).

Германияда тамаки маҳсулотларига акциз унинг қийматидаги солиқ маркаларини сотиб олиш билан тўланади. Акциз тўлови тамаки маҳсулотларининг “солиқ омбори” режимидан чиққанда, агар улар келгуси йўналишларида ҳам шундай мақсадларга мўлжалланмаган бўлса амалга оширилади.

Буюк Британияда ҚҚС стандарт ставкаси – 17,5 фоиз бўлиб, имтиёзлиси – 5 фоиз ва 0 фоиз. Ноль даражали солиқ ставкаси товарларнинг 17 та гуруҳига, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув таъминоти ва канализация, кўзи ожизлар учун китоблар ва қўлланмалар, ёқилғи ва иситиш, транспорт воситалари, халқаро хизматлар, кийим-кечак ва хайр-эҳсонларга нисбатан қўлланилади. 8 фоизли ставка таъминотнинг коммунал турлари борасидаги хизматларга нисбатан қўлланилади.³⁵

Бельгияда ҳам учта ҚҚС ставкаси амал қилмоқда: кўпчилик озиқ-овқат маҳсулотлари, газеталар, журналлар, китобларга 6 фоиз, тамаки маҳсулотлари, органик ўғитларга 12 фоиз, қолган ҳамма товарларга 21 фоиз солиқ солинади³⁶.

³⁵ А.В.Ваҳобов, А.С.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарк, 2009. – 132-133 б.

³⁶ Налоги и налогообложение. 6-е изд., доп. / Под ред. М. В. Романовского, О.В. Врублевской. – СПб.: ПИТЕР, 2009. – 403 с.

Данияда самолётлар, айрим турдаги кемалар, журналлардан ташқари ҳамма товарлар учун 25 фоизлик ягона ҚҚС ставкаси амал қилади.

Латвияда ҚҚС база ставкаси узок йиллар мобайнида 18 фоиз бўлиб келган. Айрим маҳсулотлар ва хизматлар учун 5 фоиз миқдорда камайтирилган ҚҚС ставкалари жорий қилинган, айримлари ҚҚСдан озод қилинган (ноль фоизли ставка қўлланади). 2009 йил 1 январдан бу солиқнинг асосий ставкаси 18 фоиздан 21 фоизга оширилди, камайтирилган ҚҚС ставкаси эса 5 фоиздан 10 фоизга оширилди ва у жорий қилинган маҳсулотларнинг рўйхати сезиларли даражада қисқарди. ҚҚС тўғрисидаги Қонун 1995 йил кучга кирган бир вақтда оборот солиғи бекор қилинган.

Латвияда қўйидаги ичимликлар ва тамаки маҳсулотларига: пиво, вино, салқин ичимликлар, оралик ичимликлар, турли алкоголь ичимликлар, сигара ва сигариллалар, сигареталар ва чекиладиган тамакиларга акциз солиғи солинади. Шу билан акциз солиғидан айрим турдаги фаолият турлари ва маҳсулотлар озод этилган бўлиб улар жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларга белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда ишлов бериш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқарувчиларига дизель ёнилғиси солиғи қайтариб берилади;

- Вазирлар маҳкамаси жорий қилган тартибга кўра, нефть маҳсулотлари, иссиқлик ишлаб чиқариш, биноларни иситиш ва иссиқ сув тайёрлаш учун фойдаланилган бўлса, ишбилармонларга тўланган солиқ қайтариб берилади.

Юқорида қайд этилганидек, Европа ҳамжамияти мамлакат-ларида узок муддат давомида ҚҚСни бирхиллаштириш борасида мунозаралар олиб борилди ва натижада 15 фоизлик энг паст фоиз ставкаси белгиланди. У 1993 йил январидан қўлланиб келинмоқда. Мазкур мамлакатларда бир вақтнинг ўзида 1991 йил 1 январга қадар қўлланилган ноль ва камайтирилган ставкалардан фойдаланишга рухсат этилди³⁷.

³⁷ Ушбу бобдаги хорижий давлатлардаги солиқ ставкалари www.nalogi.ru сайти маълумотларидан олинган.

ҚҚСнинг бир неча ставкаси мавжуд бўлса, маъмурий ҳаражатлар, шунингдек, меъёрга риоя этишни таъминлаш ҳаражатлари ҳам анча кўпаяди, бир хил товарларга турли ставкалар билан солиқ солинадиган вазият вужудга келади. Шу сабабли ҚҚС мавжуд бўлган мамлакатларнинг кўпи солиқ ставкалари сони иложи борича кам бўлишини афзал кўради. ҚҚС яқиндагина жорий этилган мамлакатлар Канада, Исландия, Япония, Янги Зеландия ва Швецарияда ҚҚСнинг битта ёки кўпи билан иккита ставкаси тасдиқланган.

ИХТТ (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти) мамлакатларида ҳам ҚҚС стандарт ставкасидан кўп маротаба оширилган ставкалардан фойдаланиш анча камайди. Ягона Европа бозори доирасида ҚҚСни бошқаришни осонлаштириш мақсадида одатда ҳашамат буюмларига нисбатан қўлланиладиган энг юқори ставкаларни босқичма-босқич бекор қилишни кўзда тутувчи махсус битим тузилгани туфайли шунга эришилди. Хуллас камайтирилган ставкалар тобора оммалашмоқда. Ҳозирги вақтда ИХТТ мамлакатларида ҚҚС ўртача стандарт ставкаси 17 фоизга яқинлашади.

ҚҚСни тасдиқлаш пайтида у амал қиладиган соҳага кўпчилик мамлакатларда ҚҚС камайтирилган ставкалари қўлланиладиган товарлар рўйхати, аксарият ҳолларда, ўхшаш бўлади. Чунончи, деярли ҳамма мамлакатларда газеталарга энг кам ставка белгиланган ёки умуман ҚҚС олинмайди (Канада, Япония, Янги Зеландия ва Туркия бундан мустасно). ИХТТга аъзо бўлган ўн саккиз мамлакатда (Дания, Финляндия, Япония, Янги Зеландия ва Норвегиядан ташқари) озиқ-овқат маҳсулотларига камайтирилган ставкалар бўйича солиқ солинади. Ўн бир мамлакатда доридармонлар, ўн мамлакатда маҳаллий энергетика (ёқилғи) ва жамоа транспорти, етти мамлакатда қишлоқ хўжалиги, олти мамлакатда уй жой, беш мамлакатда умумий овқатланиш ва икки мамлакатда болалар кийимларидан кам ставка билан солиқ олинади.

Энг юқори ставка билан ҚҚС олиннадиган товарлар рўйхати ҳам деярли ўхшашдир. Булар спиртли ичимликлар ёки асосан бадавлат кишилар харид қиладиган товарлардир. Энг юқори ставкалар босқичма-босқич бекор

килингунга қадар самолётлар, кемалар, кино-камералар, автомобиллар, муйна, олтин, мусиқа аппаратлари, заргарлик, атир-упа буюмларидан энг юқори ставка бўйича ҚҚС олинар эди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Францияда барча эгри солиқлар таркибида ҚҚС салмоғи 80 фоиз атрофида ташкил этади. Германияда ва Буюк Британияда эса бу кўрсаткич 50 фоиздан зиёдни ташкил этади. Бошқа давлатларда ҳам доимий равишда ўсиб бормоқда.

Энди диссертация ишимизнинг олдида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ривожланган давлатларда тармоқлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни мамлакатимиз солиқ тизимига тадбиқ этиш масалалари хусусида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Айрим хизмат турларига, айниқса йўловчиларни ташиш, томоша, меҳмонхоналар ва ресторанлар фаолиятидан ҚҚС олишда хилма-хиллик жуда кўп. Реклама, телефон, эркин касб эгалари даромадидан одатда стандарт ставка бўйича солиқ олинади, лекин улар Финляндия ва Норвегияда солиқдан бутунлай озод қилинган. Швецияда маданият ва таълим соҳасидаги хизматлардан, шунингдек шифокорлар ва тиш докторлари хизматидан солиқ олинмайди. Бу ерда бошқа касб эгаларидан 1991 йилдан кейингина солиқ ундирила бошланди. Бельгияда врачлар, юристлар ва суд вакиллари солиқ тўламайди. Нидерландия ва Германияда врачлар, тиш докторлари ва айрим тиббий касб вакиллари солиқ тўлашмайди. Кўп мамлакатларда суғурта мукофотлари, шунингдек қимор ўйинларидан тушган даромадлар ҚҚСдан озод қилинган, лекин улардан алоҳида солиқ олинади. Банк ва молия хизмати, маориф, маданий, тиббий хизмат кўрсатиш, ижара ҳақи ва почта хизмати ҚҚСдан озод қилинади. Уй-жой (ва у билан боғлиқ хизматлар)дан ҚҚС ундиришда ҳам тафовут анчагина³⁸.

³⁸ Тошматов Ш.А. Комилов М.М. Қўшилган қиймат солиғи / Монография. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси” нашриёти, 2004. – 107 б.

Кичик корхоналарга қўшилган қиймат солиғи тизими бўйича солиқ солиш ўзига хос бўлган бир қанча хусусиятларга эга. ИХТТга аъзо бўлган мамлакатларда майда ва чакана савдо билан шуғулланувчилар учун ҚҚС тизими доирасида ён бериш кўзда тутилган. Бу ён бериш асосан рўйхатдан ўтишдан озод қилиш, маъмурий талабларни ўзгартириш ҳамда соф солиқ мажбуриятини ҳисоблаш учун стандарт формуладан фойдаланиш имкониятини беришдан иборат.

Кўп мамлакатларда янги бинони сотишдан ҚҚС олинади (бу ҚҚС солиғи тўлангандан сўнг уй-жой эгалари бино қийматининг ҳар гал ортишидан фойда кўришини билдирса ҳам). Янги биноларни сотишни ҚҚСдан озод қиладиган бир қанча мамлакатлар (масалан, Германия, Люксембург, Португалия) уй-жой сотилишига солиқ солишга йўл қўйиб, шу тариқа сотиб олувчи тўланган ҚҚСни чегириб ташлашни талаб қилишига имкон беради. Мамлакатларнинг кўпчилигида биноларни қайта сотиш солиқдан озод қилинган, Япония, Испания, Янги Зеландия ва Канада бундан мустасно бўлиб, бу мамлакатларда тижорат биноларини сотишдан ҚҚС ундирилади³⁹.

Бу ён босишларнинг сабаби шундаки, майда савдогарлар меъёрга риоя қилганда бошқа савдогарларга қараганда харажатга кўпроқ дуч келишади. Солиқ инспекцияси майда савдогарларни рўйхатдан ўтишдан озод қилиб, ўз маъмурий харажатлари камайишидан ютиши мумкинки, бунинг ҳам аҳамияти бор. Бошқа йил оборотидаги ҚҚС сўммаси улушини ҳисоблаб, уни ҳисобот даври оборотига таққослаш йўли билан ҳисобланади ва ҳар чоракда тўланади. Учинчи тартиб-шартнома бўйича-кичик корхоналар учун амал қилади, улар олинадиган фойдага нисбатан маълум суммада ҚҚС тўлаш тўғрисида солиқ идоралари билан контракт тузади (одатда икки йил учун) ва тўловларни ҳар чоракда ўтказади.

³⁹ Тошматов Ш.А. Комилов М.М. Қўшилган қиймат солиғи / Монография. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси” нашриёти, 2004. – 108 б.

Барча мамлакатларда ҚҚС тўлаш кечиктирилгани учун жарима солинади ва шу йўл билан солиқни бузганлик учун жазо таъминланади. Ривожланган мамлакатларда боқиманда қарзлари бор солиқ тўловчилар билан ишлаш Ўзбекистондан кескин фарқ қилади. Қуйида ривожланган мамлакатларда боқиманда қарзлар қандай тугатаётганлиги билан танишиб чиқамиз.

Янги Зеландияда ҚҚС юзасидан ҳисоб-китобларни (солиқ декларациясини) тақдим этишнинг уч муддати бор: ойлик, икки ойлик ва олти ойлик. Корхона манфий тафовут билан чиққан солиқ ҳисоб-китоби (декларация)ни тақдим этса, давлат унга бу тафовутни 15 иш куни ичида қоплашга имкон беради. Шу муддатда давлат манфий тафовутни қопламаса, ички йиғимлар департаменти корхонага 15 иш куни ўтгандан кейинги санадан бошлаб тижорат ставкаси бўйича фоиз тўлайди. Солиқ тўлаш кечиктирилгани учун фуқаролик санциялари жарима солишни кўзда тутаяди. Солиқ тўланмаса ёки тўлаш вақти ўтказиб юборилса, агар қарз 67 АҚШ доллари миқдорида ва ундан кўп бўлса, шу жазо қўлланилади. Жарима бир марта ҳисоблаб чиқилади ва у тўланмаган ҚҚСнинг 5 фоизни ташкил қилади. Солиқ тўлаш муддатини кечиктириш чўзилиб кетгани сари тўланмаган ойда тўланмаган ҚҚС миқдorigа 2 фоиз миқдорида жарима қўшилади.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаганда солиқ тўловчининг айб даражасига қараб солинадиган жарима тури – фойдани қўлдан чиқаргани учун жарима ҳам мавжуд. Бундай жарима оширилиши ёки камайтирилиши мумкин. Масалан, солиқ тўлашга етарли даражада эътибор берилмагани учун жарима 20 фоизни, бепарволикка йўл қўйилган тақдирда 40 фоизни, солиққа нисбатан суиистеъмолда 100 фоизни, солиқ тўлашдан ғайриқонуний воситалар ёрдамида бўйин товланганда эса 150 фоизни ташкил қилади.

Умумий қилиб айтганда, диссертация ишимиз ушбу бобининг 3-параграфиди айрим хорижий давлатлардаги эгри солиқлар қўлланилишининг таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга имконият яратади:

Биринчидан, ривожланган хорижий давлатларда эгри солиқлар дастлабки вақтда юқори фискал хусусиятга эга бўлган бўлса-да, ҳозирги кунда улар рағбатлантириш хусусиятининг юқорилиги билан характерланади;

Иккинчидан, хорижий давлатларда эгри солиқлар табақалаштирилган ставкалар асосида қўлланилиши, айрим турдаги товар ва хизматлар бозорини давлат томонидан тартиблаш ва рағбатлантириш вазифасини ўтамоқда;

Учинчидан, эгри солиқлар орқали бюджет бўғинлари ўртасида молиявий ресурсларни оптимал тақсимлаш имкониятига эга бўлинаётганлиги (масалан, Германияда) илғор тажриба сифатида баҳоланади;

Тўртинчидан, бир-бирига ўхшаш эгри солиқ турларидан фойдаланиш аниқ истеъмол бозори фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятини бермоқда.

2-БОБ. ЭГРИ СОЛИҚЛАР УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Эгри солиқлар орқали иқтисодиётни тартибга солиш

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб моҳияти тўлақонли бозор иқтисодиётини шакллантиришдан иборатдир. Бу мақсадга эришишда, бир томондан, давлат манфаатларини, иккинчи томондан эса, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қиладиган, шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланиши учун хизмат қиладиган солиқ тизимининг яратилиши муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир”⁴⁰.

Албатта, солиқ сиёсатини такомиллаштиришда эгри солиқларнинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсирини камайтириш мамлакатимиз солиқ тизимида ечимини кутиб турган вазифалардан ҳисобланади.

Иқтисодиётни тартиблаш ҳар бир давлатнинг олдида турган муҳим масалалардандир. Иқтисодиётни тартиблашнинг турли хил усуллари (маъмурий, ташкилий, психологик ҳамда иқтисодий) мавжуд бўлиб, уларнинг орасида иқтисодий усул, бир томондан, таъсирчанлиги ва самарадорлиги билан, иккинчи томондан эса, давлат фаолиятининг мазмунига ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Ўз навбатида иқтисодий усул ҳам турли хил воситалар орқали амалга оширилади. Булар жумласига: нарх; дотация; кредит ставкасига таъсир этиш; санация; солиқ ва шу кабилар киради. Ушбу саналганлардан дастлабки тўрттаси вақтинчалиги ва ўзгарувчанлиги билан характерланса, солиқ тизими орқали иқтисодиётни

⁴⁰ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. – 88 б.

тартибга солиш ҳам самарали, ҳам таъсирчан ва узок вақт амал қилишлиги билан аҳамиятлидир.

Назарий жиҳатдан маълумки, иқтисодий тартибланишнинг бозор механизми мавжуд бўлиб, унинг бозордаги барқарор мувозанатни таъминлай олиш имконияти чекланганлиги учун бу ҳолат иқтисодий тартибланишнинг давлат механизмини мавжуд бўлишлигининг шarti ҳисобланади. Шунингдек, давлатнинг олдида турган асосий иқтисодий вазифалардан бири реал сектор ва ноишлаб чиқариш сектори ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ҳисобланадики, буни таъминлашнинг асосий йўлларида бири сифатида солиқлар юзага чиқади.

Солиқлар воситасида иқтисодий тартибга солиш масалалари ўтган асрнинг 30-йилларида инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнснинг ва кейинчалик эса унинг издошлари тадқиқотларида ўрин олди. Ж.Кейнс иқтисодий тартибга солишнинг турли хил усуллари чуқур тадқиқ этар экан, солиқлар омилига алоҳида эътибор қаратади.

Ж.Кейнс неоклассик мактаби намоёндаларидан фарқли равишда солиқлар фақат фискаль восита эмас, балки давлат томонидан иқтисодий бошқариш воситаси деб қараган. Аммо, шу билан биргаликда Ж.Кейнс прогрессив солиққа тортиш принципи тарафдори бўлиб, у ўзининг бу ёндашувини кўпроқ солиқ ундириш тадбиркорларни рискка асосланган ҳолда капитал сарфлашга мажбур этади. Унинг фикрига кўра, фаолият ва истеъмол ўртасидаги номувофиқлик натижасида келиб чиқадиган жамғармаларнинг тўлиқ банд бўлмаслиги оқибатида иқтисодий ўсишга таъсир этади. Шунинг учун жамғаришга йўналтирилган маблағларга нисбатан юқори солиқ ставкаларини белгилаш асосида кўпроқ солиқ ундириш лозим дейди. Ж.Кейнснинг фикрича, давлат юқори солиқ ставкалари асосида солиқ ундириш иқтисодийга ижобий таъсир этади, яъни, бюджетга кўпроқ молиявий ресурслар жалб этилиш ҳисобига бюджет даромадларини кўпайтириш орқали иқтисодий мувозанатни таъминлашга эришилади, ўз навбатида, солиқ тушумлари камайиши эса бюджетдан қилинадиган

харажатларни камайтиришга мажбур этади⁴¹. Пировардида иқтисодиётда беқарорлик юзага келади. Хўш, бу ерда эгри солиқларнинг ўрни қандай бўлиш керак? Ж.Кейнснинг самарали талаб назариясига кўра давлатнинг ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаши ва шу орқали кўшимча истеъмолнинг яратилиши маҳсулотлар реализациясининг ошиши оқибатида айланмадан олинадиган солиқлар эса кўпроқ фискаль хусусиятга эга бўлиб, улар ҳисобига бюджетга максимал солиқ ундиришнинг молиявий асоси яратилади. Бундан ташқари давлат бюджет камомадидан ҳавфсирамаган ҳолда талабнинг ошишини таъминлаши керак, деган Ж.Кейнснинг ғояси ҳам мамлакат миқёсида хизматларнинг кенгайиши, яъни эгри солиққа тортиш манбаининг юзага келишини ифодалайди.

Аммо, таъкидлаш ўринлики, Ж.Кейнснинг юқори солиққа тортиш назарияси бугунги кун иқтисодий ривожланишнинг ҳолатида ижобий самара бермайди. Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки босқичларида муайян даражада юқори солиққа тортиш назарияси ўз моҳиятига эга эди. Яъни, бу даврда товар ишлаб чиқарувчиларнинг аксарияти монопол мавқеига эга бўлиб, иқтисодий тушқунлик даврида пулнинг қадрсизланиши жуда юқори бўлиб, бозор конъюктурасининг бундай ҳолатдалиги монопол корхоналарнинг бозорга таклиф этаётган товар (хизмат, иш)нинг жуда юқори, асоссиз равишда нархни ўрнатган ҳолда сотишга шароит яратиб берган эди. Бундай шароитда давлат томонидан иқтисодиётни тартиблашда солиқлар воситасининг ўрнининг ошишига объектив зарурат туғилди. Бунда асосан юқори ставкали эгри солиқлардан кенгроқ фойдаланилди ва ўтиш даврининг дастлабки вақтларида монопол аҳамиятдаги ишлаб чиқарувчилар бозордаги муносабатларининг бирмунча тартибланишига эришилди. Шунингдек, бу вақтда давлат иқтисодиётни тартиблаш сиёсатида тўғри солиқлардан ҳам унумли фойдаланади. Хусусан, барча ишлаб чиқарувчилардан уларнинг хўжалик юритиш усулларида қатъий назар, ялпи даромаддан солиқ ундирилиши оқибатида фойда билан бир вақтда иш ҳақи

⁴¹ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 2002. – 352 с.

фондини (иш ҳақи фонди, фойда, даромад) ҳам солиқ объекти сифатида белгиланиши орқали сунъий равишда иш ҳақини ошираётган корхоналардан кўпроқ миқдорда бюджетга солиқ ундирилишга эришилади. Албатта, бу даврдаги юқори солиққа тортиш тенденциясига амал қилиниши бизнинг фикримизча, тўғри қўлланилган солиқ сиёсати бўлиб, бунинг сабаби куйидагилардан иборат эди:

Биринчидан, юқори солиққа тортиш сиёсати орқали бюджетга кўпроқ пул тушумларини жалб этишга эришилди, чунки ўтиш даврининг дастлабки вақтларида давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг пропорционал тенденцияси асосида сиёсат олиб борилиши ҳамда халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин олиш, чет элларда ташқи сиёсий истеъмолида муҳим бўлган озиқ-овқат товарларига нисбатан дотацион нархни ушлаб туриш зарурати, давлат мулкига асосланган мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш ва мулккий плюрализмни юзага келтириш учун хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш, айрим турдаги бозор инфраструктурасини давлат томонидан шакллантириш каби чоратадбирларнинг амалга оширилишини талаб қилган эди;

Иккинчидан, таъкидланганидек, бозорда маҳсулотга сунъий талабнинг мавжудлигидан фойдаланган корхоналарнинг ўз маҳсулотлари таннархини унинг тўлиқ таннархидан бир неча марта ортиқ миқдорда ўрнатган ҳолда сотиши ҳисобига иқтисодиётда табиий инфляция жараёнини сунъий оширилиши иқтисодиётга салбий таъсир этди. Ваҳоланки, давлат томонидан антиинфляцион сиёсатни юритиш ҳам муайян миқдорда бюджетдан пул маблағларининг харажат қилинишини тақозо этади;

Учинчидан, айрим турдаги маҳсулотлар бўйича акциз солиғи ставкаларининг бирмунча юқори белгиланиши ҳисобига маҳсулотлар четга ташиб кетилишининг олди олинди, қолаверса, четдан маҳсулотларнинг импорт қилинишдан бюджет даромадлари муайян даражада шакллантирилди. Демак, айтиб ўтилган ҳолатлар тоталитар-режали иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юқори солиқ

ундириш сиёсатининг қўлланилиши маълум даражада бошланган иқтисодий ислохотларнинг тўғри йўналиш олинишига омил бўлиб хизмат қилди. Бироқ, ҳозирги даврдаги иқтисодий конъюнктура паст даражада солиқ ундириш сиёсатини, яъни солиқларга фискаллик хусусиятни эмас, балки рағбатлантирувчилик таъсирини кучайтиришни тақозо этмоқда. Бу талаб кўпроқ тўғри солиқлар зиммасига тушади. Эгри солиқларда рағбатлантирувчилик хусусиятига нисбатан эса фискаллик хусусиятининг бир мунча юқорилиги сақланиб қолинди. Бу айти уларнинг ички хусусияти ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш тараққиётига боғлиқ бўлади.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётни солиқлар воситасида тартиблашда эгри солиқлар қуйидаги афзалликларга ва механизмга эга:

1. эгри солиқлар орқали хўжалик юритувчи субъектлардан кўпроқ солиқ ундириш имконияти мавжудлиги туфайли, молиявий ресурслар бошқарилади. Юқори даромад олаётган ёки бозорда муайян даражада мавқега эга бўлган солиқ тўловчилар молиявий ресурсининг бир қисми марказлашган пул фондига олинади ва у бошқа учун муҳим товар ишлаб чиқарувчига дотация, санациялаш сифатида ўтказилиб, иқтисодиёт субъектларининг ҳолати ва таркибини тартибга солиш имконияти туғилади.

2. эгри солиқлар орқали давлат иқтисодиётига макро ва микродаражада аралаштириш имконияти вужудга келади. Макродаражада тартиблашда асосан акциз солиғи ва божхона божи муҳим роль ўйнайди. Акциз солиғи ва божхона божи орқали давлат:

- а) истеъмол таркибига таъсир этади;
- б) капитал оқимининг йўналиши тартибга солади;
- в) миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий маҳсулотлар интервенциясидан асрайди.

- акциз солиғи ва божхона божи ставкаларини ошириш ёки пасайтириш орқали мамлакатнинг импорт ва экспорт операцияларини, товарларнинг транзит ҳолда миллий ҳудуддан ўтиши жараёни тартибга солинади, пировардида импорт ва экспорт ўртасидаги қолдиқнинг мусбат фарқини

кўпайтиришнинг омили сифатида эгри солиқлар ролининг ошишига моддий асос яратилади;

- эгри солиқлар миллий бозорда истеъмол жараёнини марказлашган пул фонди орқали эгри солиқлар маҳаллий ҳудудларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиришда кенг фойдаланилади;

- эгри солиқлар ёрдамида миллий бозорда ортиқча бўлган товарлар ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий дастак орқали капитални бу соҳадан бошқа соҳага ўтказишда, янгидан иш бошлаётган тадбиркорлик субъектларини бошқа жамият учун муҳимроқ ва бозор учун камёб бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришда, пировардида давлат томонидан капитал оқимини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш сиёсати амалга оширилишида иқтисодиётга ижобий таъсир этилади;

- эгри солиқлар давлатнинг макродаражадаги таъсир воситаси сифатида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Ушбу ҳолатни умумдавлат солиқларини бюджет тизими турли поғоналари ўртасида қайта тақсимланишида кўриш мумкин.

Баъзи бир объектив сабабларга кўра, ушбу ҳолатларга қисқача изоҳ беришга ҳаракат қиламиз. Маълумки, акциз солиғига тортиладиган товарларни рўйхати тизимда уларнинг зарарлик хусусиятлари ҳам мезон сифатида асос қилиниб олинган. Бу товарларни истеъмол қилиш орқали (масалан, алкоголь, тамаки) аҳолининг, биринчидан, соғлиғига салбий таъсир этади ва уларни давлат томонидан бепул даволаш ҳамда профилактория тадбирлари билан боғлиқ харажатларни тақозо этади, бошқа томондан эса, бундай товарларни хусусан, алкогольли маҳсулотларни истеъмол қилиш оқибатида турли хил нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Гарчи, жаҳон ҳамжамиятида бундай товарларни батомом истеъмол қилиш таъқиқланмаган бўлса-да, аммо уларнинг истеъмоли турли хил воситалар, шу жумладан, солиқлар воситасида тартибга солиб борилади.

Давлатнинг иқтисодий соҳадаги муҳим йўналишларидан бири бу миллий бозорни ҳимоялаш (протекционистик) сиёсати бўлиб, уни амалда

таъминлашнинг маъмурий, психологик ҳамда иқтисодий усуллардан кенг фойдаланиладики, бунда эгри солиқлар алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан келтириладиган акцизланадиган товарлар учун белгиланган акциз солиғи ставкаларига назар ташлайдиган бўлсак, аввало, алкогольли ва тамаки маҳсулотлар учун жуда юқори ставкалар ўрнатилганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, юқорида таъкидланганидек, бундай товарларнинг истеъмоли ҳажмига ва таркибига таъсир этиш ҳамда бундай товарларни миллий бозорга кириб келишини рағбатлантириш оқибатида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг бозордан суриб чиқарилишига ва пировардида солиқ тўловчилар сони ҳамда солиқ тушумларининг камайишига олиб келиниши мумкин. Агар, юқорида келтирилган Президент қарорларидаги акциз солиғига оид тегишли иловаларга эътибор берадиган бўлсак⁴², бир қатор турдаги товарлар, масалан, қорамол гўшти, уй паррандасининг гўшти ва озуқабоп маҳсулотлари, чайналадиган резина (сақич), мева ва сабзавот шарбатлари, ароқ ва алкогольли маҳсулотлар (1литр 7 АҚШ доллари), тамаки ёки ўрнини босувчилардан тайёрланган сигаретлар, гиламлар, олтин ва заргарлик буюмлари, автотранспорт воситалари ва шу кабиларга юқори ставкалар белгиланган бўлиб, бундай маҳсулотларга бўлган талаб мамлакатимиз ичкарисидаги ишлаб чиқарувчилар томонидан тўлиқ қондирилиши иқтисодий жиҳатдан асосланганлигида бўлса, баъзи турдаги товарларга нисбатан паст ставкалар белгиланганки, биринчидан, бундай турдаги товарлар билан ҳали бозорнинг тўлиқ тўйинмаганлиги ёки республикамиз ишлаб чиқарувчилари томонидан таклиф этилаётган товарлар таклифининг талабдан пастлиги ҳамда сифат жиҳатидан бугунги кун истеъмолчиси олдида жавоб беролмаётганлиги бўлса, бошқа томондан Ўзбекистонда деярли ишлаб чиқарилмайдиган ёки кам ишлаб чиқариладиган (масалан, соатлар, шарикли ручкалар, Россияда ишлаб

⁴² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сонли Қарорининг 12-2-илласи.

чиқариладиган ва олиб келинадиган янги транспорт воситалари (тиббий мақсадлар учун махсус мўлжалланганлари бундан мустасно), кийим предметлари, линолеумлар, ипак иплар, шина ва покришкалар, ванналар, душлар, бўёқ ва лаклар, чойлар) маҳсулотларга 10-30 фоиз ставкалар белгилангандир. Шунингдек, айрим турдаги масалан, балиқ ёки қисқичбақасимонлар, моллюска ёки бошқа сувда кўпаядиган умуртқасизлардан тайёрланган тайёр маҳсулотлар учун юқори ставканинг ўрнатилганлиги ва бундай турдаги маҳсулотларнинг импортини рағбатлантирилиши оқибатида аҳолининг бой табақасига хос истеъмолнинг таркибини кенгайтириш, уларнинг истеъмолини рағбатлантириш ҳамда шу орқали бюджет даромадларига солиқ тушумларини кўпайтириш мумкин. Юқоридаги мулоҳазаларни, ўз навбатида, импорт ва экспорт операциялари учун белгиланган божхона божи ставкаларига нисбатан ҳам билдирса бўлади.

Маълумки, давлатнинг солиқ-бюджет сиёсатидаги асосий муҳим йўналишларидан бири бюджетлараро муносабатларни иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш ҳисобланади. Бу жараён эса қуйи бюджет бўғинларининг бириктирилган даромад манбаларининг етарли эмаслигини эътиборга олганда субвенциялар, ўзаро ҳисоб-китоблар ҳамда умумдавлат солиқларининг айрим турлари бўйича уларнинг бир қисми ўзларига қайтарилиши тарзида таъминланади.

Биз юқорида эгри солиқлар воситасида иқтисодиётни тартиблаш макро ва микродаражада амалга оширилиши қайд этиб, макродаражада тартиблашнинг айрим хусусиятлари хусусида тўхталиб ўтдик. Ўз навбатида, микродаражада тартиблаш тизимида эгри солиқларнинг ролини аниқлаш, биринчидан, эгри солиқларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилса, иккинчи томондан, уларнинг тартибловчилик хусусиятидаги мавжуд жараёнларни янада такомиллаштириш учун услубий асосга эга бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Тўғри солиқлар солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантира олиш хусусиятига эга бўлиб, бу солиқлар, асосан, солиқ тўловчи фаолиятининг якуний босқичи даромад воситаси улар даромадининг мажбурий тартибда олинishi зарур бўлган миқдорнинг бир қисми ўзларига қолдирилиши туфайли бу солиқлар рағбатлантирувчи сифатида солиқ тўловчилар фаолиятига таъсир этиш воситасида юзага чиқади. Тўғри солиқлардан фарқли равишда эгри солиқлар солиқ тўловчилар фаолиятини жуда оз миқдорда рағбатлантириш тимсолида юзага чиқиши мумкин. Бу ҳолат асосан қўшилган қиймат солиғи бўйича ноллик ставканинг қўлланишида кўринади. Умумий ҳолатда эса эгри солиқларнинг иқтисодиётга микродаражадаги таъсири қуйидаги тартибда юз беради: эгри солиқлар асосан маҳсулот таннархи таркибига кирганлиги боис улар турдош маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи солиқ тўловчилар ўртасида маҳсулот таннархини оширувчи корхоналарни, яъни бозорда ижтимоий зарурий меҳнат сифатида тан олинмаган индивидуал зарурий меҳнат эгаларини иқтисодий жазолайди ва шу орқали бозор маълум товар (хизмат, иш) тури бўйича бозордаги талаб ва таклифнинг ҳажмига таъсир этади.

Буни тушунишимиз учун шартли равишда учта корхона мисолида қуйидагиларни кўришимиз мумкин. Фараз қилайлик, бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи “А”, “Б”, “С” корхоналар мавжуд. Улар томонидан бозорга жами 1200 дона маҳсулот таклиф этилади. Бироқ бозор конъюнктураси 850 дона маҳсулотга талаб мавжудлигини билдирмоқда. “А” корхонанинг ишлаб чиқарган маҳсулоти 300 дона ва бир бирлигининг баҳоси 500 сўмни ташкил этган, “Б” корхона эса, ўз навбатида, бир бирлигининг баҳоси 400 сўмдан иборат бўлган 400 дона маҳсулот таклиф этаяпти, охирги “С” корхона эса 500 дона маҳсулот ишлаб чиқарган бўлиб, унинг ҳар бирининг баҳоси 300 сўм бўлган. Бу ерда назарий жиҳатдан олиб қаралганда иккинчи яъни, “В” корхона маҳсулотининг қиймати ижтимоий зарурий меҳнат сифатида бозор нархини билдиради. Бироқ, учала корхонага ҳам бир хил тартибда эгри солиқ бўлган қўшилган қиймат солиғи (20 фоизда)

ундирилиши улар маҳсулот баҳосини 20 фоиздан ошириб, мос ҳолда 600 сўм, 480 сўм, 360 сўм бўлишини тақозо этади ва бу нарх минимал нарх бўлиб, ушбу нархда сотиш корхонада оддий такрор ишлаб чиқаришни мавжудлигидан далолат беради. Аммо корхоналар фаолиятининг бош мақсади фойдага эга бўлиш бўлиб, улар маълум миқдорда маҳсулотнинг таннархига фойда суммасини ҳам қўшади. Бундан кўринадики, учинчи “С” корхона ўз маҳсулотини фойда нормасини қўшиш билан тўлиқ реализация этади, “Б” корхона эса фойда нормасига эга бўлмаган ҳолда ўз маҳсулотининг 350 донасини сота олади. Охириги “А” корхона эса ўз маҳсулотини бир дона ҳам реализация қила олмайди, ваҳоланки, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган материал қийматликлар бўйича мол етказиб берувчилардан қарздорлик юзага келади. Ушбу мисолимиздан хулоса қилишимиз мумкинки, эгри солиқлар, жумладан, қўшилган қиймат солиғи маҳсулотнинг баҳосини тартиблаш орқали бозор конъюнктурасига таъсир этади.

Эгри солиқлар, шунингдек, даромадларни мувофиқлаштириш вазифасини ҳам бажаради. Эгри солиқлар орқали аҳолининг бой қатлами кўлидаги пул маблағларини марказлашган пул фондларига жалб этиш орқали, биринчидан, иқтисодиётда пул маблағларининг ҳаракати бошқарилишига ижобий таъсир этилса, иккинчидан, бюджетнинг даромадлар қисмини кўпайтириш имконияти туғилади. Эгри солиқларнинг бу хусусияти, асосан, акциз солиғи орқали намоён бўлади.

Айрим турдаги зеб-зийнат ва қиммат баҳо товарларга, масалан, заргарлик буюмларига юқори ставкали акциз солиғи белгиланиши орқали бундай турдаги товарларни сотиб олувчи бой-бадавлат аҳолини прогрессив солиққа тортиш тамойили реализация этилади. Бу масаланинг бир томони бўлиб, у фискаль нуқтаи назаридан солиқларнинг ўзаро тенглик тамойилига зиддек кўринадики, бироқ масаланинг бошқа томони ҳам мавжудки, бундай тамойил орқали аҳолининг кўлида музлаб (ўлик) ётган пул маблағлари марказлашган пул фондлари орқали мақсадли инвестицияларга сарфланиши

таъминланади. Бунинг иқтисодиёт умумий тараққиёти учун муҳим аҳамиятли томони шундаки, биринчидан, бадавлат жисмоний шахсларни прогрессив солиққа тортиш кўпгина солиққа оид назарияларда (1.2–параграфдаги Ж.Кейнс назарияси, француз иқтисодчиси Жирарден назарияси) бош ғоя сифатида унинг ижобий жиҳатлари асосланганлигига эътибор берсак, иккинчидан, бой-бадавлат аҳолининг барча қисми ҳам тадбиркорлик қобилиятига эга эмас, қолаверса, баъзиларида (бу ерда миллий минталитетнинг ўрни юқори) эса ортиқча даромадни истеъмомлга-ҳашамли уй-жой, дала ҳовлиларни қуриш, курорт ва санаторияларда дам олиш, дабдабали тўйларга сарфлаш ҳисси кучли бўлиб, бу иқтисодиётдаги бойлик бу – пулни тежаш деган муҳим қоидага зид ҳолда, имиж ва жисмоний ҳордиқни назарда тутмаганда, жамият учун наф келтирмайди. Учинчидан, аҳоли ортиқча пулини инвестицияларга жалб этишнинг энг самарали усулларида бири, гарчи мажбурий тартибда бўлса-да, бу солиқлар воситаси бўлиб, тадбиркорлик қобилиятига эга бўлмаган аҳолига нисбатан, пухта лойиҳаларга асосланган давлат тадбиркорлиги орқали амалга оширилиши уч томонлама ҳам давлат, ҳам даромадли аҳолининг пул даромадини инвестицияга сарфлашнинг турли хил усуллари мавжуд. Агар Ўзбекистон солиқ тизимига эътибор берадиган бўлсак, амалдаги эгри солиқлар (акциз солиғи) орқали давлат эгри эмас, тўғридан-тўғри тадбиркорликни рағбатлантираётганлигини гувоҳи бўламиз. Яъни, амалдаги қоидаларга мувофиқ, “Женерал Моторс Ўзбекистон” қўшма корхонаси автомобилларига, кумушдан ишланган пичоқ ва санчиқлар, биллур буюмлар, мебель, видео ва видеоаппаратура товарлари бўйича ундириладиган акциз солиғи сўммаси (бўш қолган маблағлар) ишлаб чиқаришни ўстириш, ассортиментни кенгайтириш рақобатбардошлигини оширишга йўналтириш мақсадида бюджетга эмас, балки, корхона ихтиёрига қолдирилади.

2.2. Эгри солиқларни ҳисоблаш ва ҳисобини такомиллаштириш

Республикамызда ҳозирда амал қилаётган солиқлар ЯИМнинг учдан бир қисмини ташкил этади ва бу орқали давлатимизни молиявий

харажатларини амалиётга йўналтирилган. Солиқ тизимини такомиллаштиришда бу кўрсаткични кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу масалага ёндашишда тўғри солиқларнинг ҳажмини ялпи миллий маҳсулот қийматини камайтириб, эгри солиқларнинг ҳажмини эса кескин кўпайтириш лозим. Чунки эгри солиқлар корхонанинг инвестицион фаолиятини пасайишига таъсир қилмайди. Эгри солиқларнинг ҳисоблаш ва ҳисобини такомиллаштиришни кўйида кўриб ўтамиз.

Халқаро амалиётга кўра ҚҚС бюджетга тўланадиган суммасини аниқлаш 3 та ҳар хил усул билан аниқланади.

Ҳисобдан чиқариш усули.

Ушбу усулга кўра корхона бюджетга тўлайдиган қўшилган қиймат суммасини сотиб олинган товарлар қийматини сотган товарлар қийматидан чиқариб ташлаб фарқини аниқлайди ва бу фарқга солиқ ставкасини кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ҳисобга олиш усули.

Ҳисобга олиш усули ёки счё-фактура усули Европа бирлигига кирувчи барча давлатларда ва қўшилган қиймат солиғи жорий этилган бошқа кўпгина давлатларда қўлланилиб келинмоқда.

Ушбу усулга кўра корхона бюджетга тўлайдиган қўшилган қиймат солиғи суммасини сотиб олинган товарлар (хизматлар) учун тўланган солиқ суммасини сотилган товарларга (хизматларга) ҳисобланган солиқ суммасидан чиқариб ташлаш йўли билан аниқлайди.

Йиғиш усули.

Ушбу усулга кўра корхона бюджетга тўлайдиган қўшилган қиймат солиғи суммасини янгидан ҳосил қилинган қийматлар компонентлари, иш ҳаққи, ижара ҳаққи, фоизлар ва соф фоидаларни йиғиб, ҳосил бўлган суммани солиқ ставкасига кўпайтириш йўли билан аниқлайди.

Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналар, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзга эга корхоналар ушбу ишлар ва хизматларни

оладиган шахсга қонунчиликда кўрсатилган шаклга кўра бажарилган ҳисобварақ-фактурани тақдим этишлари шарт.

Шунингдек, ягона солиқни тўлашга ўтган кичик корхоналар ва ялпи даромад солиғини тўлайдиган улгуржи савдо корхоналари ҳам ҳисобварақ-фактураларни ёзиб беради.

Счёт-фактура товарларнинг ортилиши, ишларнинг бажарилиши ва хизматларнинг кўрсатилиши санасидан кешиктирилмасдан икки нусхада ёзилади ҳамда қўйидаги маълумотларни ўз ишига олади:

– юклар жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар ҳужжатлари рақами ва санаси; бажарилган ишларнинг номи; бажарилган ишларнинг шартнома бўйича ҚҚСсиз ўлчов бирлигидаги нархи; ҚҚС нинг солиқ ставкалари (20 ёки 0); агар бажарилган ишлар, хизматлар юзасидан ҚҚСдан озод этиш мавжуд бўлса, оддий чизик тортиб қўйилади; ушбу иш ва хизматлар бўйича тегишли ставкаларга кўра ҳисобланган ҚҚС суммаси, агар иш, хизматлар юзасидан ҚҚСдан озод қилиш мавжуд бўлса, оддий чизик тортиб қўйилади;

– Ягона солиқни тўлашга ўтган кичик корхоналар ва ялпи даромад солиғини тўлайдиган улгуржи савдо корхоналари қўшилган қиймат солиғини кўрсатишмайди ва “қўшилган қиймат солиғисиз” деган белгили муҳр қўяди (ёки ёзувни ёзиб қўяди).

Қўшилган қиймат солиғи товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишнинг бир шаклидир. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиз миқдорида белгиланган.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{\text{ккс}} = C_{\text{тоб}} * \text{СС} / 100$$

Бунда: $C_{\text{ккс}}$ – истъемолчилардан ундириладиган соливи суммаси;

$C_{\text{тоб}}$ – солиққа тортиладиган оборот;

СС – қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Товар (иш, хизмат)лар қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида – солиқ қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{\text{ккс}} = T_{\text{к}} * \text{СС} / (\text{СС} + 100)$$

бунда: $T_{\text{к}}$ – қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати.

Корхоналардаларда қўшилган қиймат солиғи бўйича бухгалтерия ҳисобини кўриб ўтамиз. Корхона мол етказиб берувчиларга материаллар сотиб олгани учун қўшилган қиймат солиғини қийматида тўлади, бу аввал 4420 – “Солиқлар бўйича бўнак тўловлари” ҳисобварағида акс эттирилади, ҳисобат даври охирида ушбу сумма 6420 – “Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик” счётининг дебетида кўрсатилади.

Бу қийматга қўйидаги бухгалтерия проводкаси берилади:

Сотилган маҳсулот қиймати:

Д-т 4010 – “Харидор ва буюртмачилардан олинадиган” счёти.

К-т 9010 – “Таёр маҳсулотларни сотишдан олинадиган” счёти.

Қўшилган қиймат солиғига:

Д-т 4010 – “Харидор ва буюртмачилардан олинадиган” счёти.

К-т 6420 – “Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик” счёти.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси алоҳида акс эттирилганда:

Д-т 9010 – “Таёр маҳсулотларни сотишдан олинадиган” счёти.

К-т 6410 – “Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик” счёти.

Импорт товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлиб, божхона қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати ҳисобланади.

Товарлар импорти бўйича солиқ солинадиган оборот ҳажмига божхона қиймати билан бир қаторда божхона божи суммаси ва акциз солиғи суммаси (акциз ости товарлар бўйича) киритилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C_{\text{ққс}} = \frac{(\text{ИҚТБҚ} + \text{ББС} + \text{АС}) \times \text{ҚҚС}_{\text{ст}}}{100};$$

Бу ерда:

$C_{\text{ққс}}$ – қўшилган қиймат солиғи суммаси

ИҚТБҚ – Импорт қилинадиган товарларнинг божхона қиймати;

ББС – Божхона божи суммаси;

АС – акциз солиғи;

ҚҚС_{ст} – қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи 20 фоизли ставка бўйича тўланади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ишлар, хизматлар бажарилганлиги далилини тасдиқловчи ҳужжатлар (далолатнома, маълумотнома ёки бошқа ҳужжатлар) асосида қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$C_{\text{ққс}} = C \times H/100,$$

бу ерда:

$C_{\text{ққс}}$ - қўшилган қиймат солиғи суммаси;

C - далолатнома, маълумотнома ёки бошқа ҳужжатларга кўра тасдиқланадиган, импорт қилинадиган ишлар, хизматлар қиймати;

H - қўшилган қиймат солиғининг фоиздаги ставкаси.

Реализация қилинадиган жойи Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан импорт қилинадиган ишлар, хизматлар импорт қилинадиган ишлар, хизматлар деб тан олинади.

Акциз солиғи тўланадиган товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи тўланган хом ашёдан ишлаб чиқарилган ҳолатларда, хом ашё (маҳсулот) бўйича тўланган акциз солиғи суммаси ишлаб чиқариш

харажатларига киритилмайди ва тайёр маҳсулотга акциз солиғи суммасини ҳисоблашда ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинаши бўлган акциз солиғи суммаси устидан назоратни амалга ошириш учун, хом ашё (маҳсулотни) етказиб берувчилар товаркузатув ҳужжатларида бюджетга тўланиши лозим бўлган ортилган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммаси алоҳида каторда кўрсатилишлари шарт.

Акциз солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларининг ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг ҳисоби счётинда олиб борилади.

Бюджетга ўтказилиши керак бўлган акциз солиғининг ҳисобланган суммаси олиш бўйича ҳисоб счётининг дебетида ва бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг ҳисоби счётининг кредитида акс эттирилади. Бюджетга ўтказилган акциз солиғи суммаси пул воситаларини ҳисоби счёти билан корреспонденциясида бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг ҳисоби счётининг дебетинда акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солиш объекти бўлиб божхона юк декларациясининг 45-устунида кўрсатилган, товарнинг божхона расмийлаштируви пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмларда қайта ҳисобланган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C \times A/100,$$

бу ерда:

C - божхона қиймати;

A - акциз солиғи ставкаси.

Пиво, алкогольли ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган оборот қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O = C \times 100 / (100 - A),$$

бу ерда:

О - солиқ солинадиган оборот;

С - божхона қиймати;

А - акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O \times A/100,$$

бу ерда:

О - солиқ солинадиган оборот;

А - акциз солиғи ставкаси.

Олиб кириладиган, акциз тўланадиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғи суммаси товарнинг божхона қийматидан фоизларда ёки бир бирлик ўлчови учун АҚШ долларларида белгиланади.

Акциз солиғини ҳисоблаш механизми такомиллаштирилаётган пайтда эса мамлакат ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар ва мамлакат ҳудудига акцизости товарларни олиб кирувчиларга қараб акциз солиғи ҳисоблаш, унинг ставкасини ўрнатиш усулига ўзгартириш киритиш, қатъий ўлчамларда белгиланган акциз солиғининг ўрнатилган ставкасини йил давомида қайта кўриб чиқиш тартибига ўзгартириш киритиш ва унинг айрим тоифадаги тўловчилари ва тўлаш тартибини ўрнатишга ўзгартириш киритиш йўналишида такомиллаштиришга жиддий эътибор бериш керак.

Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига олинадиган солиқ тўловчилари бўлиб Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ сотадиган, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритучи субъектлар ҳисобланади. Бунда уларнинг жойлашган жойидан қатъи назар автомобилларга ёнилғи қўйиш шаҳабчоларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар солиқ тўловчиси бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига олинадиган солиқ ставкалари ҳар йили

Ўзбекистон Республикаси Президент қарори билан белгиланади, унинг миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади. 2010 йилда 1 литр бензин ва дизель ёнилғиси учун 165 сўм, 1 кг. газ учун ҳам 165 сўм миқдорида солиқ ставкаси белгиланган.

Солиқ суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланади ва жисмоний шахс - харидорга бериладиган чекда алоҳида сатр билан кўрсатилади.

Солиқ суммаси жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизель ёнилғиси ва газ учун маблағ тўланиши билан бир вақтда ундирилади.

Солиқ суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N = V \times St,$$

бу ерда:

N - ҳисоблаб ёзилган солиқ;

V - жисмоний шахсларга сотилаётган бензин, дизель ёнилғиси ёки газнинг натурал ифодадаги ҳажми;

St – солиқ ставкаси.

Бюджетга солиқ тўловчилар сотилган бензин, дизель ёқилғиси ва газ ҳисоби ва ҳисобланган солиқ суммалари ҳисобини алоҳида юритадилар. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлиги учун олинадиган солиқни ҳисоблаш механизми, бу солиқ жорий этилганлигининг унча кўп бўлмаганлиги назарда тутиб, унга нисбатан ўрнатилган солиқ ставкасининг кўтариш йўналишида такомиллаштирилмоғи лозим.

Ҳисоблаб чиқарилган ва ушланган солиқ суммаси хўжалик юритувчи субъектлар учун тушум деб ҳисобланмайди ҳамда бошқа тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ солиш объекти ёки базаси бўлмайди. Айнан ушбу усул, солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоб-китобининг қонунчиликда белгиланган кетма-кетлигига риоя қилинаётганлигини услубий жиҳатдан тўлиқ назорат қилишга имкон беради.

Аудитор солиқ аудити доирасидаги ишлар кетма-кетлигини кўриб чиқиб, бюджет олдидаги мажбуриятларнинг айрим турларини текшириш бўйича фарқларни кўрсатиши зарур.

Хулоса қилиб айтқанда, эгри солиқлар суммаларининг бюджетга узликсиз ва тез-тез тушиб туришини таъминлайди, шунингдек, бюджет олдида эгри солиқлар бўйича қарздорлик вужудга келишининг олдини олади ва шу солиқлар суммаларининг бюджетга тушушини тезлаштиради.

2.3. Эгри солиқларни ундириш механизми ва унинг таҳлили

Бозор муносабатларини қарор топтириш ва иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартиришга ҳамда аҳолига муносиб фаровон ҳаётни таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ижтимоий тусдаги дастурлар реализациясини таъминлаш давлатнинг ўз функцияларини бажариш учун керакли даромадларни марказлаштириш асосида сарфлашни тақозо этади. Республикамизда юритилаётган бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик мақсади бу давлат молияси орқали бозор иқтисодиёти механизмлари ривожига ва унинг инфратузилмасини шаклланишига таъсир қилиш, иқтисодий мустақилликни таъминлаш, пировардида эса, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришишдан иборатдир. Тоталитар иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтиш бюджет-солиқ тизимини ҳам бозор муносабатларининг қонунларига мувофиқ шакллантириш заруратини келтириб чиқарди. Солиқлар хусусида коммунистик мафкурага асосланган принципдан воз кечилиб, уларнинг асл моҳияти нуқтаи назаридан бюджетни шакллантирувчи муҳим манба, тадбиркорликни рағбатлантирувчи ва иқтисодиётни самарали бошқариш воситаси сифатида қарала бошланди. Натижада амалда бўлган айланмадан олинадиган солиқнинг ўрнига қўшилган қиймат ва акциз солиғи жорий этилди. Айланмадан солиқнинг функцияларини бугунги кунда кўпроқ акциз солиғи бажариб келмоқда. Қўшилган қиймат солиғи эса жаҳон амалиётидагидек, фискаль ва истеъмолни тартибланиш нуқтаи назаридан

янгидан солиқ тури сифатида амал қила бошлади. Хўш, бугунги кунда республикамиз солиқ тизимида амал қилаётган эгри солиқларнинг амал қилиш ҳолати қандай? Ушбу жараёни ўзаро боғлиқликда мантиқий-иқтисодий таҳлил этиш ва керакли хулосаларни олиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадида ушбу бандда эгри солиқларнинг амалдаги механизмини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Аввалги параграфларда таъкидлаганимиздек, эгри солиқлар тўғри солиқлардан кейин пайдо бўлган бўлиб, уларни энг муҳим ҳарактерли белгиларидан бири бу – уларнинг товар (хизмат, иш)нинг қийматига устама шаклида қўйилишидир. Тахминимизга солиқ элементлари тизими асосида ёндошадиган бўлсак, дастлаб эгри солиқларнинг тўловчилари хусусида тўхталишга тўғри келади. Эгри солиқларнинг тўловчилари солиқ субъекти тизимида солиқ тўловчи сифатида юзага чиқиб, амалдаги қонунларга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари ва соф истеъмолчилар тарзида белгилангандир.

Солиқ тўловчиларнинг мақомини белгилаш шу солиқнинг фискаль хусусиятини белгилаб беради, яъни эгри солиқларнинг бюджет даромадларидаги ўрнини белгилаб беради. Албатта, эгри солиқларнинг тўловчилари бюджет билан муносабати нуқтаи назаридан тўрт гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга доимий фаолият кўрсатувчи солиқдан озод этилмаганлар, иккинчи гуруҳга солиқ тўловчи сифатида кутилаётганлар, учинчи гуруҳга импорт ва экспорт операцияларини амалга оширувчилар, охириги гуруҳга эса соддалаштирилган солиқ тизимини танлаш ҳуқуқига эга бўлганлар киради.

Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодекси (197-моддаси)да қўшилган қиймат солиғи тўловчилари чегарасини “солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар; товарларни Ўзбекистон

Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, (ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб қирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно), оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси) сифатида, акциз солиғи тўловчиларини “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар, оддий ширкат акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги (иштирокчиси)” тарзида белгилангандир⁴³.

Бироқ, бизнинг фикримизча, эгри солиқлар тўловчиларининг бундай белгиланиши солиқ тўловчиларни тўғри аниқлаш имконини тўлалигича беролмайди. Чунки, қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобда турган ёки ҳисобда туриши шарт бўлган деган ибораларни қўшилиши мазкур солиқ қонунчилигининг асосий ҳужжатида аниқлик киритишга олиб келади. Таъкидлаш жоизки айрим хориж мамлакатлари тажрибасида қўшилган қиймат солиғи тўловчиларнинг алоҳида ҳисоби юритилади. Бизнинг фикримизча, қўшилган қиймат солиғининг тўловчиси сифатида товарлар ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган ёки ишлар бажарадиган ёхуд ушбуларни солиқ имтиёзлари мустасно ҳолда экспорт ёки импорт қиладиган юридик шахслар, деб белгиланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 229-моддасида эса акциз солиғининг тўловчилари аниқ қилиб белгилаб берилган. Шу ўринда солиқларнинг аталиши уларнинг мазмунига таъсир этишиши ҳам айтиб ўтиш лозимдир. Маълумки, қўшилган қиймат солиғи такрор ишлаб чиқариш жараёнида юзага келади ва бу жараёнда юзага келадиган қўшилган қийматнинг бир қисми бюджетга олинади. Шундай экан, қўшилган қиймат ва

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008. – 692 б. 197-299 моддалар.

қўшимча қийматини фарқлаш зарур бўлади. Қўшимча қиймат бу моҳияти жиҳатидан товарнинг индивидуал ва ижтимоий зарурий меҳнатни ўзида мужассам этишини ва қийматнинг ўзлаштирилиш ҳолатини очиб беради. Аммо, қўшилган қиймат иқтисодий моҳияти жиҳатидан бу ишлаб чиқариш жараёнида материал, хом-ашё ёки ярим тайёр маҳсулотнинг товарга (хизматга) айланиши юзасидан корхона томонидан янгидан яратиладиган қийматни ифодалайди.

Қўшилган қиймат ўз моҳиятига кўра корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнида корхона томонидан ишлаб чиқариш омилларини бириктириш натижасида маҳсулотни юзага келтирувчи омил сифатида юзага чиқади. Бироқ, қўшилган қийматнинг вужудга келиши тармоқлар бўйича ўзаро фарқланади ва бу фарқланиш қўшилган қиймат солиғининг турлича кўриниш олинишини таъминлайди. Хусусан, саноат корхоналарида қўшилган қиймат юқоридагидек тарзда намоён бўлса, қурилиш корхоналарида қўшилган қиймат асосан иш ҳақи, асосий воситаларнинг эскириши тарзида юзага чиқади. Демак, бундан кўринадики, қаерда меҳнат сиғими юқори бўлса, солиқ тўловчининг маҳсулоти бўйича қўшилган қиймат меҳнат ҳақи фонди тарзида агар, мол-мулклар эскириши кўп бўлса қўшилган қиймат кўпроқ мол-мулкларнинг қиймати шаклида юзага чиқади. Қўшилган қийматнинг муайян қисмини мажбурий тартибда бюджетга жалб этиш қўшилган қиймат солиғини ифодалайди. Қўшилган қиймат солиғи товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), уларни реализация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишдир.

Иқтисодчи олим проф. Ш. Тошматовнинг фикрича “Қўшилган қиймат бу ашёвий ресурслар харид баҳосига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўшилган, товар ва хизматларнинг бозорда сотилиш нархига кирган устама қийматдир”⁴⁴. “Қўшилган қиймат солиғи эса бу хўжалик

⁴⁴ Тошматов. Ш.А. Қўшилган қиймат солиғи ва уни такомиллаштириш йўллари (Ўзбекистон Республикаси материаллари асосида): и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. -Т.: 2003. - 9 б.

юритувчи субъектлар томонидан сотилган товар, бажарилган иш ва хизматларнинг бозор нархига нисбатан ҳисобланган эгри солиқдир”⁴⁵. Ушбу таърифларга қўшилган ҳолда биз қўшилган қиймат деганда товарлар яратиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ва меҳнат ҳақи харажатларининг қўшилишини, ҳамда реализация жараёнида устама шаклда ўрнатиладиган қийматни тушуниш лозим, деб ҳисоблаймиз. Қўшилган қиймат хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият қилишга қараб икки хил шаклда мавжуд бўлади. Агар солиқ тўловчи моддий ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган бўлса, қўшилган қиймат моддий ва меҳнат харажатларидан ташкил топади. Агар солиқ тўловчи ишлаб чиқариш билан эмас, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланса, у ҳолда қўшилган қиймат устама шаклда ўрнатиладиган қийматдан иборат бўлади. Ана шу қўшилган қийматнинг бир қисми бюджетга йўналтирилган қўшилган қиймат солиғини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасига товар (хизмат,иш)ларни импорт қилиш жараёнида ҳам қўшилган қиймат бу устама шаклда юзага келади. Бундан кўринадики, қўшилган қиймат солиғи моҳияти амал қилиш нуқтаи назаридан бир хил аҳамиятга эга бўлмайди. Қайд этиш жоизки, қўшилган қиймат солиғи амалдаги солиқ турлари ичида жуда мураккаблиги билан ажралиб туради. Унинг бу хусусияти маҳсулот (хизмат, иш)ларнинг ичидаги қўшилган қиймат шаклланишининг соҳалар ва тармоқлар бўйича турлича мавжуд бўлишига ҳамда солиқдан имтиёзлар амал қилишининг ўзига хослигида намоён бўлади. Агар солиқлар жумласига кирувчи даромад (фойда) солиғига нисбатан оладиган бўлсак, даромад ёки фойданинг шаклланиши ёхуд молиявий натижаларни аниқлаш махсус Низом асосида муайян тартиб асосида аниқланса, қўшилган қийматни аниқлашнинг аниқ ҳуқуқий-услубий асоси мавжуд эмас. Бироқ, қўшилган қийматни ҳозирги кундаги қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг амалдаги механизми

⁴⁵ Қаранг: ўша ерда.

асосида аниқлайдиган бўлсак, у қуйидагича тартибда аниқланади (2.3.1-жадвалга қаранг).

2.3.1- жадвал

Қўшилган қийматни аниқлаш услуги, (сўмда)

№	Кўрсаткичлар	Соҳалар			
		саноат	қурилиш	транспорт	қишлоқ хўжалиги
1.	Сотиб олинган материал қиймати	1000	1200	1500	2000
2.	Сотиб олинган материалларга тегишли қўшилган қиймат солиғи	200	240	300	400
3.	Маҳсулот (хизмат, иш) реализацияси	2000	2500	3000	4000
4.	Реализацияга тегишли қўшилган қиймат солиғи	400	500	600	800
5.	Қўшилган қиймат	1000	1300	1500	2000
6.	Қўшилган қиймат солиғи	200	260	300	400

Ушбу шартли жадвал кўрсатадики, барча соҳаларда қўшилган қийматни аниқлаш тартиби бир хил, ўз навбатида, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби ҳам бир хил услубга эга. Бу жадвалдан шундай хулоса келиб чиқадики, қўшилган қийматнинг миқдори бу маҳсулотнинг реализацияси ва шу маҳсулотни ишлаб чиқишга кетган материал қийматликлар қиймати ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб, қўшилган қиймат таркибини шаклланиши анча мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Қолаверса, юқорида таъкидлаганимиздек, қўшилган қиймат ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш ҳамда уларни импорт қилиш жараёнида бир-биридан анча фарқли хусусиятларга эгадир. Аксарият илмий ишларда қўшилган қиймат солиғи механизмидаги энг асосий эътиборли муаммолардан бири сифатида берилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш ҳолати эътироф этилади. Ушбу эътирофлар, бизнинг фикримизча, тўғри таъкид бўлиб, шу билан бирга таъкидлаш лозимки, қўшилган қиймат солиғини таҳлил этишда қўшилган қиймат жараёнини четда қолдирмаслик лозим. Қўшилган қийматни таҳлил этиш алоҳида олинган корхона (солиқ тўловчи), соҳа (тармоқ) ёхуд бутун иқтисодиёт даражасида таҳлил этиш мумкин ва улар бир-биридан анча фарқланади.

Қўшилган қийматдаги энг асосий жараёнлардан бири бу солиққа тортиш объектини аниқлаш масаласидир. Амалдаги мавжуд қонунчиликка кўра қўшилган қиймат солиғига тортиладиган объект бу солиқ солинадиган оборотлар⁴⁶ яъни, товар (иш, хизмат)ларнинг юклаб жўнатилиши ёхуд хизмат ва ишларни айирбошлашни ифода этадиган тегишли хужжатларнинг расмийлаштирилиши тушунилади. Бу ерда асосий жараён маҳсулотларнинг юклаб жўнатилиш ёки уларга тегишли бўлган пулнинг келиб тушиши ҳисобланади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида солиқ сиёсатининг таҳлили Давлат бюджетининг даромадлари таркибида эгри солиқлар улушининг барқарор суръатда ўсаётгани ва тўғри солиқлар салмоғининг камаётганини кўрсатмоқда. Умуман таҳлиллар кўрсатишича, эгри ва тўғри солиқларнинг бюджет даромадлари таркибидаги улуши камайган, ва аксинча, ресурс тўловлари, мол-мулк солиғининг улуши ортган. Бундай пасайишнинг сабаби капитал сиғимкорлиги юқори бўлган тормақлардаги акциз солиқларининг пасайишидир. Яъни, кейинги йилларда кимё, нефткимё, машинасозлик метални қайта ишлаш тармоқлари маҳсулотларига акцизларнинг камайтирилиши юқоридаги ҳолатни юзага келишига сабабчи бўлди. Шунинг билан биргаликда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар туфайли қўшилган қиймат солиғи ҳиссасининг жадал суръатларда ортиб боришини табиий жараён сифатида баҳолаш мумкин. Буларни қўйидаги Ўзбекистон Республикаси бўйича солиқ тушумларининг қиёсий таҳлили жадвалида келтирилган маълумотларни ўрганиб, аниқлашимиз мумкин (навбатдаги бетдаги 2.3.2-жадвалга қаранг). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Давлат бюджети даромадлари шаклланишида эгри солиқларнинг салмоғи давлат бюджети даромадлари шаклланишидаги улуши 2008-2010 йилларда 50

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 198-модда.

Ўзбекистон Республикаси бўйича солиқ тушумларининг қиёсий таҳлили⁴⁷

Кўрсаткичлар	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
	млрд. сўм.	%	млрд. сўм.	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%
I. Солиқлардан тушган жами даромадлар	3310,8	100,0	4042,5	100,0	5100,8	100,0	7108,2	100,0	10 834,0	100,0	13116,4	100
1. Тўғри солиқлар	865,8	26,2	1045,9	25,9	1219,6	23,9	1622,0	22,8	2 840,0	26,2	3420,6	26,1
2. Эгри солиқлар	1627,9	49,2	1986,6	49,1	2478,1	48,6	3571,0	50,2	5 433,0	50,1	6973,8	53,2
2.1. Кўшилган қиймат солиғи	748,9	22,6	1017,4	25,2	1261,7	24,8	2000,9	28,1	3 085,0	28,5	3988,0	30,4
2.2. Акциз солиғи	692,6	20,9	760,5	18,8	915,7	17,9	1170,4	16,5	1 789,0	16,5	2191,1	16,7
2.3. Божхона божи	66,1	2,0	86,7	2,1	116,1	2,3	247,8	3,5	334,0	3,1	479,3	3,6
2.4. Жисмоний шахслар учун ягона божи тўлови	56,9	1,7	45,9	1,1	73,4	1,4	-	-	-	-	-	-
2.5. Жисмоний шахслар томонидан бензин ва дизель ёқилғиси ишлатганлиги учун солинадиган солиқ	63,3	1,9	76,1	1,9	111,2	2,2	151,9	2,1	225,0	2,0	315,5	2,4
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	629,8	19,0	768,2	19,1	931,8	18,2	1218,9	17,2	1 762,0	16,3	1974,1	15,0
4. Бошқа солиқлар ва тўловлар	187,3	5,6	241,7	5,9	471,2	9,3	696,3	9,8	799,0	7,4	747,9	5,7

⁴⁷ Манба: www.mf.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

фоиздан кўпроқни ташкил этган. Эгри солиқлар таркибида қўшилган қиймат солиғининг ҳиссаси ортиб борганлигини кўриш мумкин. Масалан, қўшилган қиймат солиғи улуши 2005 йилда 22,6 фоизни ташкил этган ҳолда, 2010 йилда унинг ҳиссаси 30 фоиздан ортиқ бўлди. Ўз навбатида, тўғри солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (ҳиссаси) камайиб бораётганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Бунга юқоридаги жадвал маълумотлари гувоҳлик беради. Тўғри солиқлар 2005 йилда 26,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 22,8 фоизни ташкил этган. Бироқ, бюджет даромадларини шакллантиришда ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушининг ортиб бориши ресурс солиқларига хослигини ҳам кўришимиз мумкин. Бунинг сабаби сифатида солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ юкининг камайтирилиши ва иқтисодий ўсиш туфайли солиқсиз тўловлар сифатида тушаётган тўловларнинг ҳам ортиб боришини келтириш мумкин. Бунга сабаб қўшилган қиймат солиғи, божхона божи ва жисмоний шахслар томонидан бензин ва дизель ёқилғиси ишлатганлиги учун солинадиган солиқ даромадларининг ортганлигидир. Лекин акциз солиғи улуши камайган бўлиб, 2010 йилда 16,7 фоизини ташкил этди. Бошқа томондан эса, асосий фондларни қайта баҳолаш ва унинг оқибатида амортизация ажратмаларининг ўсиши, бу эса қўшилган қийматнинг номинал ўсишига ва капитали йирик бўлган тармоқларда қўшилган қийматда солиқларнинг кучли пасайишига олиб келди. Умуман олганда, бу йиллар давомида қўшилган қиймат солиғининг салмоғи 7,8 фоизга ошди.

Масалани биз тадқиқот объекти сифатида белгилаб олган Қорақалпоғистон Республикаси мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, бу ерда солиқларнинг, жумладан, эгри солиқларнинг Давлат бюджети даромадларида тутган ўрни 2.2.3-жадвал (навбатдаги бетга қаранг) маълумотлари орқали яққол кўриниши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича солиқ тушумларининг динамик таҳлили⁴⁸

Кўрсаткичлар	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
	млрд. сўм.	%	млрд. сўм.	%	млрд. сўм.	%	млрд. сўм.	%	млрд. сўм.	%	млрд. сўм.	%
I. Солиқлардан тушган жами даромадлар	56,1	100	77,6	100	111,9	100	147,2	100	186,6	100	255,3	100
1. Тўғри солиқлар	23,6	42,1	30,8	39,7	43,1	38,5	66,2	45,0	83,9	44,9	99,6	39,0
2. Эгри солиқлар	19,1	34,1	31,1	40,1	40,7	36,3	48,6	33,0	63,2	33,9	92,8	36,3
2.1. Қўшилган қиймат солиғи	11,1	19,8	17,8	22,9	24,7	22,0	29,6	20,1	42,3	22,6	64,4	25,2
2.2. Акциз солиғи	7,0	12,4	11,1	14,3	12,6	11,3	13,8	9,4	14,6	7,8	18,2	7,1
2.3. Жисмоний шахслар томонидан бензин ва дизель ёқилғиси ишлатганлиги учун солинадиган солиқ:	1,0	1,9	2,3	2,9	3,4	3,0	5,2	3,6	6,3	3,4	10,2	4,0
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	10,5	18,8	12,0	15,4	21,9	19,6	26,6	18,0	31,6	17,0	48,7	19,1
4. Бошқа солиқлар ва тўловлар.	2,9	5,0	3,7	4,8	6,2	5,5	5,8	4,0	7,9	4,2	14,2	5,6

⁴⁸ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқот объектимиз ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг шаклланишини таҳлил қилганимизда бюджет даромадларининг таркибида эгри солиқларнинг салмоғи юқорилигини кўриш мумкин.

2005 йилда бўлса Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз) - жами 56,1 млрд. сўмни ташкил этиб, унинг таркибида эгри солиқларнинг улуши 19,1 млрд. сўмни ёки 34,1 фоизни ташкил этган. Шу жумладан: ҚҚС – 11,1 млрд. сўм ёки 19,8 фоизни, акциз солиғи – 7,0 млрд.сўм ёки 12,4 фоизни, жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари учун истеъмол қилинадиган бензин, дизел ёқилғиси ва газ учун солиқ – 1,0 млрд.сўм ёки 1,9 фоизни ташкил этган.

2010 йилда бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз) - жами 255,3 млрд. сўмни ташкил этиб, унинг таркибида эгри солиқларнинг улуши 92,8 млрд. сўмни ёки 36,3 фоизни ташкил этган. Шу жумладан: ҚҚС – 64,4 млрд.сўм ёки 25,2 фоизни, акциз солиғи – 18,2 млрд.сўм ёки 7,1 фоизни, жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари учун истеъмол қилинадиган бензин, дизел ёқилғиси ва газ учун солиқ – 10,2 млрд. сўм ёки 4,0 фоизни ташкил этган. Таҳлил қилинаётган йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича эгри солиқларнинг ҳиссаси камайиб бораётганлигини аниқлашимиз мумкин. Бу, ўз навбатида, асосан акциз солиғи ҳиссасининг камайганлиги билан изоҳланади.

Умуман олганда эса, юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўтган йиллар мобайнида эгри солиқларнинг улуши Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларининг таркибида ўзининг салмоқли ҳиссасини сақлаб келмоқда.

Ушбу масалани, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманлари бўйича акциз солиғи мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, унда қуйидагиларни аниқлашимиз мумкин (навбатдаги бетдаги 2.3.4-жадвалга қаранг).

**Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманлари бўйича акциз солиғи динамикасининг
қиёсий таҳлили⁴⁹**

№	Худудлар номи	АКЦИЗ СОЛИҒИ											
		2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
		млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%
	Жами:	6969,5	100	11087,7	100	12656,2	100	13772,4	100	14610,7	100	18179,4	100
1	Нукус шаҳри	4114,6	59,0	5270,5	47,5	6419,0	50,7	8360,2	60,7	8904,3	60,9	12774,1	70,3
2	Тахиатош ш.	14,2	0,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
3	Амударё т.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
4	Беруний т.	1683,9	24,2	2583,4	23,3	2432,6	19,2	2551,9	18,5	2737,1	18,7	2321,7	12,8
5	Кегейли т.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
6	Кунгирод т.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
7	Канликўл т.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
8	Мўйноқ т.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
9	Нукус т.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
10	Тахтақўпир т.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
11	Тўрткул т.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
12	Хўжайли т.	505,0	7,2	1145,0	10,3	2683,7	21,2	1500,7	10,9	1673,6	11,5	2302,5	12,7
13	Чимбой т.	649,4	9,3	2088,8	18,8	1120,9	8,9	1359,6	9,9	1295,7	8,9	781,1	4,3
14	Шуманай т.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
15	Элликқалъа т.	2,4	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
16	Қораўзьяк т.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

⁴⁹ Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бош бошқармаси маълумотлари.

2.2.4-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, Қорақалпоғистон Республикасида фақат битта шаҳар ва 3 та туманда акциз солиғини тўлаш ҳоллари мавжуд бўлиб, бу солиқ ана шу бюджетлар даромадлар қисмининг асосий ҳиссасини ташкил этмоқда.

Илмий тадқиқотларимизни амалга ошириш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бюджет даромадларига эгри солиқларнинг (ҚҚС ва акциз солиғи) таъсирини қўйидаги эконометрик моделлар ёрдамида тадқиқ қилишга ҳаракат қилинди:

$$Y = a_0 + a_1x_1 + a_2X_2 + a_3X_3 + a_4X_4 + a_5X_5 \quad (1)$$

Бу ерда (1) кўпликадаги регрессия ёки кўпликадаги эконометрик модель бўлиб ҳисобланади. Ушбу тенгламадан a_0 , a_1 , a_3 , a_4 ва a_5 ларни топиш учун қўйидаги нормаль тенгламалар системасидан фойдаланамиз:

$$\begin{cases} n \cdot a_0 + a_1 \cdot \sum X_1 + a_2 \sum X_2 + a_3 \sum X_3 + a_4 \sum X_4 + a_5 \sum X_5 = \sum y \\ a_0 \sum X_1 + a_1 \sum X_1^2 + a_2 \sum X_1X_2 + a_3 \sum X_1X_3 + a_4 \sum X_1X_4 + a_5 \sum X_1X_5 = \sum X_1y \\ a_0 \sum X_2 + a_1 \sum X_2X_1 + a_2 \sum X_2^2 + a_3 \sum X_2X_3 + a_4 \sum X_2X_4 + a_5 \sum X_2X_5 = \sum X_2y \\ a_0 \sum X_3 + a_1 \sum X_3X_1 + a_2 \sum X_3X_2 + a_3 \sum X_3^2 + a_4 \sum X_3X_4 + a_5 \sum X_3X_5 = \sum X_3y \\ a_0 \sum X_4 + a_1 \sum X_4X_1 + a_2 \sum X_4X_2 + a_3 \sum X_4X_3 + a_4 \sum X_4^2 + a_5 \sum X_4X_5 = \sum X_4y \\ a_0 \sum X_5 + a_1 \sum X_5X_1 + a_2 \sum X_5X_2 + a_3 \sum X_5X_3 + a_4 \sum X_5X_4 + a_5 \sum X_5^2 = \sum X_5y \end{cases} \quad (2)$$

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2003-2010 йилларда бўлган даврда солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳамда эгри солиқларнинг (ҚҚС ва акциз солиғи) ЯҲМ таркибидаги улушига нисбатан қиёсий таҳлили 2.2.5-жадвал маълумотларида келтирилган (навбатдаги бетга қаранг).

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича эгри солиқларнинг (ЯҲМ даги улуши) ҳамда солиқлар ва мажбурий тўловларга (ЯҲМ даги улуши) таъсири қўйидаги эконометрик моделда келтирилган.

$$Y = 13,902 + 2,476 \cdot X_1 - 2,821X_2 + 0,0002 \cdot X_3 - 2,336 \cdot X_4 - 0,0085 \cdot X_5 \\ R^2 = 0,986$$

**Қорақалпоғистон Республикаси ЯҲМ га нисбатан солиқлар ва мажбурий тўловларнинг
(эгри солиқларнинг) қиёсий таҳлили⁵⁰**

Кўрсаткичлар ва йиллар	ЯҲМ		Солиқлар ва мажбурий тўловлар, Y		Қўшилган қиймат солиғи, X ₁		Алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғи, X ₂		Алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари, (1 литр учун), X ₃	Ёғ-мой маҳсулотлари учун акциз солиғи, X ₄		Ёғ-мой маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари, (1 тонна учун), X ₅
	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	сўм	млрд. сўм	%	минг сўм
2003 й.	273,8	100,0	33,4	12,20	7,0	2,56	1,9	0,69	2660	1,8	0,66	560,3
2004 й.	331,7	100,0	41,3	12,45	8,1	2,44	2,3	0,69	2660	2,1	0,63	590,7
2005 й.	426,1	100,0	56,1	13,17	11,1	2,61	3,2	0,75	2660	2,8	0,66	495
2006 й.	554,4	100,0	77,6	14,00	17,8	3,21	3,6	0,65	2660	5,8	1,05	495
2007 й.	754,3	100,0	111,9	14,83	24,7	3,27	4,2	0,56	2660	6,2	0,82	495
2008 й.	984,6	100,0	147,2	14,95	29,6	3,01	4,6	0,47	1130	5,4	0,55	495
2009 й.	1246,1	100,0	186,6	14,97	42,3	3,39	7,5	0,60	1243	5,7	0,46	544,5
2010 й.	1389,8	100,0	255,3	18,37	64,4	4,64	9,8	0,70	1554	5,1	0,37	544,5

⁵⁰ Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт Бош бошқармаси ва Давлат солиқ бош бошқармаси маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилган.

Бу ерда: Y – солиқлар ва мажбурий тўловлар; X_1 – қўшилган қиймат солиғи; X_2 – алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғи; X_3 – алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари, (1 литр учун); X_4 – ёғ-мой маҳсулотлари учун акциз солиғи; X_5 – ёғ-мой маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари, (1 тонна учун).

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича қўшилган қиймат солиғи ЯХМ даги ҳиссаси 1 фоизга ортса бюджет даромадлари 2,476 фоизга ортади. Демак, бу қўшилган қиймат солиғи бўйича ишлаб чиқариш миқдори кўпайганлиги ва ҚҚСни тўловчилар сонининг ортганлигидир, ҚҚС бўйича солиқ ставкаси ўзгармаган. Алкоголь маҳсулотлар учун акциз солиғи бўйича ставкаси 1 фоизга ортса бюджет даромадлари 2,821 фоизга камаяди. Сабаби, алкоголь маҳсулотлар учун акциз солиғини фақат бир корхона тўловчи ҳисобланади. Ёғ-мой маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкаси 1 фоизга ортса, бюджет даромадлари 2,336 фоизга камаяди. Бу ҳолатни ҳисоблаб топишда ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи 3 та корхона мисолларидан фойдаланилди.

Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш лозимки, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича $Dw_{xuc} = 2,50$ динамик қаторда автокорреляция мавжуд эмас.

Қўшилган қиймат солиғи объектига товарларнинг реализация жараёни ва товарларни айирбошлаш хусусияти ҳам боғлиқ бўлади. Бугунги кунда солиқ объектини бундай тарзда белгилашнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, маҳсулот эгаси ва сотилган маҳсулотнинг пули тўланиши учун жавобгарлиги ва масъулиятини оширади, иккинчи томондан, маҳсулот эса айирбошлаш муносабатига киришаётганда харидорнинг тўлов қобилиятини ўрганишга мажбур бўлади, пировардида эса маҳсулотларнинг реализацияси бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг камайишига эришилади. Қўшилган қиймат солиғи объекти сифатида товарнинг юклаб жўнатмасликка иқтисодий жиҳатдан мажбурлаш вазифасини бажаради. Шу билан биргаликда бу механизм муайян муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Яъни, ҳали пули келиб тушмаган товарнинг реализацияси учун қўшилган қиймат солиғи бўйича мажбуриятнинг келиб чиқиши, солиқ тушумлари бўйича солиқ прогнозининг бажарилмаслиги, харидорнинг фаолиятидаги фавқулудда воқеликлар оқибатида табиий боқимандаликни келтириб чиқаради. Пировардида эса солиқ тўловчи асоссиз равишда солиқни ўз вақтида тўламаганлиги учун пеня тўлашга мажбур бўлади.

Маълумки, амалдаги тартибга мувофиқ, юклаб жўнатилган маҳсулот солиқ объекти сифатида тан олинади. Бироқ, бизнинг фикримизча, бундай тартиб бир томондан, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ортишига сабаб бўлаётган бўлса, бошқа томондан, истеъмолчи томонидан маҳсулот учун тўловнинг ўз вақтида тўлаб берилмаслиги туфайли сотувчи (солиқ тўловчи) корхонанинг бюджетга ўз вақтида тўланмаган эгри (қўшилган қиймат) солиқлар бўйича асоссиз пеня тўлашга олиб келмоқдаки, бу солиқларнинг адолатлилик тамойилига зид ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун биз таклиф қиламизки, ушбу ҳолат бўйича солиқ объекти сифатида юклаб жўнатилган товарнинг қиймати эмас, балки, ҳақиқатда келиб тушган пул тушумларини белгилаш лозим ва маҳсулот сотувчи корхона учун истеъмолчидан тўловга қобиллик хусусидаги аудиторлик хулосасини талаб этиш ва унинг бир нусхасини шартнома билан банк муассасасига тақдим этишни мажбурий тартибда ўрнатиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу фикримизни кўйидаги “Чимбой мой” акциядорлик жамиятида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг қиёсий таҳлили жадвали маълумотлари орқали кўриб ўтамиз (навбатдаги бетдаги жадвалга қаранг).

2.2.6 - жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, “Чимбой мой” акциядорлик жамиятида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг улуши маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларга нисбатан юқори бўлиб ҳисобланади.

Ушбу жадвалдан маълумки, 2005 йилда ҚҚС суммаси 469,4 млн. сўмни ташкил этган бўлса дебиторлик қарзи эса 215,7 млн. сўмни ташкил этган. 2010 йилда эса ҚҚС 275,0 млн. сўм бўлган бўлса, дебиторлик қарзи 429,9

“Чимбой мой” акциядорлик жамиятида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг қиёсий таҳлили ⁵¹

Кўрсаткичлар	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз
Соф тушум	1336,3	100	1918,9	100	1497,2	100	3951,9	100	4410,7	100	1369,3	100
Дебиторлик қарзлари	215,7	16,1	299,9	15,6	98,5	8,6	198,5	5,0	592,5	13,4	429,9	31,4
Кредиторлик қарзлари	378,1	28,3	358,6	18,7	757,9	50,6	574,9	14,5	677,2	15,3	706,3	51,6
Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар	30,4	2,3	118,6	6,2	160,3	10,7	85,4	2,2	181,4	4,1	37,9	2,8
<i>Солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича пеня</i>	<i>14,8</i>	<i>X</i>	<i>23,4</i>	<i>X</i>	<i>32,3</i>	<i>X</i>	<i>20,2</i>	<i>X</i>	<i>22,3</i>	<i>X</i>	<i>11,2</i>	<i>X</i>
<i>Қўшилган қиймат солиғи бўйича пеня</i>	<i>11,2</i>	<i>X</i>	<i>19,1</i>	<i>X</i>	<i>20,3</i>	<i>X</i>	<i>10,3</i>	<i>X</i>	<i>18,2</i>	<i>X</i>	<i>11,1</i>	<i>X</i>
<i>Акқиз солиғи бўйича пеня</i>	<i>1,0</i>	<i>X</i>	<i>1,3</i>	<i>X</i>	<i>11,3</i>	<i>X</i>	<i>10,0</i>	<i>X</i>	<i>2,1</i>	<i>X</i>	<i>0,0</i>	<i>X</i>

⁵¹ «Чимбой мой» акциядорлик жамиятининг ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

млн. сўмни ташкил этди. Бу ҳолат эса бюджетга тўловлар бўйича қарзга олиб келган ва эгри солиқлар бўйича пенялар тўлашга мажбур бўлган. Сабаби «Чимбой мой» акциядорлик жамиятида бюджетга тўловларининг 80-90 фоизини эгри солиқлар ташкил қилади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг кўп бўлганлиги боис эгри солиқлар бўйича пенялар тўлашига кўпроқ таъсир қилмоқда. Айниқса, қўшилган қиймат солиғи бўйича пеня миқдорининг кўп эканлигини билдиради.

Республикада қўшилган қиймат солиғи объектини белгилаш тамойиллари турлича бўлган. Масалан, 1995 йилга қадар солиқ объекти сифатида ҳозирги амалдагидек, юклаб жўнатилган товар бажарилиши ва кўрсатилиши лозим бўлган иш ва хизматларнинг бўйича тузилган лойиҳа, шартномалар қиймати асос қилиб олинган бўлса, 1998 йилгача эса товар (хизмат, иш)ларнинг реализацияси бўйича сотувчи корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисоб варағига келиб тушган пул маблағлари обороти ҳисобланар эди. 1998 йилдан бошлаб, ҳозирги кунгача дастлабки тамойил яъни товар (иш, хизмат)ларнинг қиймати белгиланган. Қўшилган қиймат солиғи объектини бундай белгиланишидаги ўзгаришларнинг қуйидаги сабаблари мавжуд:

- биринчидан, қўшилган қиймат солиғи объектини товарнинг реализациясидан келиб тушган пул оборотидан солиқ ундириш солиқ тўловчининг манфаатига мос келади ва реал воқелик асосида солиққа тортиш принципини ифодалайди;

- иккинчидан, солиқ объекти сифатида реализациядан келиб тушган пул обороти ўрнига товарнинг юклаб жўнатилиши белгиланиши солиқ тўловчилар ўртасида келишув асосида солиқ тўлашдан қочиш ҳолатларига барҳам бериш билан биргаликда жўнатилган товар истеъмолчисининг молиявий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда олди-сотди муносабатларига киришишга иқтисодий мажбурлаш воситасининг амалда таъминланишидир;

- учинчидан, 1995-1998 йиллар оралиғида солиқ объектининг товарнинг реализациясидан келиб тушган оборотнинг белгиланиши солиқ тизимида қонунчилик принципларининг такомиллашиб (солиқ кодексининг

кабул қилиниши) боришига ҳамоҳанг тарзда бўлишлиги заруратининг мавжудлигидан эди;

- тўртинчидан, 1995 йилга қадар республикадаги аксарият корхоналар ҳам бозордаги монопол мавқеини сақлаб турганлиги, уларнинг маҳсулотига бўлган талабнинг бошқа корхоналар (истеъмолчилар) томонидан таъминланиши, қолаверса, инфляция даражасининг ҳали юқори даражада мавжудлиги, корхоналар ўртасидаги қўшилган қиймат солиғи объекти сифатида юклаб жўнатилган товарларнинг қиймати асос қилиб олинисига сабаб бўлган эди;

- бешинчидан, 1998 йилдан бошлаб тушум оборотидан юклаб жўнатилган товар қийматига ўтиш принципи иқтисодий эркинлаштириш шароити, рақобатчилик муҳитининг шаклланганлиги, олди-сотди муносабатларини амалга оширишда стихияликка йўл қўймаслик ҳамда бюджетга солиқ тушумларини ўз вақтида тушишини таъминлаш заруратига асосланган эди. Бироқ, қайд этиш лозимки, солиқ объектини белгилашнинг амалдаги механизм бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Биз бу хусусдаги кейинги бобда фикр юритамиз.

Акциз солиғи объектининг таркиби ва уни белгилаш қўшилган қиймат солиғидек жуда мураккаб бўлмаса-да, солиққа тортиш нуқтаи назаридан анча прогрессивроқ тусга эгадир. Чунки акциз солиғининг солиқ объекти юклаб жўнатилган товар ҳисобланса-да, қўшилган қиймат солиғи объекти билан анча фарқланади. Бу фарқлар қуйидагиларда кўринади:

- биринчидан, акциз солиғи объектига фақат товарлар киритилган бўлиб, хизматлар ва ишлар бу ерда солиқ объектидан четда қолади;

- иккинчидан, қўшилган қиймат солиғи объекти ва солиқ суммаси маҳсулот (хизмат, иш) таркибидаги қўшилган қийматнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Акциз солиғи объектида қўшилган қиймат ҳам мавжуд бўлса-да, ammo солиқ суммасининг миқдорига қўшилган қийматнинг аҳамияти йўқ;

- учинчидан, қўшилган қиймат солиғи базасига акциз ости товарлар бўйича реализация суммаси ҳам киритилади, акциз солиғи объектида эса

қўшилган қиймат солиғи суммаси киритилмайди, чунки қўшилган қиймат солиғининг суммаси қайтадан акциз солиғи объектига киритилиши, бир томондан, мантиққа зид бўлса, бошқа томондан, ҳисоб-китоб тизимини ҳаддан фискаллаштиради ва мураккаблаштириб юборади.

Шунингдек, акциз ости товарларини реализация қилинганда ҚҚС бўйича оборотни белгилашда ҳисобланган акциз солиғи суммасини чиқариб ташланиши мақсадга мувофиқ. Бу бир солиқ солиш базасига бошқа ҳисобланган солиқнинг киритилишини чеклайди ва ҳисобланган акциз солиғидан яна бир марта ҚҚСни ундирилишини бартараф этилишини таъминлайди. Сабаби, Солиқ кодексининг 204-моддасига биноан қўшилган қиймат солиғи тўловчилар бўлган корхоналар импорт қилган товарлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас. Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади. Шунинг учун Солиқ кодексининг 237-моддасига асосан ҚҚС солинадиган базадан акциз солиғи суммасини чегириб ташлаш керак.

Шу жиҳатдан олганда ҳар бир эгри солиқ объектини аниқлашда бир солиқ объектининг иккинчи марта солиқ базасига кириб қолиш ҳолатлари маҳсулотнинг таннархи орқали юзага чиқади. Шундай экан, эгри солиқларнинг унчалик эътибор қилинмайдиган, бироқ солиқ тизимининг адолатлилиқ тамойилини амалда таъминлайдиган яна бир хусусияти ҳам мавжудлигини эътироф этиш керак.

Маълумки, айрим солиқ тўловчилар бевосита (хусусан фойдадан олинадиган) солиқлардан қочиш мақсадида маҳсулот (хизмат, иш) таннархини сунъий равишда оширишга ҳаракат қиладилар, пировардида эса корхонанинг обороти ошган ҳолда фойда ҳажми камроқ бўлиб чиқади. Маҳсулот таннархини оширишда солиқ таннархига киритилмайдиган

харажатларни киритса, бошқа томондан ҳисобга олинган материал қийматликларни ҳисоб баҳосидан юқорироқ баҳода маҳсулот (хизмат, иш) таннархига қўшишга ҳаракат қилади. Бироқ, бу жараёнда қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғининг маҳсулот баҳосига қаратилиши бу солиқларнинг мувофиқлаштириш хусусиятида намоён бўлади. Эгри солиқларнинг бу хусусиятлари орқали солиқ қонунчилиги бузилган ҳолда норасмий тартибда солиқ тўловчини жазолаш принципи таъминланади. Шунинг учун солиқ тўловчилар томонидан эгри солиқларнинг жазоловчи хусусиятларини идрок этиши улар солиқ маданияти савияси даражасининг ошишига хизмат қилади.

2.4. Эгри солиқлар бўйича солиқ юки ва унинг солиқ тўловчиларга таъсири

Бутун жаҳон ҳамжамиятида кузатилаётган молиявий инқироз шароитида мамлакатимиз солиқ сиёсатини олиб боришда ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Бундай шароитда барча хўжалик юритувчи субъектларни молиявий фаолиятини яхшилаш ва маҳсулот сифатини ошириш мақсадида солиқ юки ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўтказилиб, бевосита солиққа тортиш ҳажми пасайиб бормоқда. Ҳар қандай солиқ тизимининг ажралмас, қолаверса энг мураккаб жиҳатларини намоён этувчи ҳолат бу солиқ юки ҳисобланади. Солиқ турлари бўйича солиқ юкини доимо ўрганиш муҳим аҳамият касб этадики, бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- солиқ юкини таҳлил этиш ва уни тўғри аниқлаш солиққа тортишнинг адолатлилиқ тамойилини юзага чиқишини таъминлайди;
- солиқ юки бу солиқ тўловчиларнинг солиқларга бўлган муносабатларини аниқлашга имкон яратади;
- солиқ юкини таҳлил этиш иқтисодиёт тармоқларидаги ўзаро мутаносиблик ҳолатини ўрнатишга йўналиш беради;
- солиқ юки давлат иқтисодий (солиқ) сиёсатининг самарасини аниқловчи омил бўлиши билан бирга уни тўғри белгилаб бориш давлатнинг иқтисодиётга оқилона таъсир этишини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридаги таъкидланганлардан кўринадикки, эгри солиқлар бўйича солиқ юкини тадқиқ этиш ва унинг ҳолатига тўғри баҳо бериш, эгри солиқларнинг амал қилиш механизмини тўлақонли ёритиш имконини яратади. Шундан келиб чиқиб, биз эгри солиқларга тегишли солиқ юки жараёнини таҳлил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Солиқ юки ва уни аниқлаш муаммоси ўтган асрнинг йигирманчи йилларида ички ва ташқи жиҳатлари нуқтаи назаридан ўрганилган бўлиб, ташқи аломатларига кўра солиқ юки солиққа тортиш объектини тўлиқ қамраб олган ҳолда бу ҳолатнинг турли давлатлардаги хусусиятлари таққосий (қиёсий) ўрганишга асосланган эди. Ички солиқ юкини аниқлаш тамойилида эса солиқ тушумларининг турли хил социал гуруҳлар ўртасида тақсимланиш муаммосига урғу берилган. Агар, тарихийлик нуқтаи назаридан қаралганда солиқ юкини аниқлаш масаласи солиққа тортиш назариясида XVIII асрда илмий қарашлар объектида ўрин олган бўлиб, молиявий фанлар соҳасида билимларнинг бойиб борилиши солиқ юкининг ташқи жиҳатларини тадқиқ этиш имконини берди⁵².

Солиқ юки муаммоси илмий тадқиқотлар олиб боришда то ҳозирги кунга қадар миллий даромад ва давлат бюджети ўртасида муайян оптимал меъёрни ўрнатиш бош масала сифатида ўрин олиб келмоқда. Аммо, солиқ юки иқтисодий тизимнинг турлича шакллариغا асосланган давлатларда умумий кўринишга эга бўлиши билан бир қаторда ҳатто битта миллий хўжалик доирасида ҳамда иқтисодий ҳудудлар бўйича ўзига хос хусусиятга эга ҳолда намоён бўлади. Ҳатто, мулкчилик шакллари ва тармоқлар бўйича ҳам ўзаро фарқли жиҳатларга эгадир.

Давлат хазинаси ва миллий даромад ёки ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги нисбатнинг оқилона вариантда ўрнатилиши бир томондан давлат харажатлари миқдорига боғлиқ бўлса, бошқа томондан жамиятда яратилган

⁵² Пушкарева В.М. История финансовой мысли политики налогов: Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 183 с.

миллий даромад (маҳсулот)ни тақсимлаш механизмига, қолаверса ташқи омиллар ва шу кабиларга боғлиқ бўлади.

Солиқ юки муаммосини ҳал этиш бу иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўз мужассамини топиши билан бир қаторда иқтисодий пропорцияларни таъминлашга ўз ижобий таъсирини ўтказиши мумкин. Бироқ, солиққа тортиш назариясида солиқ юки муаммосига турлича ёндашувлар мавжуд. Айрим иқтисодчилар солиқ юки сифатида бюджетнинг миллий даромадга нисбатидан келиб чиқиб баҳолаш лозимлигини уқтирса⁵³, XX асрнинг йигирманчи йилларида иқтисодчи олим К. Шмелев солиқ юкини баҳолашда унинг икки элементи: солиққа тортиш тушумлари; солиқ тушумларининг халқ хўжалигига босими (таъсири) ёки хусусий оғирлик даражасини ҳисобга олишни таклиф этади⁵⁴. Бу даврларда солиқ юки билан боғлиқ илмий тадқиқотларда бош муаммо сифатида солиқ тушумларининг алоҳида олинган хусусий хўжаликларга ва бутун халқ хўжалигига босимининг таъсирини ўрганиш масаласи бўлди. Шундан келиб чиқиб солиқ юкининг турлича соҳалардаги хусусиятларини тадқиқ этиш кейинги илмий ишларнинг диққат марказига айлана борди.

Республикамизда кейинги йилларда солиқ юки муаммоси республикамиз иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ҳам ўрин олди. Хусусан, и.ф.д. М. Альмарданов солиқ юкининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини тадқиқ этиб, кейинги йилларда солиқ юкини аниқлашда қўлланилаётган услубиётнинг бир қатор камчиликларини кўрсатиб берган ҳолда солиқ юкини ҳисоблашда абсолют ва нисбий солиқ юкини фарқлашни таклиф этади. М.Альмардановнинг фикрича, эгри солиқлар корхоналар солиқ юкини кучайтиради, бу солиқлар ўзгага ўтказиладиган бўлишига қарамасдан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг охириги истеъмолчилари – уларнинг реал тўловчиларидир... корхона қўшилган қиймат солиғининг “кириш”даги

⁵³ Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное. – М.: [Антология экономической мысли](#), 2007. - 163 с.

⁵⁴ Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 185 с.

сўммаси қопланади. Натижада кўшилган қийматга ҳисобланган ҚҚС суммаси корхоналар томонидан бюджетга тўланади ва у корхона солиқ юкини ҳисоблашда эътиборга олиниши, солиқ тўловлари таркибига киритилиши лозим⁵⁵.

Проф. Т. Маликов солиқ юкига қуйидагича таъриф беради. “Солиқ оғирлиги (юки, “зулми”) – давлат ва жамият ҳаётида солиқларнинг родини характерлаб (кўрсатиб) берадиган умумлашган кўрсаткич. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва даромадларида солиқ ажратмаларининг салмоғини (ҳиссасини) кўрсатувчи бозор иқтисодиётининг амалга оширилаётган моделидан келиб чиқадиган ўлчам. Солиқ йиғимларининг оширилаётган моделидан келиб чиқадиган ўлчам. Солиқ йиғимларининг жами миллий маҳсулотга нисбати билан аниқланади”⁵⁶.

Ўз навбатида проф. Қ.Яҳёев солиқ юки деганда “Тўловчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисидан бюджетга тўлашидир. Солиқ оғирлиги фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади”⁵⁷, деб ҳисоблайди.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, солиқ юки бу солиқ тўловчилар иқтисодий фаолиятни амалга ошириш натижасида яратилган ёки топилган қийматнинг қанча қисми мажбурий тўловлар сифатида бюджетга ва бошқа фондларга йўналтирилганлигини ифодалайди. Солиқ юки одатда жамият (миллий иқтисодиёт), соҳалар, тармоқлар, алоҳида олинган корхона ҳамда индивидлар доирасида мавжуд бўлади ва уларнинг ҳар бири бўйича солиқ юкини таҳлил этиш бирмунча фарқланади. Солиқ юкини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири ялпи ички маҳсулотнинг бюджетга йўналтирилган қисмидир. Шунга мувофиқ миллий иқтисод доирасида хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини бюджетнинг мақсадли фондлари (мулк кўмитасининг махсус ҳисобварағидаги сўммасини чегирган ҳолда) йиғиндисини ялпи ички

⁵⁵ Алимарданов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. – Т.: ТМИ, 2003. – 233 б.

⁵⁶ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. / Монография. - Т.: “Академия” нашриёти, 2002. – 164 б.

⁵⁷ Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 19 б.

(миллий) маҳсулот миқдорига нисбати ва фоиздаги ифодаси сифатида баҳолаш мумкин.

Ҳар бир давлат ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажара олиши учун молиявий ресурсларга мухтож бўлади ва шу сабабли мамлакат миллий даромадининг бир қисми солиқ ёки бошқа тўловлар тарзида унинг тасарруфига ажратилади, натижада давлат ўз даромадларига эга бўлади. Ўз таркибига кўра давлат даромадлари - турли давлат пул фондларига, маҳаллий пул фондларига, масалан маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга келиб тушади. Давлат ва маҳаллий бюджет даромадларини шаклланишида асосий ўринни солиқлар эгаллайди.

Агар биз солиқларнинг жами бюджет даромадларидаги ҳиссасини, яъни солиқ юкини ЯИМ нисбатида кўрадиган бўлсак, бунда бизга қуйидаги келтирилаётган 2.4.1-жадвал маълумотлари ёрдам беради.

2.4.1- жадвал

**Ўзбекистон Республикасида солиқ юкининг ўзгариш динамикаси
(ЯИМ нисбатан фоизда)⁵⁸**

Кўрсаткичлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Солиқ юки	22,6	21,6	21,8	23,7	23,0	22,0

Жадвал маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юки ислохотларнинг дастлабки йилларида бир мунча юқори бўлган бўлса, кейинги йилларда, айниқса, иқтисодий ўсишга эришилган йиллардан бошлаб камайиб бориш тенденциясига эга бўлиб бормоқда. Агар, жами солиқ юки 2005 йилда 22,6 фоиз атрофида бўлган бўлса, 2006 йилда эса унинг даражаси 21,6 фоиз атрофида бўлди, 2010 йилда эса 22,0 фоизни ташкил этган.

Юқорида бир неча марта қайд этиб ўтилганидек, солиқлар бу – қадимий молиявий воситалардан бўлиб, давлатнинг пайдо бўлиши билан вужудга келган ва давлат идоралари фаолиятини таъминлаш, давлат олдида

⁵⁸“Ўзбекистон иқтисодиёти” 2010 йил. Тошкент-2011. Ахборот ва таҳлилий шарҳ маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси (ЯИМ) ва Қорақалпоғистон Республикаси (ЯҲМ) бюджети даромадлари таҳлили⁵⁹
(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
	ЯИМ га нисба- тан	ЯҲМ га нисба- тан	ЯИМ га нисба- тан	ЯҲМ га нисба- тан	ЯИМ га нисба- тан	ЯҲМ га нисба- тан	ЯИМ га нисба- тан	ЯҲМ га нисба- тан	ЯИМ га нисба- тан	ЯҲМ га нисба- тан	ЯИМ га нисба- тан	ЯҲМ га нисба- тан
Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Давлат бюджети даромадлари, жами	22,6	13,2	21,6	14,0	21,8	14,8	23,7	14,9	23,0	15,0	22,0	18,4
Шу жумладан:												
1. Тўғри солиқлар, жами	6,5	5,5	6,3	5,5	6,2	5,7	7,3	6,7	6,4	6,7	6,2	7,2
2. Эгри солиқлар, жами	10,5	4,2	10,2	5,6	10,3	5,4	11,2	4,9	11,6	5,1	11,8	6,7
3. Ресурс тўловлари ва мол-Мулк солиқлари	4,6	2,5	3,8	2,1	3,5	2,9	3,6	2,7	3,7	2,5	3,2	3,5
4. Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар	1,0	1,0	1,4	0,8	1,7	0,8	1,7	0,6	1,3	0,7	0,8	1,0

⁵⁹ Манба: “Ўзбекистон иқтисодиёти” 2010 йил ахборот ва таҳлилий шарҳи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

турган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ресурслар манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Солиқлар классификациясига асосан солиқлар юклатилиш шаклига кўра: бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) солиқларга ажратилади. Бу солиқларнинг ичида эгри солиқлар юқори салмоққа эга. Юқорида Республикамиз давлат бюджетидида солиқларнинг тутган ўрнини таҳлил қилган эдик. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Республика миқёсидаги ҳолат билан ҳудудларнинг маҳаллий бюджетидида солиқларнинг салмоғи даражаси анча фарқли хусусиятларга эга. Буни биз Давлатимиз ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларининг ЯИМ (ЯҲМ) таркибидидаги солиқ тушумларининг ҳолатидида ҳам кўришимиз мумкин (юқоридидаги бетдидаги жадвалга қаранг).

Юқоридидаги келтириб ўтилган 2.4.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадлари ЯҲМ (ялпи ҳудудий маҳсулот)га нисбатан 2005 йилди 13,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткичнинг даражаси 18,4 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткичларнинг ўсиши салбий ҳолат ҳисобланиб, иқтисодиётдида солиқ юкининг ўсиб бораётганлигини англатади. Демак, Қорақалпоғистон Республикасида кейинги 5 йил давомида солиқ юки 5,2 фоизли пунктга ортган. Бевосита солиқларнинг ЯҲМдидаги улуши 2008 йилди 6,7 фоизга, 2009 йилди 6,7 фоизга, 2010 йилди 7,2 фоизга тенг бўлган. Эгри солиқларнинг ЯҲМдидаги улуши эса 2008 йилди 4,9 фоизни, 2009 йилди 5,1 фоизни ва 2010 йилди эса 6,7 фоизни ташкил қилган. Агар ўтган йиллар давомида солиқ юки билан боғлиқ жараёнларни таҳлил этадиган бўлсак, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришдидаги ижобий ўзгаришлар ва солиқ қонунчилигида эркинлаштириш сиёсатининг давом эттирилиши, солиқ тўловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш чораларининг янада кучайтирилиши натижасидида солиқ объектининг кенгайиши ҳамдида бюджетга кўшимча молиявий маблағларни йўналтириш имкони туғилган.

Эгри солиқлар бўйича солиқ юкининг кейинги йиллардида пасайиб бораётганлиги, аввало, қуйдидаги омиллар таъсиридида юз бермоқди:

- иқтисодиёт барқарорлашуви ҳолатининг давом этиши оқибатида инфляциянинг пасайиб бориши туфайли нархларнинг барқарорлашиши;

- эгри солиқлар туфайли (масалан, ҚҚС бўйича ноллик ставканинг қўлланилиши) айрим турдаги солиқ тўловчилар фаолиятининг рағбатлантирилиши;

- тўғри солиқларнинг солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантиришдаги ролининг ошиб бориши (фойда солиғи ставкасининг пасайтирилиши, солиқ имтиёзларининг кўпайтирилиши) оқибатида тўғри солиқлар бўйича қўшимча солиқ объектининг вужудга келиши ҳисобига тўғри солиқлар улушининг ортиб бориши;

- солиқ боқимандалиги бўйича асосий улуш эгри солиқлар ҳиссасига тўғри келмаётганлиги, яъни бу солиқлар бўйича боқимандалик ҳолатининг вужудга келиши тўғри солиқларга нисбатан тезроқ юз бериши оқибатида эгри солиқлар бўйича солиқ юки ялпи ички маҳсулотга нисбатан камайишига олиб келган.

Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий тараққиёт суръатининг ошиб боришига нисбатан эгри солиқлар юкининг камайиб бориши тескари мутаносибликда рўй беради. Иқтисодий ривожланиш хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад олиш манбаи ва солиқ объектининг кенгайишини характерлайди ҳамда бюджетга тўғри солиқлардан кўпроқ молиявий ресурсларнинг йўналтирилишига олиб келади.

Бозор муносабатларига асосланган давлатларда солиқлар бюджет даромадларини шакллантиришда ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим вазифаларни амалга оширади. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш давлатнинг солиқ сиёсати билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ислоҳотлари ушбу тизимнинг самарали ишлаши учун мавжуд муаммоларни ечишни талаб этмоқда. Шу муносабат билан, солиқ тизимининг муҳим йўналишларидан ҳисобланган

хўжалик субъектларидан олинадиган тўғри солиқларни такомиллаштириш мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ривожланган давлатлар АҚШ, Буюк Британия ва Японияда давлат бюджети даромадларида тўғри солиқлар юқори салмоқни эгаллайди. Масалан, АҚШда тўғри солиқлар федерал бюджет даромадларининг 90 фоиздан ортиғини шакллантиради, эгри солиқлар эса 5 фоизни ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларини таҳлил қилсак, кейинги йилларда тўғри солиқлар давлат бюджети даромадларидаги салмоғи учун нобарқарорликнинг хос эканлигини аниқлашимиз мумкин. Бу ҳалқаро бюджет амалиётида шаклланган тенденциялар нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, бозор муносабатлари шароитида тўғри солиқлар салмоғи бюджет даромадларида барқарор ва ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим.

Таҳлил қилинаётган шу даврда, яъни 2005 йилда Қорақалпоғистон Республикасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ЯХМнинг 35,1 фоизини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу 29,3 фоизга тенг бўлди. Бу солиқларнинг рағбатлантирувчилиги нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади (2008 йилда 30,2 фоизни, 2009 йилда 27,8 фоизни ташкил этган)⁶⁰.

Эгри солиқларнинг тадқиқот объектимиз ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатувчи солиқ тўловчиларнинг айримлари бўйича амал қилиши, бюджетда тутган ўрни ҳамда уларнинг фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш илмий жиҳатдан ўринли, деб уйлаймиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда айрим йирик корхоналар мисолида эгри солиқларнинг амал қилиш механизмини қуйида келтирилган жадвал асосида таҳлил қиламиз (навбатдаги бетдаги 2.4.3-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, таҳлил қилинаётган Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатувчи йирик корхоналар-

⁶⁰ Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

**Қорақалпоғистон Республикаси корхоналари томонидан давлат бюджетига тўланган эгри солиқлар жами
тўланадиган солиқлардаги улушининг динамик таҳлили⁶¹**

Т/р №	Корхоналарнинг номлари	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
		ҚҚС	Акциз солиғи	ҚҚС	Акциз солиғи	ҚҚС	Акциз солиғи	ҚҚС	Акциз солиғи	ҚҚС	Акциз солиғи	ҚҚС	Акциз солиғи
		фоиз	фоиз	фоиз	фоиз	фоиз	фоиз	фоиз	фоиз	фоиз	фоиз	фоиз	фоиз
1.	«Нукус винозаводи» АЖ	20,5	76,5	20,2	70,9	20,8	67,6	21,6	65,6	22,5	66,6	24,2	65,9
2.	Беруний «Ёғгар» ОАЖ	20,3	73,0	26,9	69,7	21,3	63,6	22,1	62,4	24,0	62,1	22,7	60,4
3.	«Чимбой мой» ОАЖ	36,2	50,5	20,1	76,8	18,1	72,1	29,2	56,8	23,8	56,3	22,8	47,5
4.	«Турон-Хожели» ОАЖ	36,4	56,1	19,0	75,7	11,7	74,6	19,4	63,6	15,5	63,7	16,1	68,1
5.	«Элликқалъа олтин толеси» АЖ	67,5	-	80,6	-	82,6	-	62,3	-	34,4	-	41,6	-
6.	«Юлдуз» АЖ	62,0	-	78,5	-	49,7	-	40,0	-	11,7	-	60,7	-
7.	«Хўжайли толеси» АЖ	44,8	-	80,5	-	54,0	-	62,7	-	9,7	-	45,2	-
8.	«Тўрткул оқ олтини» АЖ	62,3	-	70,3	-	50,7	-	39,5	-	10,7	-	28,6	-
9.	«Беруний пахта тозалаш заводи» АЖ	61,5	-	63,1	-	62,6	-	69,9	-	25,2	-	41,4	-
10.	«Халқабад момиги» АЖ	70,7	-	44,5	-	49,4	-	57,4	-	8,4	-	21,2	-
11.	«ҚҚ дон маҳсулотлари» АЖ	72,7	-	68,1	-	39,9	-	37,6	-	44,8	-	37,8	-
12.	«Тахياتош дон маҳсу- лотлари» АЖ	84,4	-	73,2	-	24,8	-	25,5	-	48,1	-	63,1	-

⁶¹ Қорақалпоғистон Республикаси йирик корхоналарининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

нинг барчасида эгри солиқлар ичида акциз солиғи катта улушни эгаллаган. Йиллар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2005 йилда “Нукус винозаводи” АЖда акциз солиғининг ҳиссаси 76,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 65,9 фоизни ташкил этиб, камайиб борган. Бу ҳолат Беруний “Ёғгар” ОАЖда ҳам учрайди. Бироқ, “Чимбой мой” ОАЖ ва “Турон-Хожели” ОАЖда 2005 йилга нисбатан кейинги йилларда акциз солиғининг улуши ортиб борган. Бунга асосий сабаб акциз солиғи ставкаларининг ортиб бориши ва маҳсулот ҳажмининг ортишидир.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича таҳлил этадиган бўлсак, “Нукус винозаводи” АЖда таҳлил қилинаётган даврда ушбу солиқнинг улушида деярли ўзгариш бўлмаган. “Чимбой мой” ОАЖ ва “Турон-Хожели” ОАЖда да ҳам шундай ҳолатни кўриш мумкин. Аммо, Беруний “Ёғгар” ОАЖда қўшилган қиймат солиғининг улуши 2005 йилга нисбатан кейинги йилларда ошганлигини кўриш мумкин. Лекин, пахта толаси ишлаб чиқарувчи корхоналарда бунинг аксини кўрса бўлади, “Элликқалъа олтин толаси” АЖда 2005 йилда 67,5 фоиздан 2009 йили 34,4 фоизга, “Халқабод момиги” АЖда 2005 йили 70,7 фоиздан 2009 йилда 8,4 фоизга камайиб борган. Бунинг асосий сабабларидан бири, бу пахта тозалаш корхоналарида маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотиш реализациясининг камайиб кетганлигидир.

“Қорақалпоқ дон маҳсулотлари” ва “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖларида ҳам қўшилган қиймат солиғи ҳиссасининг камайиш тенденциясига эга эканлигини кузатиш мумкин. Бундан хулоса қилиш мумкинки, эгри солиқлар иккала турининг ҳам солиқ тушуми ҳажми маҳсулот реализациясига боғлиқ бўлади, аммо, акциз солиғи бўйича солиқ ставкасининг ўзгариб туриши ҳисобига акциз солиғининг улуши динамикаси қўшилган қиймат солиғи динамикасига нисбатан анча фарқланади. Бу, албатта, солиқ тўловчиларнинг молия-хўжалик фаолиятига ҳам таъсир этганлиги табиий. Бу тўғрида батафсил маълумотлар 2-11-иловаларда келтирилмоқда).

Юқорида таъкидлаганимиздек, солиқ тўловчи зиммасидаги эгри солиқлар бўйича солиқ юки миқдори бир қатор омиллар таъсирида динамик ҳолатда бўлади. Бу ҳолатни биз қуйидаги 2.4.4-жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин (навбатдаги бетга қаранг).

Қуйидаги жадвалдан кўришиб турибдики, таҳлил этилаётган корхона эгри солиқлардан фақат қўшилган қиймат солиғининг тўловчиси бўлиб ҳисобланади.

2.4.4- жадвал

**Қорақолпоғистон Республикаси Беруний туманидаги “Тараққиёт”
ОАЖда эгри солиқлар бўйича солиқ юкига омилларнинг таъсири
таҳлили⁶²**

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш хажми, (минг. сўм)	45600	49450	64710
2	Реализация қилинган маҳсулот хажми, (минг. сўм)	44410	47260	63150
3	Тўланган эгри солиқлар, (минг. сўм)	8882	9452	12630
	а) ҚҚС	-	-	-
	б) Акциз	-	-	-
	в) Божхона божи.	-	-	-
4	Солиқ юкига таъсир этувчи омиллар: (фоизда)	0	0	0
	а) солиқ ставкасининг ўзгариши	Тўловчи	Тўловчи	Тўловчи
	- ҚҚС бўйича	эмас	эмас	эмас
	- Акциз бўйича			
5	б) Нарх-навонинг ўзгариши	100	100	100
	- ҚҚС бўйича	тўловчи	тўловчи	тўловчи
	- Акциз бўйича	эмас	эмас	эмас
	- Божхона божи			
6	в) Имтиёзларнинг камайрилиши	-	-	-
	- ҚҚС бўйича	тўловчи	тўловчи	тўловчи
	- Акциз бўйича	эмас	эмас	эмас
	- Божхона бож бўйича	-	-	-

⁶² Корхонанинг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Корхонада 2010 йилда 2009 йилга нисбатан солиқ юки 3178 минг сўм (12630-9452)га ортган. Солиқ юкининг бундай ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилганда улар ичида нарх-навонинг ўзгариши юз фоизли салмоққа эга бўлмоқда. Бошқа омиллар таъсирининг йўқлиги қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ставкасининг барқарорлиги (ўзгармаганлиги), ҚҚС бўйича корхона фойдаланиши мумкин бўлган имтиёзларда ўзгариш бўлмаганлиги билан изоҳланади. Бу ерда яна шу нарсани ҳам эътиборга олиш лозимки, эгри солиқларнинг солиқ юкида сотиб олинган материалларга тегишли ҚҚСни кириш қилиниши ва материалларнинг ишлаб чиқаришга сарфланиши жараёнида ҚҚСнинг хўжалиқдан чиқиши ўртасидаги тафовут ҳам таъсир этиши мумкин.

Маълумки, эгри солиқлар бўйича солиқ юкига солиқ ставкалари, берилаётган имтиёзлар, солиқ тўловчилар сони, солиқ тўловчилари бўйича бериладиган таътилар ҳам таъсир этади. Эгри солиқ бўйича солиқ юкининг пасайиши иқтисодий тараққиётнинг ривожланиши, инфляциянинг камайганлигини ифодаласа, солиқ юкининг ошиши эса солиқ сиёсатида корхоналар солиқ юкининг маълум қисмини истеъмолчилар зиммасига юклашга қаратилган солиқ сиёсати олиб борилаётганлигини характерлайди. Бу сиёсат, бир томондан, корхоналарнинг инвестицион фаолиятига ижобий таъсир қилса, бошқа томондан, истеъмолчилар реал даромадларининг камайишига, нархларнинг ошишига ва корхоналар ишлаб чиқарган товарларнинг омборларда қолиб кетишига олиб келади. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, солиқларни бир-бирига юклаш солиқ тизимидаги энг мураккаб ва оғир масалаларидан бири ҳисобланади. Бу жараён назарий жиҳатдан муҳим масала бўлиб, у амалиётда унчалик ўз аҳамиятини кўрсата олмаслиги мумкин. Мамлакатда иқтисодий ўсиш узлуксиз ва юқори бўлса, солиқ тушумларида тўғри солиқларнинг улуши юқори бўлиши, аксинча ҳолатда эса, солиқлар жамида эгри солиқларнинг ҳиссаси юқори бўлишлиги иқтисодий қонуниятдир. Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида эгри солиқларнинг ялпи ички маҳсулот ва жами бюджет даромадларидаги ҳиссаси

(солиқ юки) юқори бўлди ва бу нарса, ўз навбатида, табиий жараён сифатида баҳоланиши зарур. Сабаби, бу йиллар даврида мамлакат иқтисодиётида монополистик корхоналар мавқеининг юқорилиги, улар маҳсулотларининг бозорларда тез реализация этилиши, маҳсулот (хизмат, иш)лар нархларининг сунъий оширилишига олиб келинди. Бунинг оқибатида эса эгри солиқлар объектининг ўз-ўзидан кенгайиши таъминланди. Бундан ташқари бу йиллар даврида эгри солиқлар солиқ юкининг юқори бўлишида миқдорий омил - солиқ тўловчилар сонининг таъсири ҳам катта бўлди. Чунки, таҳлил этилаётган йиллар давомида иқтисодий субъектларнинг таркибий ўзгариши амалга оширилганлиги, мулкчиликнинг янги шакллари ва унга мувофиқ янги хўжалик юритувчи субъектларнинг вужудга келиши, илгари монопол аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг хусусийлаштирилиши, бўлиниши, улар таркибида янгидан-янги субъектларнинг пайдо бўлишлиги оқибатида эгри солиқларни тўловчилар сонининг жадал суръатда ўсиши ва солиқ тушумларининг ошишига олиб келди. Бундан ташқари ислохотларнинг дастлабки йилларида инфляция даражасининг юқорилиги ҳам эгри солиқлар юкининг юқори бўлишига иқтисодий омил бўлиб хизмат қилди.

2.5. Солиқ тизимида эгри солиқларнинг такомиллашиб бориши ва уларнинг таҳлили

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бевосита солиқ тўловчиларга боғлиқ бўлиб, яъни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳиссаси салмоқли ўрин тутади. Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг самарали фаолияти Давлат бюджети билан бўладиган солиқ муносабатларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Республикамиз корхоналарида замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби мақсадларни намоён этади. Чунки, эгри солиқлар

солиқлар корхоналарнинг инвестицион фаолиятини пасайишига таъсир қилмайди.

Кейинги йилларда солиқ тизими такомиллашиб бориши билан эгри солиқлар, жумладан акциз солиғининг объекти ҳам такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг янги солиқ кодексига мувофиқ айрим турдаги маҳсулотлар, хусусан, алкоғолли маҳсулотлар бўйича солиқ объекти унга нисбатан қатъий солиқ ставкалари белгиланган сотилган алкоғолли маҳсулотлар ҳажмининг натурадаги ифодаси, бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилганини ўз ичига олган ҳолда, келишилган (эркин) нархларда (ўз ичига акциз солиғи суммасини олган), қўшилган товарнинг қиймати ёки унинг физик ҳажми ҳисобланади. Шунингдек, текинга берилган акцизланадиган товарлар бўйича ҳам солиқ объекти белгиланган бўлиб, алкоғолли маҳсулотлар бўйича солиқ объекти худди юқоридагидек тартибда, бошқа акцизланадиган товарлар текинга берилса, солиқ объекти солиқ тўловчида товарни топшириш пайтида шаклланган, лекин ушбу акцизланадиган товарни ишлаб чиқаришда ҳақиқатда амалга оширилган харажатлардан кам бўлмаган ҳисоб-китоб (улгуржи) нархлари даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган қиймат қилиб белгиланди.

Яъни, 2003 йилнинг 1 январига қадар барча акциз ости товарлар учун солиқ объекти бир хил тартибда (реализация қиймати) белгиланган эди. 2003 йилдан бошлаб акциз солиғига тортиладиган товарларнинг айрим турлари бўйича адвалор ставкалар ўрнига товар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланадиган ўзгаришга олиб келди. Аниқроқ қилиб айтганда, бир томондан, солиқ объектининг сунъий оширилиши (солиқни ҳисоблаш формуласи солиқ объектини сунъий оширади) барҳам берилган бўлса, бошқа томондан, юқори қатъий солиқ ставкалари орқали солиқнинг фискаль хусусияти оширилди.

Бундай тизимнинг қўлланилиши, бизнинг фикримизча, акциз солиғининг эгри солиқ сифатидаги айрим хусусиятларининг ўзгаришларига ҳам олиб келган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, алкоғолли маҳсулотларга қатъий солиқ ставкаларининг белгиланиши бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятини эгри солиқлар орқали тартиблаш таъсирчанлигининг камайишига олиб келди;

- иккинчидан, алкоғолли маҳсулотларни қатъий солиқ ставкаси орқали солиққа тортиш эгри солиқларнинг маҳсулот таннархи билан узвий боғлиқлиги йўқолган ҳолда, маҳсулотнинг кимёвий хусусияти (2009 йилга қадар пиво маҳсулоти учун қўлланилган таркибида спирт миқдориға мос равишда акциз солиғи ставкаларининг табақаланиши)га боғлиқ бўлиб қолган эди. Бу ҳолат маҳсулот турлари бўйича ёки ортиқча солиқ тўлашни ёки солиқдан қочиш ҳолатларини юзага чиқариш имконини оширишга олиб келган десак муболаға бўлмайди.

Эгри солиқлар механизмидаги асосий бўғинлардан бири бу – солиқ ставкаларидир. Солиқ ставкаси солиқ объектига ёхуд солиқ солиш базасига ўрнатилган меъёр бўлиб, уларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади ҳамда солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан етказилади. Эгри солиқларнинг ставкалари солиқ объектининг муайян қисмининг қиймат шаклига нисбатан ўрнатилган солиқларни бюджетга йўналтиришни ифодалайди. Эгри солиқлар бўйича белгиланган солиқ ставкалари фақат фискаль вазифаларнигина бажариб қолмайди.

Эгри солиқлар ставкалари дастлабки вақтларда, асосан, бюджетга солиқ тушумларини кўпайтиришга хизмат қилган бўлса, бугунги кунда амалдаги солиқ ставкаларини рағбатлантирувчилик хусусияти ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Чунончи, амалдаги қонунчиликка мувофиқ айрим соҳа ёки фаолиятни рағбатлантириш мақсадида қўшилган қиймат солиғининг ноллик ставкаси қўлланилади.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича ноллик ставка шунингдек, қурилиш

ташкilotларининг (2002 йилда) жисмоний ва юридик шахслар учун уй-жой қурилиши бўйича “Ўзуйжойжамғармабанк” (ҳозирги “Ипотекабанк”) билан шартномалар бўйича бажарилган ишлар ҳажми айланмалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга товар (ишлар, хизматлар)ларнинг сотилиши бўйича айланмаларга ҳам ноллик солиқ ставкаси қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига кўра ноллик солиқ ставкаси қўлланиладиган хизматлар қаторига сув, иссиқлик ва газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар ҳам киритилади, ваҳоланки, бу хизмат турлари солиқ кодексининг 217-моддасига асосан сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган ана шундай хизматларга ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғига тортилиши белгилаб қўйилган.

Ноллик ставканинг қўлланилиши солиқдан озод этишга нисбатан солиққа тортишнинг адолатлилиқ тамойилига мос келади. Ноллик ставкани қўллаш натижасида маҳсулот (хизмат, иш)ни етказиб берувчида маҳсулотни тайёрлашда ишлатилган материал қийматликлар бўйича тўлаган қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий фарқ вужудга келса, 2003 йил 16 июнга қадар бу манфий фарққа тенг сумма Молия вазирлиги томонидан махсус фонд ҳисобидан қопланиб, ҳозирги кунда бу фарқлар солиқ тўловчининг бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги мавжуд қарзлари ҳисобига ўтказилади.

Бошқа тўғри солиқлар сингари эгри солиқлар ҳам ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилади. Тегишли Низом⁶³ га мувофиқ Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати ОАЖ ва бошқа корхоналарнинг

⁶³ “Хўжалик юритувчи субъектларга қўшилган қиймат солиғи бўйича юзага келган манфий фарқни қоплаш тўғрисида” ги Низом, Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 6 июнда 1246-сон билан тасдиқланган.

товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга сотишдан айланмаларига ноллик ставка қўлланилади. Бундан асосий мақсад экспорт операцияларини рағбатлантириш ва у орқали валюта эркин алмаштириладиган валюта тушумларни кўпайтириш, пировардида эса, тўлов балансида мусбат қолдиқ миқдорини оширишдан иборат.

Эгри солиқларнинг рағбатлантириш функцияси нафақат қўшилган қиймат солиғи орқали, шунингдек, акциз солиғи тимсолида ҳам намоён бўлади. Солиқ сиёсатининг кейинги йиллардаги йўналишларида ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ва ишлаб чиқарувчилар билан савдо қилувчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш тўғрисида”ги 390-сонли қарорига мувофиқ “ЎзДЭУавто” АЖ ишлаб чиқарган автомобиллар, кумушдан ясалган ошхона анжомлари, хрустал маҳсулотлари, мебеллар ва видео-аудиоаппаратура маҳсулотлари учун солиқ тўловчилар томонидан бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммалари солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқаришни ошириш, истеъмол товарлари турларини уларнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш учун озод этилган (корхона ихтиёрида қолган) маблағлардан мақсадли фойдаланиш шарти билан улар ихтиёрида қолдирилмоқда.

Эгри солиқларни ундириш механизмидаги муҳим ҳамда мураккаб жараёнлардан яна бири солиқни ҳисоблаш усулидир. Жаҳон амалиётида эгри солиқларни ҳисоблашнинг турли хил усулларида мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган база бўлиб янгидан яратилган қиймат, яъни солиққа тортилиши лозим бўлган солиқ оборотидан солиққа тортилмайдиган қисмини (қонунчиликка мувофиқ имтиёз берилган) чегириб ташлаган ҳолдаги қиймат асос бўлиб хизмат

килади. Соддароқ қилиб айтганда, маҳсулот (хизмат, иш)ни ишлаб чиқариш (тайёрлаш) мақсадида сарфланган материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, комплектловчи буюмлар қиймати ва яратилган маҳсулот ўртасидаги фарқдан иборат. Таъкидлаганимиздек, қўшилган қиймат бўлиб, улар жумласига ҳисобдан чиқариш усули, ҳисобга олиш усули, йиғиш усуллари киради. Бизнинг республикамизда эса ҳисобга олиш усулидан кенг фойдаланилади. Одатда, бу усул счёт-фактура усули ҳам деб юритиладики, қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳар бир товар учун кейинги солиққа тортиш жараёнида ўрнатилган солиқ ставкасига боғлиқ.

Мабодо солиққа тортишнинг охириги бўғинида товар қўлланилаётган бўлса, бу ҳолат товарнинг охириги истеъмолчисига ўтаётган бўғинида солиқ суммасининг ортишини таъминлайди.

2007 йил 25 декабрда қабул қилиниб, 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқни ҳисоблаш тартиби ҳам корхонага келган материаллар ва унга тегишли қўшилган қиймат солиғи ҳамда маҳсулот (хизмат, иш) реализацияси ва унга тегишли қўшилган қиймат солиғи ўртасидаги фарқни ифодалайди, яъни солиқ тўловчига келган ва сотувчидан кетган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишни юқорида тутлади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг амалдаги усули маҳсулот етказиб бериш вақти қўшилган қиймат солиғини солиққа тортиш объектининг, яъни истеъмол жараёнининг бирлигини билдиради. Қолаверса, қўшилган қиймат солиғининг бюджетга ўз вақтида тушишини назорат қилишда ҳам бу усулнинг бир қадар қулайлиги ҳам борки, у ҳам бўлса маҳсулот учун солиқ тўловчи (сотувчи)нинг ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағининг келиб тушишини аниқлашдан кўра маҳсулот етказиб берилган вақтни аниқлаш осонроқ ва қулайроқ бўлиб, солиқни ҳисоблашнинг ҳисобга олиш усули бунга имконият яратади.

Акциз солиғини ҳисоблаш тартиби (усули) эса ўзига хос хусусиятга эгадир. Республикамиз солиқ тизимида акциз солиғини ҳисоблашда бир

нечта усуллардан фойдаланиб келинган бўлса, бугунги кунда тўғри мутаносиб ва солиқ базасини (ҳисоб-китоб нархини) ошириш усулларидан фойдаланилиб келинмоқда. Акциз солиғини ҳисоблашнинг солиқ базасини ошириш усули солиққа тортилаётган товарнинг корхонада таркиб топган таннархи ва корхонанинг меъёрий фойдасини товар турига белгиланган солиқ ставкасининг ҳажмига боғлиқ ҳолда солиққа тортиладиган оборотини ва унга асосан солиқни ҳисоблашнинг ҳозирги усули фискаль хусусиятга эга эканлигини билдиради. Кейинги йилларда айрим турдаги акциз ости маҳсулотлари, яъни алкоғолли маҳсулотларнинг натура бирлигига нисбатан қатъий солиқ ставкалар асосида тўғри мутаносиблик асосида солиқ ҳисобланмоқда.

Эгри солиқларнинг асосий икки хусусияти мавжуд бўлиб, уларнинг бири эгри солиқларнинг ҳуқуқий тўловчилари пировард истеъмолчилардир. Эгри солиқларнинг яна бир хусусияти уларнинг истеъмолни чеклаш вазифасини бажаришлиги, маҳсулот баҳосига қўшимча устама сифатида товарнинг баҳосини ошишига олиб келишидир. Бундан кўринадики, эгри солиқларнинг солиқ юки истеъмолчилар зиммасига тушади. Эгри солиқлар баҳо таркибига кириб, маҳсулот (хизмат, иш)лар баҳосини ошириш орқали истеъмолни бироз бўлса-да чеклайди, яъни бошқача сўз билан айтганда, истеъмолга тесқари мутаносибликда таъсир этади. Эгри солиқларнинг ҳақиқий тўловчилари истеъмолчилар бўлишидан қатъий назар солиқ тўловчилар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини ўтказидади. Чунки, корхона маҳсулоти (хизмат, иш)нинг улгуржи баҳоси ўз ичига корхона олиши кутилаётган меъёрий фойда ва эгри солиқлар устамасидан иборат бўлади. Агар, корхона маҳсулотининг нархи ошса, у ҳолда бу маҳсулотларга бўлган талаб камайиши, яъни истеъмолчиларнинг уларни сотиб олишга эҳтиёжи камайиши, пировардида эса корхона маҳсулотининг реализацияси камайиши ёки тўхтаб қолиши оқибатида фойда олинмаслиги мумкин. Бу жараён эса эгри солиқлар объектининг ҳаддан ошиши тўғри солиқлар объектини камайишига ёки вужудга келмаслигига олиб келишини, ҳам эгри

солиқлар, ҳам тўғри солиқлар солиқ юки мутаносиб камайишини таъминлайди. Бироқ, бу ҳолатни солиқ юки камайиши нуқтаи назаридан эмас, балки бюджет тақчиллигини келтириб чиқариши жиҳатидан ноқулай иқтисодий ҳодиса сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Эгри солиқларнинг солиқ юки нафақат бюджет даромадларига шунингдек, корхоналар молия-хўжалик фаолиятига таъсир этиб, уларнинг бошқа солиқлар бўйича мажбуриятларини бажариш ҳолатига жиддий таъсир этиши мумкин. Бундан ташқари маҳсулот (хизмат, иш)ларнинг таннархини ошириши ёки камайтириши ҳисобига бозордаги талаб ва таклиф даражасига, истеъмолнинг турига, ўринбосар товарларнинг нафлиликни қондириш даражасига ҳамда аҳоли пул даромадларининг харид қобилиятига кучли таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, уни (солиқ юкини) баҳолашда ёки унга оид солиқ сиёсатини юритишда ана шу таъсирчанлик хусусиятини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Агар нархлар барқарорлашган шароитда солиқ юкини барқарор ушлаш аҳолини реал даромадларига салбий таъсир этмайди. Бундан кўринадики, эгри солиқлар бўйича солиқ юки нафақат иқтисодий оқибатга, шу жумладан, социал оқибатларни ҳам келтириб чиқариш хусусиятига эгадир. Яъни, эгри солиқлар солиқ юкининг ҳаддан зиёд оширилиши корхоналар қўлидан айланма маблағларнинг камайишига, ишлаб чиқариш қўламининг пасайишига, оқибатда эса, ишсизлар сонининг ошишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари юқорида таъкидлаганимиздек, солиқ юкининг ошиши аҳолининг реал пул даромадларининг камайиши орқали аҳолининг турмуш даражасининг ёмонлашувига ҳам таъсир этади. Кейинги йилларда эгри солиқлар солиқ юкининг аҳолига салбий таъсирини камайитиришга ва шунга мос равишда, солиқ сиёсати юритилаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани бўйича бюджет даромадларининг
бажарилиши ва унинг ўзгариши⁶⁴**

Даромад турларининг номи	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз
1. Даромадларнинг жами	2455,2	100,0	4296,5	100,0	3602,3	100,0	4932,7	100,0	6034,5	100,0	6534,1	100,0
2. Эгри солиқлар	1287,2	52,4	2897,8	67,4	1738,2	48,3	2373,2	48,1	2186,0	36,2	1846,3	28,3
2.1. Қўшилган қиймат солиғи	563,8	23,0	767,9	17,9	555,6	15,3	893,2	18,1	729,2	12,1	813,6	12,5
2.2. Акциз солиғи	649,4	26,4	2088,8	48,6	1120,9	31,1	1359,6	27,6	1295,7	21,5	781,1	11,9
2.3. Жисмоний шахслар то- монидан бензин ва ёқил- ги ишлатилиши учун солинадиган солиқ	74,0	3,0	41,1	0,9	61,7	1,7	120,4	2,4	161,1	2,6	251,6	3,8
3. Бошқа маҳаллий солиқлар, тўловлар ва йиғимлар	1168,0	47,6	1398,7	32,6	1864,1	51,7	2559,5	51,9	3848,5	63,8	4687,8	71,7

⁶⁴ Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани Давлат солиқ инспекцияси маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилган.

Солиқ юкининг динамик ҳолатига таъсир этувчи омиллар эгри солиқлар турлари бўйича ҳам ўзаро фарқланиш хусусиятига эгадир. Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ юки ўзгаришда нархларнинг ўзгариши омили салмоқли ўринни эгалласа-да, акциз солиғи бўйича солиқ юки даражасига солиқ ставкаси фоизининг ортиши нархлар ўзгариши ҳамда акциз солиғига тортиладиган товарлар рўйхатининг (солиқ объектининг) камайиши каби омиллар таъсир этганлигини кўришимиз мумкин. Бошқа эгри солиқлар божхона божи, транспорт воситалари учун истеъмол этилган бензин, дизель ёқилғи ва газ учун солиқ даражасига эса солиқ ставкаларининг ошиши омили катта таъсир кучига эга бўлмоқда.

Республикаимиз солиқ сиёсатида солиқ юкини оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ айрим соҳа фаолияти учун қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкасининг қўлланилиши белгилаб берилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, солиқ тўловчи зиммасидаги эгри солиқлар бўйича солиқ юки миқдори бир қатор омиллар таъсирида динамик ҳолатда бўлади. Бу ҳолатни биз қўйидаги жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин (юқоридаги бетдаги 2.5.1-жадвал маълумотларига қаранг).

2.5.1-жадвал маълумотларидан шу нарса кўриниб турибдики, Чимбой тумани бюджет даромадлари 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 694,2 млн. сўмга тушиб кетганлиги салбий ҳолдир. Бунда эгри солиқлар бўйича тушумлар 67,4 фоиздан 48,3 фоизга тушиб кетганлиги катта таъсир қилган. Айниқса, акциз солиғи бўйича тушумлар салмоғининг 48,6 фоиздан 31,1 фоизга тушиб кетганлиги бюджет даромадларига таъсир ўтказган. Чимбой тумани бюджет даромадларининг кескин тушиб кетишига “Чимбой мой” АЖнинг бюджетга эгри солиқлар бўйича кам тўлаганлиги сабаб бўлган. Чунки Чимбой туманида акциз солиғи тўловчи ягона корхона “Чимбой мой”

АЖ ҳисобланади ва юқоридаги фикримизнинг тўғрилигини 2.5.2-жадвал маълумотлари тўлиқ тасдиқлайди (навбатдаги бетдаги жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларининг таҳлили шундан далолат берадики, 2006 йилга нисбатан 2007 йилда “Чимбой мой” АЖнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари 1164,8 млн. сўмга камайган (2717,9-1553,1). Натижада солиқларнинг жами тўловлар таркибидаги улуши ҳам камайиб кетган. Жумладан: ҚҚС 2006 йилда жами тўловларнинг 20,1 фоизини ташкил этган бўлса, 2007 йилда 18,1 фоизини ташкил этмоқда. Акциз солиғининг улуши 76,8 фоиздан 72,1 фоизга камайиб кетган.

Бир вақтнинг ўзида, жадвал маълумотларининг таҳлили шундан далолат берадики, 2007 йилда маҳсулот сотишдан тушган тушум 2006 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бунга сабаб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилга қараганда пасайганлиги макроиқтисодий кўрсаткичларга боғлиқдир.

Қорақалпоғистон Республикаси 2007 йил якунлари буйича 2 та корхонада саноат маҳсулотларини солиштирма нарҳда 557,3 млн. сўмга кам ишлаб чиқариб, 2006 йилга нисбатан 87,5 фоизини ташкил этади. Шундан Чимбой туманида “Чимбой мой” АЖ 417,2 млн. сўмга кам, яъни 77,3 фоизини, Хўжайли туманида “Турон-Хожели” АЖ 140,1 млн. сўмга, яъни 94,6 фоизини ташкил этади. Шунингдек, Чимбой (86,0%) туманида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш суръатини 2006 йилга нисбатан пасайишга йўл қўйилган. Бунинг асосий сабаби, тумандаги “Чимбой мой” акциядорлик жамияти томонидан 689,5 млн. сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилиб, у ўтган йилга нисбатан 75,5 фоизни ташкил этган. Саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши, асосан, хом-ашёнинг (техник чигит) етишмаслиги сабабидан деб баҳолаш мумкин. Чимбой туманидаги “Чимбой мой” АЖда 2007 йилда 16565,0 тонна пахта чигити қайта ишланиб, 2006 йилга нисбатан 5951,0

**Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани “Чимбой мой” АЖнинг
бюджетга солиқ тўловлари бўйича динамик таҳлили⁶⁵**

Кўрсаткичлар	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз
Солиқлар жами	1294,7	100	2717,9	100	1553,1	100	2395,9	100	2302,1	100	955,2	100
1. Фойда солиғи	25,0	2,0	46,8	1,7	16,9	1,1	19,6	0,8	66,1	2,9	3,9	0,4
2. Қўшилган қиймат солиғи	469,4	36,2	544,5	20,1	280,9	18,1	699,7	29,2	548,7	23,8	275,0	28,8
3. Акциз солиғи	654,3	50,5	2088,8	76,8	1120,9	72,1	1360,9	56,8	1295,7	56,3	454,1	47,5
4. Ер солиғи	4,0	0,3	4,8	0,2	8,7	0,6	9,9	0,4	17,7	0,8	13,3	1,4
5. Бошқа солиқ- лар ва тўловлар	142,0	11,0	33,0	1,2	125,7	8,1	305,8	12,8	373,9	16,2	208,9	21,9

⁶⁵ “Чимбой мой” АЖнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари асосида диссертант томонидан тузилган.

тоннага камдир⁹³.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ислохотлари амалга оширилаётган бугунги кунда солиқлар орқали қатор енгилликлар берилаётган бир пайтга корхона бюджет олдидаги тўловларининг камайиб кетганлиги салбий ҳолдир. Бунинг асосий сабаби корхонада хом-ашё ресурсларининг камайиб кетганлиги натижасида ишлаб чиқариш суръатининг кескин тушиб кетиши орқали вужудга келган.

⁹³ Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 2007 йил якунлари тўғрисида» ги ҳисоботи маълумотларидан олинди.

3-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЭГРИ СОЛИҚЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Эгри солиқларни ундириш механизмидаги муаммолар

Эгри солиқларнинг муҳим хусусиятларидан бири сифатида уларнинг фискаль-тартибловчилик хусусиятини қайд этиш лозим. Агар эгри солиқларнинг жорий этилган вақтидан бошлаб ҳозирги кунга қадар амал қилиш жараёнини таҳлил этадиган бўлсак, ушбу солиқлардан бюджет даромадларининг кўпроқ қисмини шакллантириш, бозорни, қолаверса, истеъмолни тартиблаш, шунингдек, улар орқали корхоналарнинг молиявий сиёсатини мувофиқлаштириш ҳамда миллий иқтисодийни ҳимоялаш воситаси сифатида фойдаланиб келинганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бироқ, бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда эгри солиқларнинг фискаль ва тартибловчилик хусусиятидан фойдаланиш механизмини бироз ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳозирги кунда жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз бугунги кунда эгри солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини оширишни тақозо этмоқда. Аммо, қайд этиш лозимки, эгри солиқларнинг фискаль-тартибловчилик ролига нисбатан рағбатлантирувчилик ролини ошириш, ушбу солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги улушини камайтиришни ҳамда истеъмолни тартиблаш нуқтаи назардан қўйилмаслиги лозим. Бизнинг фикримизча, эгри солиқлар асосан фискаль, тартибловчилик, рағбатлантирувчилик ва ҳимоялаш функциясини бажаради. Эгри солиқларнинг функцияларини унинг амал қилиш механизми билан боғлиқ ҳолда таҳлил этадиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, тартибловчилик функциясига нисбатан рағбатлантирувчилик функциясини аста-секин ошириш иқтисодий самара беради. Бунинг учун солиқ сиёсатини амалга ошираётганда эгри солиқлар бўйича берилган солиқ имтиёзлари механизмини қайта кўриб чиқиш керак бўлади.

Маълумки, ҳозирги кунда эгри солиқлар бўйича солиқ қонунчилигига мувофиқ берилган имтиёзлар самараси ва унинг солиқ тўловчилар фаолиятига таъсири турлича бўлиб, оқибатда солиқ имтиёзининг ижобий таъсири иқтисодий жиҳатдан салбий таъсирни келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолатни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

Биринчи ҳолат. Солиқ кодексининг 208-211-моддаларига кўра солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзларидан асосий мақсад тегишли фаолият билан шуғулланаётган корхоналарни рағбатлантириш бўлса, ўз навбатида, ушбу корхоналардан маҳсулот (хизмат, иш) сотиб олган корхоналар томонидан маҳсулотга тегишли қўшилган қиймат солиғини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига кирим қилиниши ушбу корхоналар томонидан солиқ имтиёзига эга бўлган корхоналардан маҳсулот сотиб олинниши, аниқроқ қилиб айтганда улар билан иқтисодий муносабатларга киришишини чеклаб қўймоқда. Ҳозирги кунда ҳам қўшилган қиймат солиғи бўйича берилаётган солиқ имтиёзларининг самарадорлиги даражаси пастлигининг муҳим омиллари ҳам ушбу механизм ҳисобланади. Бошқа томондан эса, материалга тегишли бўлган ва киримга олинган қўшилган қиймат солиғи суммасини сарфланган материалларга тегишли қисми эмас, балки, тўлалигича маҳсулот таннархига киритиш тартиби ҳам ушбу муаммони иқтисодий жиҳатдан мураккаблаштириб юбормоқда. Шу жиҳатдан олганда солиқ имтиёзларининг самарадорлигини таъминлашда, аввало, берилган солиқ имтиёзининг ундан фойдаланувчи орқали иккинчи солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятига салбий таъсирини камайтирувчи янги механизмни ишлаб чиқиш, шунингдек, эгри солиқларни корхонада ҳисобга олиш тартибини соддалаштиришга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи ҳолат. Эгри солиқлар, жумладан, қўшилган қиймат ва акциз солиғи бўйича берилган солиқ имтиёзларида ноллик солиқ ставкасини қўллашга нисбатан маҳсулот турини ёки фаолиятни солиқдан озод этишга устуворлик берилиши солиқ имтиёзларининг самарасини камайтиришга олиб

келаётган омиллардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, солиқ тўловчини солиқдан озод этиш юқорида таъкидлаганимиздек, ундан маҳсулот сотиб олувчи корхонага салбий таъсир этса, ноллик ставка қўлланилганда эса, истемолчи молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланади ва унинг солиқ тўловчига салбий таъсири йўқ (юзага келган тақдирда ҳам бюджет олдидаги мажбурияти ҳисобига қоплаб берилади). Шу жиҳатдан олганда бугунги кунда аҳолини солиқлар орқали ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ёғ, ун, шакар, электр энергиясига ноллик солиқ ставкасини қўллаш ўз мазмунига эга деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот ишимизда эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири асосан таннарх харажатлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, тадқиқот объектими бўлган Қорақалпоғистон Республикасидаги йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар мисолида кўрамиз. Бунда Қорақалпоғистон Республикасидаги дон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарнинг таннарх харажатларининг қиёсий таҳлилини ўрганиб чиқамиз. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги таъсири маҳсулот ишлаб чиқариш таннархида материал харажатлар ҳамда қўшилган қийматнинг улушига боғлиқ бўлади. Ушбу ҳолатни биз қўйидаги жадвалда ҳам кўришимиз мумкин (навбатдаги бетга қаранг).

Келтирилган 3.1.1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “Қорақалпоқ дон маҳсулотлари” АЖда жами таннарх харажатлари суммалари ошиб бормоқда, яъни 2010 йилда 7909,0 млн сўм бўлса 2005 йилда 5220,7 млн сўмни ташкил этган. Бунинг асосий сабабларидан бири ишлаб чиқариш моддий харажатлари суммасининг ортиб кетишидир. Кейинги 6 йил ичида ишлаб чиқариш моддий харажатлари жами таннарх харажатларига нисбатан улушида нобарқарорлик ҳолати кузатилади. Аммо 2010 йил 2005 йилга нисбатан камайиб борган. 2005 йили ишлаб чиқариш моддий харажатлари жами таннарх таркибида 87,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 85,3 фоизни ташкил қилган. Хом ашё ва материаллар учун

**Қорақалпоғистон Республикасидаги дон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар
таннарх харажатларининг қиёсий таҳлили⁹⁴**

Кўрсаткишлар	“Қорақалпоқ дон маҳсулотлари” АЖ																	
	2005 й.			2006 й.			2007 й.			2008 й.			2009 й.			2010 й.		
	млн. сўм	Жами таннархга нисба тан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажат ларига нисбатан	Млн. сўм	Жами таннарх га нисба тан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажат ларига нисбатан	Млн. сўм	Жами таннарх га нисба тан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажат ларига нисбатан	Млн. сўм	Жами таннарх га нисба тан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажат ларига нисбатан	Млн. сўм	Жами таннарх га нисба тан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажат ларига нисбатан	Млн. сўм	Жами таннарх га нисба тан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажат ларига нисбатан
Жами таннарх харажатлари:	5220,7	100	X	6466,8	100	X	7271,2	100	X	10648,7	100	X	11826,6	100	X	7909,0	100	X
Ш.Ж. ишлаб чиқариш моддий харажатлари	4574,9	87,6	100	5885,2	91,0	100	6237,8	85,8	100	9215,3	78,7	100	10573,4	84,2	100	6750,1	85,3	100
Хом ашё ва материаллар	4113,3	78,8	89,9	5230,5	80,9	88,9	5467,6	75,2	87,7	8404,7	71,8	91,2	9774,3	77,8	92,4	5617,6	71,0	83,2
Чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар	163,8	3,1	3,6	291,7	4,5	4,9	382,0	5,2	6,1	349,8	3,0	3,8	342,4	2,7	3,2	885,7	11,2	13,1
Табий хом ашё	9,6	0,2	0,2	9,5	0,1	0,2	13,8	0,2	0,2	17,0	0,1	0,2	8,0	0,1	0,1	13,5	0,2	0,2
Четдан олинadиган барча турдаги ёқилги	10,8	0,2	0,2	24,6	0,4	0,4	18,6	0,2	0,3	36,0	0,3	0,4	37,8	0,3	0,4	18,8	0,2	0,3
Харид қилинадиган барча турдаги энергия	170,1	3,5	3,7	167,3	2,6	2,8	206,0	2,8	3,3	205,7	1,8	2,2	217,3	1,7	2,1	149,6	1,9	2,2
Бошқа ишлаб чиқариш моддий харажатлари	107,1	2,1	2,3	161,6	2,5	2,7	149,8	2,1	2,4	202,0	1,7	2,2	193,6	1,5	1,8	64,9	0,8	1,0
“Тахнатош дон маҳсулотлари” АЖ																		
Жами таннарх харажатлари	6124,8	100	X	5974,3	100	X	7636,6	100	X	9485,6	100	X	13079,8	100	X	16904,9	100	X
Ш.Ж. ишлаб чиқариш моддий харажатлари	5739,1	93,7	100	5563,5	93,1	100	7090,3	92,8	100	8992,1	94,8	100	11868,5	90,7	100	15592,0	92,2	100
Хом ашё ва материаллар	5325,1	86,9	92,8	4904,4	82,1	88,2	6648,6	87,1	93,8	8683,6	91,5	96,6	9712,8	74,2	81,8	12533,9	74,1	80,4
Чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар	214,8	3,5	3,7	393,8	6,6	7,1	251,9	3,3	3,6	66,5	0,7	0,7	1165,5	8,9	9,8	1619,9	9,6	10,4
Табий хом ашё	24,1	0,4	0,4	18,0	0,3	0,3	9,6	0,1	0,1	9,7	0,1	0,1	12,0	0,1	0,1	15,2	0,1	0,1
Четдан олинadиган барча турдаги ёқилги	32,4	0,5	0,6	12,2	0,2	0,2	6,2	0,1	0,1	14,8	0,1	0,2	5,1	0,04	0,04	8,4	0,05	0,1
Харид қилинадиган барча турдаги энергия	136,7	2,2	2,4	215,7	3,6	3,9	171,2	2,2	2,4	140,7	1,5	1,6	180,2	1,4	1,5	254,2	1,5	1,6
Бошқа ишлаб чиқариш моддий харажатлари	5,8	0,1	0,1	19,3	0,3	0,3	2,7	0,03	0,04	79,6	0,8	0,9	792,9	6,1	6,7	1160,4	6,9	7,4

⁹⁴ Манба: Ушбу келтирилган корхоналарнинг Давлат статистика ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

кетган харажатлар ҳам жами таннарх харажатларида камайиб бормоқда, яъни 2005 йилда 78,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 71,0 фоизни ташкил этган, лекин ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан ўсиш тенденцияси мавжуд.

Шунингдек, “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖда ишлаб чиқариш моддий харажатлари ҳам таннарх харажатларига нисбатан кўйидагича: 2010 йил ишлаб чиқариш моддий харажатларининг салмоғи 2005 йилга нисбатан камайиб борган, яъни 2005 йилда 93,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 92,2 фоизни ташкил этган. Хом ашё ва материаллар учун кетган харажатлар ҳам таннарх харажатларида камайиб бормоқда, яъни 2005 йилда 86,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 74,1 фоизни ташкил этган, шунингдек ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан 2005 йилда 92,8 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилда 80,4 фоизни ташкил этган. Умуман олганда, дон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда хом ашё ва материаллар учун харажатлар ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан ўртача 85-94 фоиз атрофида ташкил этган.

Шунингдек, бу таҳлилларимизни Қорақалпоғистон Республикасидаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг таннарх харажатларининг қиёсий таҳлилида кўриб ўтсак, бунда кўйидаги жадвал маълумотларига таянамиз (навбатдаги бетдаги 3.1.2-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотлардан шу нарса кўринадики, “Нукусвинозаводи” АЖда ҳам таннарх харажатлари суммалари ортиб бормоқда, яъни 2010 йилда 7633,9 млн бўлган бўлса, 2005 йилда 1538,6 млн сўмни ташкил қилган. Бунинг асосий сабабларидан бири ишлаб чиқариш моддий харажатлари суммасининг ортиб кетишидир. Бу корхонада кейинги 6 йил мабойнида ишлаб чиқариш моддий харажатлари ҳам таннарх харажатларига нисбатан нобарқарорлик ҳолати кузатилади, аммо 2010 йилда 2005 йилга нисбатан камайиб борган. Масалан 2005 йилда ишлаб чиқариш моддий харажатлари ҳам таннарх таркибида 92,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда эса 89,4 фоизни ташкил этган. Хом ашё ва материаллар учун кетган харажатлар

Қорақалпоғистон Республикасидаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг таннарх харажатларининг қиёсий таҳлили⁹⁵

Кўрсаткичлар	“Нукусвинозаводи” АЖ																	
	2005 йил			2006 йил			2007 йил			2008 йил			2009 йил			2010 йил		
	Млн. сўм	Жами таннархга нисбатан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан	Млн. сўм	Жами таннархга нисбатан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан	Млн. сўм	Жами таннархга нисбатан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан	Млн. сўм	Жами таннархга нисбатан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан	Млн. сўм	Жами таннархга нисбатан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан	млн. сўм	Жами таннархга нисбатан фоиз	Ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан
Жами таннарх харажатлари	1538,6	100	X	2018,5	100	X	2691,9	100	X	3518,4	100	X	6175,9	100	X	7633,9	100	X
Ш.Ж. ишлаб чиқариш моддий харажатлари	1423,3	92,5	100	1740,7	86,2	100	2518,8	93,6	100	2967,9	84,3	100	5672,0	91,8	100	6821,7	89,4	100
Хом ашё ва материаллар	1344,7	87,4	94,4	1609,7	79,7	92,4	2183,3	81,1	86,7	2661,1	75,6	89,7	4887,3	79,1	86,2	6033,3	79,0	88,4
Чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар	9,2	0,5	0,6	19,4	1,0	1,1	156,6	5,8	6,3	12,6	0,3	0,4	384,2	6,2	6,8	334,9	4,4	4,9
Табийий хом ашё	19,3	1,3	1,4	22,5	1,1	1,3	26,0	1,0	1,1	29,2	0,8	1,0	47,7	0,8	0,8	56,1	0,7	0,8
Четдан олинадиган барча турдаги ёқилғи	8,8	0,6	0,6	14,7	0,7	0,8	30,7	1,1	1,3	48,7	1,4	1,6	35,1	0,5	0,6	5,1	0,1	0,1
Харид қилинадиган барча турдаги энергия	6,0	0,4	0,4	7,6	0,4	0,4	3,2	0,1	0,1	13,8	0,4	0,5	21,1	0,3	0,4	24,7	0,3	0,4
Бошқа ишлаб чиқариш моддий харажатлари	35,3	2,3	2,5	66,7	3,3	3,8	111,3	4,1	4,4	202,4	5,7	6,8	296,6	4,8	5,2	367,6	4,8	5,4
“Чимбой мой” АЖ																		
Жами таннарх харажатлари	1043,7	100	X	1327,4	100	X	1118,1	100	X	3030,9	100	X	3141,7	100	X	909,0	100	X
Ш.Ж. ишлаб чиқариш моддий харажатлари	855,0	81,9	100	1021,5	76,9	100	847,5	75,8	100	2316,8	76,4	100	2359,7	75,1	100	393,9	43,3	100
Хом ашё ва материаллар	689,0	66,0	80,1	798,8	60,2	78,2	597,6	53,4	70,5	1851,5	61,1	79,9	2003,7	63,8	84,9	347,9	38,3	88,3
Чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар	66,6	6,4	7,8	59,9	4,5	5,9	100,5	9,0	11,9	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Табийий хом ашё	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	20,9	0,7	0,9	22,1	2,4	5,6
Четдан олинадиган барча турдаги ёқилғи	37,2	3,6	4,4	104,1	7,8	10,2	116,4	10,4	13,7	406,4	13,4	17,5	266,7	8,5	11,3	0	0	0
Харид қилинадиган барча турдаги энергия	23,6	2,3	2,8	32,4	2,4	3,2	33,0	3,0	3,9	58,8	1,9	2,5	68,3	2,2	2,9	23,9	2,6	6,1
Бошқа ишлаб чиқариш моддий харажатлари	38,7	3,7	4,5	26,2	2,0	2,6	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

⁹⁵ Манба: Ушбу келтирилган корхоналарнинг Давлат статистика ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

жами таннарх харажатларида камайиб бормоқда, яъни 2005 йилда 87,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 79,0 фоизни ташкил этган, лекин ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан камайиш тенденцияси мавжуд.

“Чимбой мой” ОАЖда ҳам жами таннарх харажатлари суммалари ортиб борганлигини кўрса бўлади, яъни 2009 йилда 2359,7 млн сўм бўлган бўлса, 2005 йилда 855,0 млн сўмни ташкил қилган. Лекин “Чимбой мой” АЖда ишлаб чиқариш моддий харажатлари кейинги 5 йил давомида камайиб борган. 2005 йилда ишлаб чиқариш моддий харажатлари жами таннарх таркибида 81,9 фоиз бўлган бўлса, 2009 йили 75,1 фоиз бўлган. Хом ашё ва материаллар учун кетган харажатлар жами таннарх харажатларида камайиб бормоқда, яъни 2005 йилда 66,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 63,8 фоизни ташкил этган, аммо ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан ўсиш тенденцияси мавжуд, яъни 2009 йилда 84,9 фоиз бўлган бўлса, 2005 йилда 80,1 фоиз бўлган.

“Нукусвинозаводи” АЖ да хом ашё ва материаллар учун харажатлар ишлаб чиқариш моддий харажатларига нисбатан ўртача 86-93 фоиз атрофида ташкил этган бўлса, “Чимбой мой” ОАЖ да бу кўрсаткич ўртача 75-85 фоиз атрофини ташкил этган. Демак, . “Нукусвинозаводи” акциядорлик жамияти “Чимбой мой” акциядорлик жамиятига нисбатан хом ашё ва материалларга кўпроқ харажатлар сарфлайди. Сабаби, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кетадиган спирт маҳсулотларининг нархи баланд бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, юқоридаги “Қорақалпоқ дон маҳсулотлари” АЖ, “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ, “Нукусвинозаводи” АЖ ва “Чимбой мой” ОАЖ корхоналарида хом ашё ва материаллар учун сарфланадиган харажатлар жами таннархга нисбатан жуда катта бўлиб, қўшилган қиймат ҳиссаси эса жуда паст. Бундан кўринадики, ушбу корхоналар материалларга тегишли ҚҚСни таъминотчи корхонага, ўзи истъемолчи сифатида олган ҚҚС суммасига бир неча марта юқори тўлаган. Бу, албатта, корхоналарнинг

айланма маблағлари суммасига таъсир этган ҳолда, пироварида рентабеллик даражасига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Қўйидаги жадвалда ана шу 4 та ва Қорақалпоғистон Республикасидаги ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг рентабеллик даражаларининг қиёсий таҳлилларини кўриб ўтамиз (навбатдаги бетдаги 3.1.3-жадвал маълумотларига варанг).

3.1.3-жадвалда “Қорақалпоқ дон маҳсулотлари” ва “Тахиатош дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятларида рентабеллик даражаси (ялпи фойдага нисбатан) паст, аммо Беруний “Ёғгар”, “Чимбой мой” ва “Турон-Хожели” акциядорлик жамиятларида бўлса рентабеллик даражаси (ялпи фойдага нисбатан) юқори кўрсаткичга эга. “Нукусвинозаводи” АЖда рентабеллик даражаси энг юқори даражада, сабаби 10 фоиздан катта.

Ушбу жадвалда келтирилган корхоналар эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши “Нукусвинозаводи” АЖ да энг юқори бўлиб, ундан кейинги Беруний “Ёғгар” ОАЖ, “Чимбой мой” ОАЖ ва “Турон-Хожели” ОАЖлари бўлиб ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири “Нукусвинозаводи” АЖ, Беруний “Ёғгар” ОАЖ, “Чимбой мой” ОАЖ ва “Турон-Хожели” ОАЖлари акциз ва қўшилган қиймат солиқларини тўловчи корхоналар, “Қорақалпоқ дон маҳсулотлари”, “Тахиатош дон маҳсулотлари”, “Элликқалъа олтин толаси” АЖ, “Юлдуз” АЖ, “Хўжайли толаси” АЖ, “Тўрткул оқ олтини” АЖ, “Беруний пахта тозалаш заводи” АЖ ва “Халқабд момифи” АЖлари эса фақат ҚҚС ни тўловчи корхоналар бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатни исбот қилиш мақсадида 3.1.4-жадвалда (навбатдаги бетдан кейинги жадвалга қаранг) келтирилган Қорақалпоғистон Республикасидаги ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бюджетга тўловларидаги эгри ҳамда бошқа солиқ ва тўловларининг қиёсий таҳлили жадвалидан кўриб ўтсак бўлади.

3.1.4-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида шуни айтиш мумкинки, “Нукусвинозаводи” АЖ, Беруний “Ёғгар” ОАЖ, “Чимбой мой”

Қорақалпоғистон Республикасидаги ишлаб чиқарувчи корхоналар рентабеллик даражасининг қиёсий таҳлили (фоиз ҳисобида)⁹⁶

Корхонанинг номлари	2005 йил			2006 йил			2007 йил			2008 йил			2009 йил			2010 йил		
	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	Рентабеллик даражаси (таннархга нисбатан)	Рентабеллик даражаси (соф тушумга нисбатан)	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	Рентабеллик даражаси (таннархга нисбатан)	Рентабеллик даражаси (соф тушумга нисбатан)	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	Рентабеллик даражаси (таннархга нисбатан)	Рентабеллик даражаси (соф тушумга нисбатан)	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	Рентабеллик даражаси (таннархга нисбатан)	Рентабеллик даражаси (соф тушумга нисбатан)	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	Рентабеллик даражаси (таннархга нисбатан)	Рентабеллик даражаси (соф тушумга нисбатан)	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	Рентабеллик даражаси (таннархга нисбатан)	Рентабеллик даражаси (соф тушумга нисбатан)
1.«Нукус вино-заводи» АЖ	203,3	9,1	6,9	180,3	10,0	7,8	135,3	17,6	11,8	117,4	14,8	10,1	112,9	13,8	9,6	105,6	25,6	15,3
2.Беруний «Ёғгар» ОАЖ	72,9	3,0	2,9	74,4	23,0	13,8	68,2	6,1	4,7	46,8	10,6	7,8	50,3	3,6	2,9	44,7	1,5	1,2
3.«Чимбой мой» ОАЖ	84,1	3,5	2,7	137,2	15,4	10,7	93,6	3,1	2,3	52,1	4,4	3,4	41,8	9,4	6,7	53,2	6,4	4,2
4.«Турон-Хожели» ОАЖ	51,7	2,1	1,8	52,5	1,6	1,2	92,7	1,5	1,1	44,6	1,2	0,9	41,4	13,6	10,0	45,5	0,8	0,7
5.«Элликқалъа олтин толаси» АЖ	6,5	0,5	0,4	5,9	0,6	0,5	5,8	0,8	0,7	7,4	1,8	1,6	3,0	2,5	2,2	6,5	5,8	5,1
6. «Юлдуз» АЖ	4,7	1,5	0,8	4,5	0,84	0,78	2,6	0,8	0,7	3,7	1,3	1,2	0,6	1,3	1,2	10,0	1,7	1,5
7. «Хўжайли толаси» АЖ	5,8	2,1	1,9	5,5	1,8	1,6	3,7	1,9	1,7	3,7	1,9	1,6	0,6	2,8	2,4	7,2	3,8	3,2
8.«Тўрткул оқ олтини» АЖ	3,9	0,65	0,59	3,3	0,7	0,6	4,8	1,2	1,1	4,0	1,8	1,6	0,7	2,2	2,0	4,5	3,1	2,7
9.«Беруний пахта тозалаш заводи» АЖ	3,8	0,9	0,8	4,8	0,8	0,7	4,9	1,3	1,2	4,9	1,7	1,5	2,4	1,3	1,2	8,2	2,5	2,4
10.«Халқабд момифи» АЖ	4,3	0,74	0,69	6,2	1,7	1,5	2,6	1,6	1,5	5,6	1,2	1,1	0,5	4,1	3,6	0,6	2,4	2,1
11. ҚҚ дон маҳсулотлари	6,2	0,6	0,5	3,6	1,2	1,1	2,9	0,25	0,22	4,1	0,4	0,3	4,7	0,73	0,67	2,9	0,005	0,004
12.Тахиятош дон маҳсулотлари	6,1	0,41	0,39	3,9	0,6	0,5	1,2	0,51	0,47	1,8	0,04	0,03	8,9	0,06	0,05	12,0	0,1	0,08

⁹⁶ Манба: Ушбу келтирилган корхоналарнинг Молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бюджетга тўловларидаги бошқа солиқ ва тўловлар ҳамда эгри солиқларнинг қиёсий таҳлили (фоиз ҳисобида)⁹⁷ ,

Т/р №	Корхонанинг номлари	2005 йил		2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
		Бошқа солиқ ва тўловлар	Эгри солиқлар	Бошқа солиқ ва тўловлар	Эгри солиқлар	Бошқа солиқ ва тўловлар	Эгри солиқлар	Бошқа солиқ ва тўловлар	Эгри солиқлар	Бошқа солиқ ва тўловлар	Эгри солиқлар	Бошқа солиқ ва тўловлар	Эгри солиқлар
1.	«Нукус вино-заводи» АЖ	3,0	97,0	8,9	91,1	11,6	88,4	12,8	87,2	10,9	89,1	9,9	90,1
2.	Беруний «Ёғгар» ОАЖ	6,7	93,3	3,4	96,6	15,1	84,9	15,5	84,5	13,9	86,1	16,9	83,1
3.	«Чимбой мой» ОАЖ	13,3	86,7	3,1	96,9	9,8	90,2	14,0	86,0	19,9	80,1		
4.	«Турон-Ҳожели» ОАЖ	7,5	92,5	5,3	94,7	13,7	86,3	17,0	83,0	20,8	79,2	15,8	84,2
5.	«Элликқалъа олтин толаси» АЖ	32,5	67,5	19,4	80,6	17,4	82,6	37,7	62,3	65,6	34,4	58,4	41,6
6.	«Юлдуз» АЖ	38,0	62,0	21,5	78,5	50,3	49,7	60,0	40,0	88,3	11,7	39,3	60,7
7.	«Хўжайли толаси» АЖ	55,2	44,8	19,5	80,5	46,0	54,0	37,3	62,7	90,3	9,7	54,8	45,2
8.	«Тўрткул оқ олтини» АЖ	37,7	62,3	29,7	70,3	49,3	50,7	60,5	39,5	89,3	10,7	71,4	28,6
9.	«Беруний пахта тозалаш заводи» АЖ	38,5	61,5	36,9	63,1	37,4	62,6	30,1	69,9	74,8	25,2	58,6	41,4
10.	«Халқабод момифи» АЖ	29,3	70,7	55,5	44,5	50,6	49,4	42,6	57,4	91,6	8,4		
11.	ҚҚ дон маҳсулотлари	27,3	72,7	31,9	68,1	60,1	39,9	62,4	37,6	55,2	44,8	62,2	37,8
12.	Тахياتош дон маҳсулотлари	15,6	84,4	26,8	73,2	75,2	24,8	74,5	25,5	51,9	48,1	36,9	63,1

⁹⁷ Манба: Ушбу келтирилган корхоналарнинг Молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ОАЖ ва “Турон-Хожели” ОАЖларининг бюджетга тўловларида эгри солиқларнинг ҳиссаси “Қорақалпоқ дон маҳсулотлари”, “Тахиатош дон маҳсулотлари”, “Элликқалъа олтин толаси” АЖ, “Юлдуз” АЖ, “Хўжайли толаси” АЖ, “Тўрткул оқ олтини” АЖ, “Беруний пахта тозалаш заводи” АЖ ва “Халқабод момиғи” АЖларига нисбатан анча юқори бўлиб ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири “Нукусвинозаводи” АЖ, Беруний “Ёғгар” ОАЖ, “Чимбой мой” ОАЖ ва “Турон-Хожели” ОАЖларининг бюджетга тўловларида акциз солиғининг салмоғи катта бўлиб, буларни қўйидаги 3.1.5-жадвал маълумотларидан кўриб чиқса бўлади.

3.1.5-жадвал.

Қорақалпоғистон Республикаси маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳисобланган акциз солиғининг соф тушумга нисбатининг қиёсий таҳлили, (фоиз ҳисобида)⁹⁸

Т/р №	Корхоналарнинг номлари	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
		Акциз солиғи суммаси	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати	Акциз солиғи суммаси	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати	Акциз солиғи суммаси	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати	Акциз солиғи суммаси	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати	Акциз солиғи суммаси	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати	Акциз солиғи суммаси	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати
		млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз
1.	«Нукус винозаводи» АЖ	3255,4	160,4	3627,1	140,3	4169,6	103,4	4562,5	88,3	7458,1	84,4	9846,9	77,2
2.	Беруний «Ёғгар» ОАЖ	1687,9	57,0	2575,4	53,7	2432,6	51,0	2551,9	34,5	2737,1	36,3	2321,7	32,5
3.	«Чимбой мой» ОАЖ	654,3	49,0	2088,8	108,8	1120,9	74,8	1360,9	34,4	1295,7	29,4	454,1	33,2
4.	«Турон-Хожели» ОАЖ	505,2	31,4	1144,8	42,0	2678,2	80,2	1499,9	34,2	1674,4	33,3	2302,5	36,8

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, «Нукус винозаводи» АЖда рентабеллик даражаси Беруний «Ёғгар» ОАЖ, «Чимбой мой» ОАЖ ва «Турон-Хожели» ОАЖларига нисбатан анча юқори ҳисобланади. Мазкур корхоналарда акциз солиғининг соф тушумга нисбати кейинги 6 йил мобайнида пасайиш тенденциясига эга бўлди. Бунинг асосий сабабларидан бири кейинги йилларда акциз солиғининг қатъий белгиланган

⁹⁸ Манба: Ушбу келтирилган корхоналарнинг Молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ставкалари кўламининг кенгайиши ҳисобланади. Буни қўйидаги 3.1.6-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

3.1.6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган алкоголь маҳсулотлари ва ўсимлик ёғлари учун акциз солиғи ставкалари⁹⁹

Кўрсаткичлар	Алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари (сўм)	Ўсимлик ёғлари учун акциз солиғи ставкалари (сўм)
2005 йил	2660 (1 литр учун)	495000 (1 тонна учун)
2006 йил	2660 (1 литр учун)	495 000 (1 тонна учун)
2007 йил	2660 (1 литр учун)	495000 (1 тонна учун)
2008 йил	11300 (1 дал учун)	495 000 (1 тонна учун)
2009 йил	12 430 (1 дал учун)	544 500 (1 тонна учун)
2010 йил	15 538 (1 дал учун)	544 500 (1 тонна учун)

Ушбу жадвалда ўсимлик ёғлари учун акциз солиғининг ставкалари 2005 йилдан 2008 йилгача ўзгармасдан қолдирилган. Қайд этиш лозимки, эгри солиқлар механизмидаги муҳим муаммолардан бири сифатида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти таркибини белгилашдаги муаммоларни келтириш ўринлидир. Амалда солиқ кодексининг 199-моддасига асосан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти таркибига солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши, банкларнинг мол-мулкни ўз филиалларига бериши каби жараёнлар киритилган бўлиб, булар, бизнинг фикримизча, иқтисодий жихатдан ўз мазмунига эга эмас. Чунки, ушбу жараёнларнинг солиқ обороти сифатида белгиланиши солиқ тўловчининг ўз имкониятлари эвазига ишлаб

⁹⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари материаллари асосида муаллиф томонидан тузилди.

чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришни камайтиради, банкларнинг эса капиталлашувига салбий таъсир этади. Ваҳоланки, бугунги кунда банкларнинг капиталлашувини ошириш давлатимизнинг устувор иқтисодий сиёсати сифатида белгилаб олинган.

Эгри солиқларни ундириш механизмидаги муҳим муаммолардан яна бири бу уларнинг солиқ солиш базасини тўғри аниқлашдир. Агар амалдаги солиқ кодексининг 204-моддасига эътибор берадиган бўлсак, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база “...реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида”, акциз солиғи бўйича эса “...акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми” сифатида белгиланган. Бироқ, амалдаги қонунчиликка эътибор берадиган бўлсак, эгри солиқларнинг солиқ солинадиган базасини аниқлаш тартиби бир томондан солиқларнинг тамойилларига бир мунча зид келса, яъни, бир объектнинг (масалан, иш ҳақи, импорт операцияларини солиққа тортишда), бир неча марта солиққа тортилишига сабаб бўлаётган бўлса, бошқа томондан, солиқ базасини аниқлашда солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисобида солиқ базасини тўғри ҳисобга олишни мураккаблашишига, натижада эса солиқ базасини тўғри аниқлашга салбий таъсир этмоқда. Шу жиҳатдан олганда, бизнинг фикримизча, солиқ базасини бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари мазмунига мувофиқлаштириш лозим.

Бу борадаги яна бир муаммолардан бири қурилиш соҳасида қўшилган қиймат солиғини ундириш жараёни билан боғлиқдир. Маълумки, солиқ кодексининг қоидаларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича “Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир”, деб қайд этилган. Таъкидлаш ўринлики, қурилиш корхоналари қурилаётган объект

бўйича қўшилган қиймат солиғини бюджетга қурилиш ишлари битгандан сўнг тўлайдилар. Аммо, кейинги йиллардаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина объектлар бўйича қурилишда материалларнинг меъёр талабларига мувофиқ сарфланмаслиги, талон-тарож қилиниши оқибатида объектлар ишга туширилмасдан қолиб қўшилган қиймат солиғи бюджетга ундирилмасдан қолмоқда. Шунинг учун қурилиш корхоналари учун қўшилган қиймат солиғини тасдиқланган лойиҳа қийматининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда тўлаб борилишини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Эгри солиқларнинг ишлаб чиқаришга таъсирини оширишдаги яна муҳим муаммолардан бири улар орқали иқтисодий ўсишга таъсирини тўғри баҳолаш ҳисобланади. Иқтисодий ўсишга қўшилган қиймат солиғининг пасайтирувчи таъсири ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар кейинги пайтда чуқур таҳлил этишнинг асосий омиллари бўлиб қолади. Ҳақиқатан ҳам, умумий ҳолатда солиқ юкининг камайтирилиши, сўзсиз иқтисодий фаолликни кўтарилишини таъминлайди. Бироқ бевосита қўшилган қиймат солиғининг пасайишига таъсирини аниқ шароитларда пайдо бўлган иқтисодий ўсиш модели мисолида кўриб чиққан маъқул. Солиққа тортилган қўшимча қиймат айнан шу тармоққа юқори даражада қўшилган ҳисса иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга ва хом ашёга бўлган тобеликни пасайтиради. Гап шундаки, қўшилган қиймат солиғи мазмун-моҳиятан истеъмол солиғи ҳисобланади. Демак, амалда бўлиниши билан бу солиқ сотувчи (ишлаб чиқарувчи) ва харидор (истеъмолчи) ўртасида тегишли маҳсулот бўйича талаб ва таклифни аниқлайдиган, ва умуман ишлаб чиқарувчи қўшган ҳиссасини белгилайдиган омилдир. Қўшилган қиймат солиғининг пасайиши иқтисодий ўсишнинг тез ҳосиласи сифатида намоён бўлади. Қачонки, реал ишлаб чиқариш потенциал кучга яқин бўлса, солиқ мультипликаторига таяниш оқилона иш эмас. Иқтисодий ўсишнинг истиқболи ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва инсон омили билан боғлиқ.

Устига устак, ўсишга солиқ бўлмаган жиддий чекловларнинг ҳаддан ташқари кўпайиши шунга олиб келиши мумкинки, ишлаб чиқарувчининг ютуғи қўшилган қиймат солиғининг пасайишидан озгина бўлади, халос. Бундай ёндашувлар бу каби қисқаришлардан ҳеч қандай наф келтирмайди, улар ишга салбий таъсир кўрсатади. Дастлабки тўла шароитда импорт товарларга эластик таклифлар ётиқ бўлса (яъни, ўша баҳода ҳар қандай миқдорда импорт товарлар етказиб берилса) импорт товарлар билан рақобатбардош бўлган маҳаллий товарларга таклифлар баҳоси ўсиш билан кўпаяди, қўшилган қиймат солиғи ставкасининг пасайиши эса пировард натижада рақобатли шароитларни айнан импорт маҳсулотлар етказиб берувчилар учун шарт-шароитларни яхшилади – кучайтиради. Бундан ташқари, шунга эса тутиш керакки, қаттиқ бюджет сиёсати шароитида пул эмиссиясини тозалашнинг муҳим инструменти сифатида тўлов балансининг ижобий сальдоси монетизацияга чақиради, қўшилган қиймат солиғи ставкаси эса пул базаси ўсишини ва инфляцияни тегишли кўпайишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустақкам хом ашё базасини ташкил этиш зарур”¹⁰⁰, дея тўхталиб ўтдилар. Дарҳақиқат, бу ялпи ички маҳсулотнинг, ишлаб чиқаришнинг ошишига ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириши мумкин.

Қайд этиш жоизки, эгри солиқлар орқали давлатнинг солиқ сиёсати орқали бир қатор тармоқлар иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Бироқ, бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериладиган минерал ва ёқилғи мойлаш материалларига нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича ноллик ставкасининг бекор қилиниши,

¹⁰⁰ Каримов И.А. Жаҳон моливий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 45 б.

маълум иқтисодий нуқтаи назардан ўринли бўлса-да, аммо, бугунги кунда фермер хўжаликларига меҳнатни интенсив ташкил этилишига қарамасдан ўз фаолиятини зарар билан яқунлаётган хўжаликлар ҳам етарли. Бунинг сабабларидан бири сифатида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганлиги, яъни шўрланиш даражаси ошиб бораётганлиги, экинларнинг вегетацияси даврида белгиланган ҳосилдорликни олиш учун минерал ўғитлар ва техник воситаларга ёқилғи материалларининг меъёрдан ортиқ сарфланишига тўғри келаётганлигини кўрсатиш мумкин. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикасида умумий суғориладиган майдонлар ва уларнинг шўрланиш динамикаси билан танишиш бу масалага бироз ойдинлик киритади. Ушбу мақсадларга хизмат қилувчи маълумотлар 3.1.7-жадвалда келтирилмоқда.

3.1.7-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси умумий суғориладиган майдонлари ва уларнинг шўрланиш динамикасининг қиёсий таҳлили¹⁰¹

Йиллар	Умумий суғориладиган ер майдони, минг. га.	Шу жумладан, шўрланиш даражаси бўйича, га			
		Шўрланмаган	Кам шўрланган	Ўртача шўрланган	Кучли ва жуда кучли шўрланган
2005	500,1	103,1	168,4	172,0	56,6
2006	500,4	105,0	158,2	176,6	60,6
2007	504,0	107,1	154,8	182,7	59,4
2008	504,5	107,7	159,2	177,7	59,9
2009	515,2	112,5	164,3	185,1	53,3
2010	518,3	113,4	167,2	185,0	52,7

3.1.7-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, хусусан, биз тадқиқот объектимиз Қорақалпоғистон Республикаси мисолида кўрадиган бўлсак, 2005-2010 йиллар оралиғида умумий суғориладиган майдон 2005 йилга нисбатан 2010 йилда 18,2 минг гектарга ошган бўлсада, ўз навбатида шўрланган ерларнинг ҳажми 2005 йилга

¹⁰¹ Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

нисбатан 7,9 минг гектарга ошган, шўрланган ерларнинг улуши эса ўртача 78-80 фоизни ташкил этди. Ушбу таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикасида шўрланган ерларда ташкил этилаётган фермер хўжалиқларини солиқ тизими орқали рағбатлантириш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда ҳеч бўлмаганда шўрланиши даражаси ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган ер участкаларига, шунингдек, бонитети жуда паст бўлган ер участкаларига сарфланадиган минерал ўғитлар, ёқилғи материалларига ҳамда ушбу ерларни ҳайдаш билан (МТП корхоналарининг хизматига) боғлиқ хизмат турларига нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича ноллик ставкасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги солиқ кодексининг 17-бобида солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланган. Ушбу бобнинг 118-моддасида ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузганлик учун қўйидагилар белгиланган:

- қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик учун, маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммаси миқдорида ва шу сумманинг йигирма фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади;

- товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчиларга нисбатан жарима солиш қўлланилмайди ва улар қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайди.

Ҳозирги вақтда қўшилган қиймат солиғининг тўлиқ бюджетга тушмаслигининг асосий сабабларидан бири, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган интизомсиз солиқ тўловчилар томонидан бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун тўлдирилган ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғи билан кўрсатилиб келмоқда. Янги солиқ кодексига юқорида келтирилган тоифадаги солиқ тўловчиларга нисбатан таъсир

чоралари кўрилиши белгиланмаган. Ўтказилаётган текширувларда бундай солиқ тўловчиларга нисбатан жиноий ишлар кўзғатилганидан сўнг, молия-хўжалик фаолияти тўхтатиб қўйилмоқда. Бунинг оқибатида қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумни таъминлаш иложи бўлмаган боқиманда суммаси ҳосил бўлмоқда. Бюджетга ҳосил бўлган ушбу зарар ҳеч ким томонидан қоплаб берилмасдан қолмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги вазиятни 2010 йил 1 январь ҳолатига мисол тариқасида оладиган бўлсак, туманда рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатиб келган корхона раҳбарларига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан барча сабабларига кўра жиноий иш кўзғатилган. Ушбу корхоналар туркумига кирадиган ва бошқа солиқ тўловчиларга реализация қилишнинг 12 ҳолатда 17659,6 минг сўмлик қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактурада акс эттирилганлиги аниқланиб, товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчилар томонидан қўшилган қиймат солиғи бюджет билан камайтирилган солиқ суммасига қайта ҳисоб-китобни амалга оширмаганлиги сабабли бюджетга юқори кўрсатилган солиқ миқдори ундирилмай қолган.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, бозорда ўз позицияларини мустаҳкам ушлаб туриш учун маҳсулотларга бўлган бозор талабини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бозоридаги талаб ҳажми, ҳар бир маҳсулотнинг бозор баҳоси, истеъмолчилар сони, истеъмолчиларнинг диди ва афзал кўришлари, инфляция даражаси, истеъмолчиларнинг даромадлари каби омилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш зарур.

Ушбу таҳлилларни ўтказиш учун динамик моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Динамик моделлар, юқорида кўриб ўтилган омиллардан ташқари, ўрганилаётган жараёнга вақт омилининг таъсирини ҳам ҳисобга олган ҳолда ўрганишга имкон беради. Чунки, соф рақобат шароитида маҳсулотлар ва ресурслар бозоридаги ҳолатлар динамик тарзда ўзгариб

туради ва унга корхона мослашиб бориши лозим.

Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда кўпинча чизиқли кўринишдаги функциялардан фойдаланилади. Масалан,

$$y = a_0 + a_1x, \quad (3)$$

бу ерда: y - натижавий кўрсаткич;

x - таъсир этувчи омил.

Фараз қилайлик, корхонанинг соф фойдаси ва эгри солиқлар ўртасида чизиқли боғланиш ўрнатилган бўлсин.

Ушбу алоқани аниқлаш учун (3) функциядаги номаълум a_0 ва a_1 параметрларни аниқлаш зарур.

Корхонанинг соф фойдаси ва эгри солиқлар ўртасида боғланишларни аниқлашда “энг кичик квадратлар” усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, яъни,

$$S = \sum (Y - \bar{Y}_t)^2 \rightarrow \min \quad (4)$$

Чизиқли функция бўйича текисланганда

$$\bar{Y} = a_0 + a_1X$$

$$S = \sum (Y - a_0 - a_1X)^2 \rightarrow \min$$

$$\begin{cases} \frac{\partial S}{\partial a_0} = \sum 2(Y - a_0 - a_1X) \cdot (-1) = 0 \\ \frac{\partial S}{\partial a_1} = \sum 2(Y - a_0 - a_1X) \cdot (-X) = 0 \end{cases} \quad (5)$$

Бундан,

$$\begin{cases} \sum y - n \cdot a_0 - a_1 \cdot \sum X = 0 \\ \sum y \cdot X - a_0 \cdot \sum X - a_1 \cdot \sum X^2 = 0 \\ n \cdot a_0 + a_1 \cdot \sum X = \sum y \\ a_0 \cdot \sum X + a_1 \cdot \sum X^2 = \sum y \cdot X \end{cases} \quad (6)$$

Ушбу тенгламалар системасини ечиш натижасида номаълум a_0 ва a_1 параметрлар аниқланади ва қуйидаги регрессия тенгламаси ҳосил қилинади:

$$y_{хис.} = a_0 + a_1x \quad (7)$$

Юқорида келтирилганлар асосида “Қорақалпоқ дон маҳсулотлари” корхонасининг соф фойдасига қўшилган қиймат солиғи таъсир этишини ўрганиб чиқиш лозим деб топдиқ. Бунинг учун корхона соф фойдаси ва қўшилган қиймат солиғи ҳажмининг динамикасини таҳлил этиш лозим. Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳисоб-китоблар 3.1.8-жадвал маълумотларида келтирилмоқда.

3.1.8-жадвал.

“Қорқалпоқ дон маҳсулотлари” АЖ нинг соф тушумга нисбатан соф фойда ва қўшилган қиймат солиғининг динамик таҳлили¹⁰²

Йиллар	Соф тушум		Ҳ		Х ₁	
	млн сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз
2004 й.	4904,1	100	26,6	0,54	303,1	6,18
2005 й.	5921,4	100	32,3	0,55	366,9	6,20
2006 й.	7085,7	100	77,2	1,09	256,1	3,61
2007 й.	8011,5	100	18,1	0,23	232,0	2,90
2008 й.	9716,6	100	31,5	0,32	398,4	4,10
2009 й.	13677,4	100	92,1	0,67	640,7	4,68
2010 й.	7587,1	100	30,8	0,41	220,1	2,90

Бу ерда:

Ҳ – соф фойда;

Х₁ – қўшилган қиймат солиғи.

“Қорақалпоқ дон маҳсулотлари” корхонасининг соф фойдасига қўшилган қиймат солиғининг таъсири бўйича эконометрик модель қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = 0,547 - 0,0015 \cdot X$$

$$R^2 = 0,682$$

Бундан кўринадики, қўшилган қиймат солиғининг соф тушумдаги улуши 1 фоизга ошса, корхона соф фойдасининг соф тушумдаги улуши ўртача 0,0015 фоизга камайган ҳолда, аксинча ҳолатда, қўшилган қиймат солиғининг соф тушумдаги ҳиссаси 1 фоизга камайса, корхона соф фойдасининг улуши 0,0015 фоизга ортишини кўриш мумкин.

¹⁰² “Қорқалпоқ дон маҳсулотлари” АЖ нинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Детерминация коэффициенти $R^2 = 0,682$ шуни кўрсатадики, корхонанинг соф фойдаси ҳажми 68,2 фоизга қўшилган қиймат солиғига боғлиқ бўлмоқда. Қолган 31,8 фоиз таъсирлар эса моделда ҳисобга олинмаган омиллар таъсири ҳисобланади.

Ушбу жараёнларни “Чимбой мой” ОАЖ корхонаси мисолида ҳам таҳлил қилиб ўтиш мумкин. Бу маълумотлар қуйидаги 3.1.9-жадвалда акс эттирилмоқда.

3.1.9-жадвал.

“Чимбой мой” ОАЖ нинг соф тушумга нисбатан соф фойда ва эгри солиқларнинг динамик таҳлили.¹⁰³

Йиллар	Соф тушум		Y		X ₁		X ₂	
	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз
2004 й.	333,7	100	3,6	1,08	64,9	19,45	298,1	89,33
2005 й.	1336,3	100	36,7	2,75	469,4	35,13	654,3	48,96
2006 й.	1918,9	100	205,0	10,68	544,5	28,38	2088,8	108,85
2007 й.	1497,2	100	34,9	2,33	280,9	18,76	1120,9	74,87
2008 й.	3951,9	100	134,1	3,39	699,7	17,71	1360,9	34,44
2009 й.	4410,7	100	296,1	6,71	548,7	12,44	1295,7	29,38
2010 й.	1369,3	100	58,7	4,29	275,0	20,08	454,1	33,16

Бу ерда:

Y – соф фойда;

X₁ – қўшилган қиймат солиғи;

X₂ – акциз солиғи.

Моделдаги X₁ – қўшилган қиймат солиғи (соф тушумдаги улуши), X₂ – акциз солиғи (соф тушумдаги улуши).

“Чимбой мой” корхонасининг соф фойдасига эгри солиқларнинг таъсири бўйича эконометрик модель қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = 6,094 - 0,024 \cdot X_1 - 0,016 \cdot X_2$$

$$R^2 = 0,721$$


Демак, қўшилган қиймат солиғининг соф тушумдаги ҳиссаси 1 фоизга ошса, корхона соф фойдасининг соф тушумдаги ҳиссаси ўртача 0,024 фоизга (2,6 млн. сўмга) камаяди ва акциз солиғининг соф тушумдаги ҳиссаси 1

¹⁰³ «Чимбой мой» ОАЖнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

фоизга ошса, соф фойданинг соф тушумдаги хиссаси 0,016 фоизга (1,8 млн. сўмга) камаяди.

Детерминация коэффиценти $R^2 = 0,721$ шуни кўрсатадики, корхонанинг соф фойдаси ҳажми 72,1 фоизга қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғига боғлиқ экан. Қолган 27,9 фоиз таъсирлар эса модельда ҳисобга олинмаган омиллар таъсири ҳисобланади.

Юқоридаги тартибда энди “Нукусвинозаводи” АЖнинг соф фойдасига эгри солиқларнинг таъсири динамикасини кўриб чиқамиз. Буни график усулда куйидагича ифодалаш мумкин (3.1.1-расм).



3.1.1-расм. “Нукус винозаводи” АЖ нинг соф фойдасига эгри солиқларнинг таъсири динамикаси¹⁰⁴

“Нукусвинозаводи” АЖ корхонасининг соф фойдасига эгри солиқларнинг таъсири

бўйича эконометрик $Y = 33,806 - 1,291 \cdot X_1 + 0,181 \cdot X_2$

модель куйидаги кўринишга эга:

$$R^2 = 0,579$$


¹⁰⁴ “Нукус винозаводи” АЖнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Модельдаги X_1 – қўшилган қиймат солиғи (соф тушмдаги улуши), X_2 – акциз солиғи (соф тушмдаги улуши).

Демак, қўшилган қиймат солиғининг соф тушумдаги ҳиссаси 1 фоизга ошса, корхона соф фойдасининг соф тушумдаги ҳиссаси ўртача 1,291 фоизга камайар экан ва акциз солиғининг соф тушумдаги ҳиссаси 1 фоизга ошса, соф фойданинг соф тушумдаги ҳиссаси ўртача 0,181 фоизга ортар экан. Бунинг асосий сабабларидан бири, акциз солиғининг соф тушумдаги улуши камайиб борганлиги, шунингдек, акциз солиғи ставкаларининг 2003-2007 йилларда катъий белгиланганлиги ва 2008 йилдан бошлаб эса камайиб боришидир.

Детерминация коэффиценти $R^2=0,579$ шунини кўрсатадики, корхонанинг соф фойдаси ҳажми 57,9 фоизга қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғига боғлиқ бўлмоқда. Қолган 42,1 фоиз таъсирлар эса модельда ҳисобга олинмаган омиллар таъсири ҳисобланади.

Худди юқоридаги тарзда ушбу масалани “Халқабад момиғи” АЖ мисолида ҳам кўриб чиқишимиз мумкин (3.1.2-расм).



3.1.2-расм. “Халқабад момиғи” АЖнинг соф фойдасига қўшилган қиймат солиғининг таъсири динамикаси¹⁰⁵

¹⁰⁵ “Халқабад момиғи” АЖнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томоонидан тузилган.

“Халқабад момиги” корхонасининг соф фойдасига эгри солиқларнинг таъсири бўйича эконометрик модель кўйидаги кўринишга эга:

$$Y = 2,77 - 0,306 \cdot X$$

$$R^2 = 0,546$$

Демак, эгри солиқларнинг (ҚҚС) корхона соф тушумидаги ҳиссаси 1 фоизга ошса, корхона соф фойдасининг соф тушумдаги ҳиссаси ўртача 0,306 фоизга камайиб, аксинча ҳолатда эса, яъни эгри солиқларнинг (ҚҚС) ҳиссаси 1 фоизга камайса, корхона соф фойдасининг ҳиссаси 0,306 фоизга ортмоқда.

Детерминация коэффиценти $R^2=0,546$ шунини кўрсатадики, корхонанинг соф фойдаси ҳажми 54,6 фоизга эгри солиқларга боғлиқ экан. Қолган 45,4 фоиз таъсирлар эса модельда ҳисобга олинмаган омиллар таъсири ҳисобланади.

3.2. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда эгри солиқларни самарали фойдаланиш йўллари

Амалга оширилган илмий тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича, эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсири турлича юз беради. Эгри солиқлар кўпроқ солиқларнинг тартибловчилик хусусиятини юзага чиқарса-да, шу билан биргаликда, улар рағбатлантирувчилик хусусиятига ҳам эгадир. Эгри солиқларнинг рағбатлантирувчилик хусусияти худди моҳияти сингари эгри шаклда бўлади. Қайд этиш жоизки, эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатидан излаш ўзининг иқтисодий маъносига эга. Давлатнинг ана шу сиёсати орқали эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсири кўйидаги шаклларда мавжуд бўлади:

Биринчидан, Республикамиз ҳудудларининг социал-иқтисодий ривожланиши турличалиги боис ва унинг оқибатида маҳаллий бюджетларнинг даромад имкониятлари ҳам фарқланади. Бироқ, давлат ўз

иқтисодий сиёсати орқали бюджетлараро муносабатларини мувофиқлаштиради, яъни, бир қатор умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмаларни амалга оширади. Бу жараёнда эса эгри солиқлар жумласига кирувчи ҚҚС ва акциз солиғидан ҳам кенг фойдаланиб келинмоқда.

Иккинчидан, эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсири “Ноллик” солиқ ставкасини қўллаш механизми орқали амалга оширилади. Маълумки, ҳозирги кунда қўшилган қиймат солиғи бўйича айрим хизмат турларига нисбатан ноллик солиқ ставкаси қўлланилишидан мақсад алоҳида олинган солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришишдан иборатдир.

Эгри солиқлардан ҳудудларнинг молиявий ресурсларини қўпайтириш мақсадида қолдирилаётган ажратмалар шу ҳудудда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имконият яратадики, бу тўғридан-тўғри эмас, балки, бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштириш орқали юз беради. Маълумки, ҳозирги шароитида умумдавлат, жумладан, эгри солиқлардан маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида қуйи бюджетларга ажратмалар қилиб келинмоқда. Эгри солиқлар жумласига кирувчи акциз солиғининг айрим маҳсулот турлари бўйича ундириладиган солиқ суммаларидан маҳаллий бюджетларга ажратмалар Жизззах, Навоий вилоятларидан ташқари барча ҳудудлар доирасида амалга оширилмоқда. Хусусан, тадқиқот объектимиз ҳисобланган Қорақолпоғистон Республикаси маҳаллий бюджетига акциз солиғининг алкоголь маҳсулотидан олиншини лозим бўлган солиқ суммасининг 50 фоиз қолдирилиши белгилаб қўйилган¹⁰⁶.

Буни қўйидаги 3.2.1-жадвал маълумотларидан ҳам кўrsa бўлади. Ушбу жадвал маълумотларидан шуни айтиш мумкинки, алкоголь маҳсулотларидан

¹⁰⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1449-сонли қарорининг 27-илоvasи.

олинадиган акциз солиғининг суммасининг 50 фоиз миқдори маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисми бўлиб ҳисобланади.

3.2.1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларидаги умумдавлат солиқлари тушумлари тақсимланишининг таҳлили (фоиз ҳисобида)¹⁰⁷

Кўрсаткичлар		2005	2006	2007	2008	2009	2010
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи		100	100	100	100	100	100
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан яғона солиқ тўлови		100	100	100	100	100	100
Микрофирмалар ва кичик корхоналари томонидан яғона солиқ тўлови		100	100	100	100	100	100
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад содиғи		100	100	100	100	100	100
Қўшилган қиймат солиғи		100	100	100	100	100	100
Акциз солиғи	Бензин учун солиқ	-	-	-	-	-	-
	Дизель ёнилғиси учун солиқ	-	-	-	-	-	-
	Авиация ёнилғиси учун солиқ	-	-	-	-	-	-
	Алькоголь маҳсулотлари учун солиқ	50	50	50	50	50	50
Ер қаъридан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ ва махсус тўловлар		-	-	-	100	100	100

Қорақалпоғистон Республикаси солиқлар ва мажбурий тўловларнинг маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисмининг қиёсий таҳлилини кўйидаги жадвалдан кўриб чиқамиз (3.2.2-жадвалга қаранг).

Бу жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида шуни айтиш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисми 2005-2010 йиллар давомида жами солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг 94-96 фоизини ташкил этмоқда. Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш лозимки, ресурс

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ нинг кейинги 6 йиллик Қарорлари асосида тузилди.

тўловлари ва мулк солиқлари олдинги йилларида қазилма бойликларидан фойдаланганлиги учун солиқ маҳаллий бюджет ихтиёрига қолдирилмаган бўлса-да, кейинги 2 йилда давомида тўлиқ ҳолда маҳаллий

Қорақалпоғистон Республикасида солиқлар ва мажбурий тўловлар маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисмининг қиёсий таҳлили¹⁰⁸

Кўрсаткичлар		2005 йил		2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
		жами	Қоладиган қисми	жами	Қоладиган қисми	жами	Қоладиган қисми	жами	Қоладиган қисми	жами	Қоладиган қисми	жами	Қоладиган қисми
Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	млрд. сўмда	56,1	53,7	77,6	73,0	111,9	96,4	147,2	139,5	186,6	179,6	255,3	244,7
	фоизда	100	95,8	100	94,0	100	86,1	100	94,7	100	96,2	100	95,8
Тўғри солиқлар	млрд. сўмда	23,6	23,6	30,8	30,8	43,1	43,1	66,2	66,2	83,9	83,9	99,6	99,6
	фоизда	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Эгри солиқлар	млрд. сўмда	19,1	18,2	31,1	29,5	40,7	36,4	48,6	42,5	63,2	58,0	92,8	84,9
	фоизда	100	95,2	100	94,7	100	89,3	100	87,5	100	91,8	100	91,5
Қўшилган қиймат солиғи	млрд. сўмда	11,1	11088,1	17,8	17,8	24,7	24,7	29,6	29,6	42,3	42,3	64,4	64,4
	фоизда	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Акциз солиғи	млрд. сўмда	7,0	6,0	11,1	9,4	12,6	8,3	13,8	7,7	14,6	9,4	18,2	10,3
	фоизда	100	86,7	100	85,2	100	65,9	100	55,8	100	64,4	100	56,6
Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғи ва газ ишлатганлик учун солиқ	млрд. сўмда	1,0	1050,4	2,3	2,3	3,4	3,4	5,2	5,2	6,3	6,3	10,2	10,2
	фоизда	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	млрд. сўмда	10,5	9,4	12,0	10,0	21,9	14,3	26,6	26,6	31,6	31,6	48,7	48,7
	фоизда	100	89,9	100	83,3	100	65,3	100	100	100	100	100	100
Бошқа солиқлар ва йиғимлар	млрд. сўмда	2,9	2,5	3,7	2,7	6,2	2,6	5,8	4,2	7,9	6,1	14,2	11,5
	фоизда	100	86,8	100	73,4	100	41,9	100	72,4	100	77,2	100	81,0

¹⁰⁸ Манба: Қорақалпоғистон Республикаси солиқ бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг йил якуни ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

бюджет ихтиёрига қолдирилмоқда. Шу сабабдан, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиқларига тегишли бўлган бу кўрсаткичнинг кейинги йиллардаги даражаси 100 фоизни ташкил этмоқда. Бу ўринда эгри солиқларнинг маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисмдаги ҳиссаси ҳам 90-95 фоизни ташкил этиб, бунинг кўпчилик миқдори акциз солиғи ҳисобига тўғри келишини ҳам қайд этмоқ жоиз. Бир вақтнинг ўзида, акциз солиғининг маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисмидаги ҳиссаси кейинги 6 йилда камайиб борганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим. Бунинг асосий сабаби алкоголь маҳсулотлари учун олинадиган акциз солиғи ҳиссасининг катта эканлигидир.

Бирок, таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, эгри солиқлардан маҳаллий бюджетларга ажратмалар бериш орқали ҳудудларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлашнинг ҳозирги механизми ҳудудларнинг реал молиявий имкониятларини оширишга нотекис таъсирга эга бўлиб қолмоқда. Тадқиқот объекти бўлган Қорақолпоғистон Республикаси мисолида кўрадиган бўлсак, ушбу ҳудудга алкоголь маҳсулотлардан олинадиган акциз солиғи суммасининг 50 фоизи, агар, буни 2010 йил мисолида кўрадиган бўлсак, 18,2 млрд. сўмлик акциз солиғининг 10,3 млрд. сўмлиги маҳаллий бюджетга қолдирилган. Аммо, бу ҳолатни бошқа ҳудудлар мисолида таҳлил этадиган бўлсак, масалан, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ушбу солиқ тури бўйича маҳаллий бюджетларга қолдирилаётган солиқ суммалари миқдори гарчи, бу ҳудудлар Қорақолпоғистон Республикасига нисбатан иқтисодий ривожланиши юқорироқ бўлса-да, солиқ суммалари ҳам кўпроқдир. Ваҳоланки, эгри солиқлардан маҳаллий бюджетларга ажратмалар қилинаётганда асосий мезон уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиш керак.

Қорақолпоғистон Республикасида эгри солиқларнинг ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини таъминлашга таъсири бошқа ҳудудларга нисбатан пастроқ бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби эса таҳлил натижаларига асосланиб айтадиган бўлсак, ажратмалар фоизи бир хил бўлишига қарамай

солиқ тўловчилар сонининг миқдорига бориб тақалади. Бизнинг фикримизча, Қорақалпоғистон Республикасида алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан бошқа акциз ости товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини кўпайтиришга аҳамият бериш керак. Бундан ташқари, ушбу Республикага алкоголь маҳсулотларини реализация қилишдан тушаётган акциз солиғи суммаси ажратмаларини тўлиғи билан қолдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бир вақтнинг ўзида, фикримизча, ушбу ҳудудда янги ишга тушаётган акциз солиғи тўловчиси бўлиб ҳисобланадиган корхоналарни камида 5 йилга тежаб қолинган маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш шарти билан ушбу солиқдан имтиёзлар бериш лозим.

Бунинг асосий сабабларидан бири, Қорақалпоғистон Республикаси дотация ва субвенция билан яшовчи ҳудуд бўлиб ҳисобланади. Шу муносабат билан қуйида бюджет даромадларининг қиёсий таҳлили жадвалини кўриб ўтамиз.

3.2.3-жадвал.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларининг қиёсий таҳлили¹⁰⁹

Кўрсаткичлар	2005 йил		2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
	млрд. сўм	фоиз	млрд. сўм	фоиз	млрд. сўм	фоиз	млрд. сўм	фоиз	млрд. сўм	фоиз	млрд. сўм	фоиз
Бюджет даромадлари, жами	123,1	100	160,0	100	217,8	100	262,7	100	378,1	100	512,9	100
Шу жумладан, маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисми	53,7	43,6	73,0	45,6	96,4	44,3	139,5	53,1	179,6	47,5	244,7	47,7
Субвенция	27,9	22,7	41,0	25,6	68,1	31,2	98,1	37,3	129,3	34,2	159,8	31,1
Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушуми жами	56,1	45,6	77,6	48,5	111,9	51,4	147,2	56,0	186,6	49,3	255,3	49,8

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бюджет даромадлари суммалари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, улар 2010 йилда

¹⁰⁹ Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг йил якуни ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2009 йилга нисбатан 134,8 (512,9 – 378,1) млрд. сўмга ортган. Субвенция суммаси ҳам кейинги 5 йилликда ошиб бормоқда, хусусан, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 136,2 фоизга ортган. Шунингдек, субвенциянинг бюджет даромадларидаги ҳиссаси ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2010 йил 2005 йилга нисбатан 3,2 мартага ортиб кетган. Маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисми 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 65,1 (244,7-179,6) млрд. сўмга ортган бўлиб, аммо бюджет даромадларидаги ҳиссаси 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 5,4 пунктга камайган. Кейинги 5 йилликда маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисмининг бюджет даромадларидаги ҳиссаси учун нобарқарорлик тенденцияси мавжуд. Буларни, ўз навбатида, юқоридаги келтирилган ва Қорақалпоғистон Республикасидаги солиқлар ва мажбурий тўловларнинг маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисмининг қиёсий таҳлили характерловчи жадвалдан кўришимиз мумкин (навбатдаги бетдаги 3.2.4-жадвалга қаранг). Бунда асосий эътиборни Қорақалпоғистон Республикасидаги солиқлар ва мажбурий тўловларнинг маҳаллий бюджет боқиманда суммаларидаги қисмининг қиёсий таҳлилини амалга оширишга алоҳида эътибор берамиз.

3.2.4-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларида маҳаллий бюджет боқиманда суммалари йилдан-йилга ортиб бормоқда, хусусан, унинг даражаси 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 136,1 фоизга ортган, 2010 йилда эса, аксинча, 2009 йилга нисбатан 10,0 фоизга камайган. Шу жумладан, ҚҚС ҳиссаси катта бўлиб, 2010 йил 23,5 фоизни ташкил этиб, 2005 йилга нисбатан 2,8 пунктга ортган.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, қўшилган қиймат солиғидан берилаётган солиқ имтиёзларига нисбатан ушбу солиқ тури бўйича қўлланилаётган ноллик солиқ ставкасининг ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширишга таъсири, биринчидан, тўғридан-тўғри бўлса, иккинчидан, унинг таъсири ижобий ва кўпроқдир. Шундан келиб чиқиб, бизнингча, эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга

Қорақалпоғистон Республикаси солиқлар ва мажбурий тўловларининг маҳаллий бюджет боқиманда суммаларидаги қисмининг қиёсий таҳлили¹¹⁰

Кўрсаткичлар	2005 йил		2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз
Маҳаллий бюджетга боқиманда суммалари	5577,9	100	6584,5	100	7241,9	100	9110,7	100	12396,7	100	11163,0	100
Қўшилган қиймат солиғи	1155,4	20,7	1377,0	20,9	1538,7	21,2	1444,4	15,8	2802,2	22,6	2629,4	23,5
Акциз солиғи	53,7	1,0	53,4	0,8	53,5	0,7	0,5	0,005	0,5	0,004	0,4	0,003
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	694,6	12,4	856,7	13,0	332,8	4,6	166,8	1,8	134,2	1,1	154,3	1,4
Мол-мулк солиғи	535,7	9,6	634,5	9,6	557,1	7,7	632,1	6,9	702,1	5,7	818,6	7,3
Ер солиғи	1142,1	20,5	1905,6	28,9	2836,7	39,2	4163,4	45,7	4744,9	38,3	4112,5	36,8
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	4,3	0,1	3,8	0,06	1,8	0,02	2,7	0,03	2,8	0,02	3,9	0,03
Ер қаъридан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқлар ва махсус тўловлар	18,1	0,3	20,5	0,3	5,7	0,1	9,4	0,1	25,1	0,2	20,2	0,2
Тадбиркорлардан ягона солиқ тўлови	931,1	16,7	875,6	13,3	235,3	3,2	-	-	-	-	-	-
Бошқалар	1042,9	18,7	857,4	13,0	1680,3	23,2	2691,4	29,5	3984,9	32,1	3423,7	30,7

¹¹⁰ Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг йил якуни ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

таъсирини кенгайтиришда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқдан озод этиш принципига нисбатан ноллик солиқ ставкасини қўллашни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Буни қўйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (навбатдаги бетдаги 3.2.5-жадвалга қаранг).

3.2.5-жадвалда келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, “Халқабод момиғи” АЖда жами тўланган солиқлар ичида қўшилган қиймат солиғи катта улушни эгаллаган. Яъни, ушбу солиқ бўйича солиқ тушумлари 2005 йилда 70,7 фоиз ташкил этган бўлса, 2010 йилда 7,9 фоизни ташкил этган ҳолда унинг ҳиссаси камайиб борган. Лекин фойда солиғи ҳиссаси ортиб борган бўлиб, 2005 йилда 0,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 11,2 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабаблардан бири, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрь ЎРҚ–196-сонли қонунига асосан Солиқ кодексининг 212-моддасида экспорт реализациясига нисбатан пахта толаси чет эл валютасига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкалар қўлланилиши жорий этилди. Иккинчидан, корхонанинг асосий маҳсулоти экспортга йўналтирилганлиги ва экспорт операциялари бўйича қўшилган қиймат солиғининг ноллик ставкаси қўлланилиши оқибатида корхона тўлаган ҚҚС солиғи суммаси камайиб борганлиги билан изоҳланади. Шу билан биргаликда корхонанинг оладиган фойда суммаси ҳам йиллар давомида ортиб борган ва шунга мос равишда корхонанинг фойда солиғи суммаси ҳам ортиб борган. Бу ерда яна бир нарсани ҳам кўриш мумкинки, амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ экспортга реализация қилинган товарлар бўйича нолли ставкани қўллашда ушбу товарларни ишлаб чиқариш учун сарф этилган хом ашё метариалларга тегишли қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш экспортга реализация қилинган товар учун ҳақиқатда келиб тушган валюта тушумининг улушидан келиб чиқиб аниқланади. Мазкур ҳолат, биринчидан, экспортёр корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини рағбатлантирмайди, ва иккинчидан, қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларда

“Халқабад момиғи” АЖнинг бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича динамик таҳлили¹¹¹

Кўрсаткичлар	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз	млн. сўм	фоиз
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	6217,3	X	4940,7	X	13254,7	X	13219,2	X	18812,2	X	17768,6	X
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) - ларнинг таннархи	5770,1	X	4459,5	X	11989,4	X	14555,7	X	16435,8	X	15619,9	X
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	447,2	X	481,2	X	1265,3	X	1663,5	X	2376,4	X	2148,7	X
Солиқлар ва тўловлар жами:	375,9	100	689,3	100	705,8	100	1579,1	100	1228,2	100	1303,1	100
1. Фойда солиғи	3,3	0,9	11,4	1,6	9,0	1,3	40,7	2,6	145,5	11,8	145,5	11,2
2. Кўшилган қиймат солиғи	265,8	70,7	306,5	44,5	348,4	49,4	907,0	57,4	102,7	8,3	102,7	7,9
3. Мол мулк солиғи	4,5	1,2	3,3	0,5	7,0	1,0	18,2	1,1	4,3	0,4	23,0	1,7
4. Ер солиғи	20,3	5,4	37,8	5,5	59,3	8,3	107,1	6,8	225,5	18,4	224,9	17,2
5. Бошқа солиқлар ва тўловлар	82,0	21,8	330,3	47,9	282,1	40,0	506,1	32,1	750,2	61,1	807,0	61,9

¹¹¹ “Халқабад момиғи” АЖнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Шундан келиб чиқиб, экспортёр корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида экспортга реализация қилинган товарлар бўйича нолли ставкани қўллашда келиб тушган валюта тушумидан қатъий назар ушбу товарларни ишлаб чиқариш учун сарф этилган хом ашё метариалларга тегишли қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Буни қўйидаги шартли мисол ёрдамида кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз (3.2.6 жадвал).

3.2.6-жадвал

**Экспортёр корхоналарда ҚҚС миқдорини ҳисобга олишни
такомиллаштириш таклифига шартли мисол¹¹²**

т/р	Кўрсаткичлар	Миқдори	ҚҚС
1.	Экспортга реализация қилинган товарлар, минг долларда	100,0	-
2.	Ш.ж. ҳисоб рақамига келиб тушган валюта маблағлари миқдори, минг долларда	60,0	-
3.	Келиб тушган валюта маблағларининг жами экспортдаги улуши, фоизда	60 %	X
4.	Экспорт қилинган товарлар учун сарф этилган хом ашёлар миқдори, минг долларда	50,0	10,0
5.	Ҳисобот даврида ҳисобга олинган ҚҚС суммаси, минг долларда (4 қатор X 3 қатор)	30,0	6,0
6.	Таклиф этилаётган вариантда ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммаси, минг долларда	50,0	10,0

Демак, хулоса қилиш мумкинки, корхоналарнинг экспорт салоҳияти ошса, ўз навбатида, эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсири бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда биз тадқиқот объекти бўлган Қорақалпоғистон Республикасида корхоналарининг экспорт салоҳиятини ва унинг корхоналарнинг ишлаб чиқаришга таъсирини таҳлил қилишни лозим деб топдик. Таҳлил натижалари 3.2.7-жадвалда келтирилмоқда (навбатдаги бетга қаранг).

¹¹² Ишлаб чиқилган таклиф асосида муаллиф томонидан шартли birlikларда ҳисобланган.

**Қорақалпоғистон Республикаси ташқи савдо айланмаси
бўйича динамик таҳлил¹¹³**

Кўрсаткичлар	2005 йил		2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 й.	
	минг. АҚШ доллари	фоиз	минг. АҚШ доллари	фоиз	минг. АҚШ доллари	фоиз	минг. АҚШ доллари	фоиз	минг. АҚШ доллари	фоиз	минг. АҚШ доллари	фоиз
Ташқи савдо айланмаси - жами:	85502,7	х	85636,8	х	120469,4	х	130944,6	х	132024,4	х	115426,2	х
Экспорт	58167,3	х	64205,1	х	103755,8	х	100151,6	х	93761,2	х	90852,7	х
Импорт	27335,4	х	21431,7	х	16713,6	х	30793,0	х	38263,2	х	24573,5	х
Экспорт таркиби:		100		100		100		100		100		100
Пахта толаси	50117,5	86,2	54492,2	84,9	70418,4	67,8	61200,8	61,1	50260,1	53,6	63036,0	69,4
Озиқ -овқат маҳсулотлари	911,8	1,5	2195,2	3,4	2037,1	2,0	2178,7	2,2	2888,7	3,1	4421,8	4,8
Бошқада экспорт маҳсулотлари	7138,0	12,3	7517,7	11,7	31300,3	30,2	36772,1	36,7	40612,4	43,3	23394,9	25,7

¹¹³ Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг “Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида”ги Ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Жадвалдан кўринадики, 2007 йил якунида республиканинг ташқи савдо айланмаси 120469,4 минг АҚШ долларини, яъни 2006 йилга нисбатан 139,1 фоизни ташкил этган. Жумладан, экспорт ҳажми 103755,8 минг АҚШ долларини ташкил қилиб, 2006 йилга нисбатан 61,6 фоизга ошган, импорт эса 16713,6 минг АҚШ долларини ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 25,4 фоизга камайган.

Пахта толаси жами экспорт товарлари ичида асосий ўринни эгаллаб, унинг улуши 67,9 фоизни ташкил қилган ва ўтган йилга нисбатан 17,0 фоизга камайган. Бунинг асосий сабаби энергия ресурслари экспортининг Республика экспортидаги улуши ўтган йилга нисбатан 3,4 фоиздан 22,2 фоизга ошганлиги ҳисобланади.

2010 йилда асосий экспортчи корхоналар қаторига Амударё туманида “Юлдуз” АЖ (13 524,6 минг АҚШ доллари), Тўрткул туманида “Тўрткул оқ олтин” АЖ (10 192,5 минг АҚШ доллари), “Хожели толаси” АЖ (11 100,4 минг АҚШ доллари) ва Эллиққалъа туманида “Эллиққалъа олтин толаси” АЖ (10 228,5 минг АҚШ доллари) кабилар кирган. Пахта толаси жами экспорт товарлари таркибида асосий ўринни эгаллаб, унинг улуши 69,4 фоизни ташкил қилган.

Эгри солиқларнинг солиқ тизимидаги аҳамиятини оширишда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу жараёнда мамлакат солиқ тизимида тўғри ва эгри солиқлар нисбатини таъминлаш нуқатаи-назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Бунда, албатта, тўғри ва эгри солиқларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари эътиборга олиниши лозим. Тўғри ва эгри солиқлар нисбатини оптимал даражасини танлашда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатлари ўртасида мувофиқликка эришиш, шу билан бирга давлат бюджети даромадларини камаймаслигини таъминлаш лозим. Бу муаммони ечишда ҳорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш, албатта ўринли. Лекин, авваламбор, ҳозирги босқичда республикамиздаги солиқлар борасидаги вазиятни таҳлил қилиб чиқиш керак бўлади.

Солиққа тортиш тизимининг нақадар тўғри ва адолатли ташкил килинганлигини солиқ юки аниқлаб беради. Ўз навбатида, солиқ юки даражасини қуйидаги омиллар белгилаб беради:

- солиқ ва турли мажбурий тўловлар сони;
- уларнинг ставкалари даражаси;
- солиқ базасининг кенг ёки торлиги.

Ушбу омиллардан бирининг камайиши (ўсиши) бошқа омиллар ўзгармагандагина солиқ юкининг камайиши (ўсиши)га таъсир этиши мумкин. Айтайлик, солиқ ставкалари камайтирилса-ю, солиқлар сони кўпайса ёки солиқ объекти элементлари кенгайтирилса, солиқ ставкасининг пасайтирилиши ҳеч қандай натижа бермайди ва солиқ юки ўзгармайди. Солиқ юкининг ишлаб чиқилиши ва истеъмолчилар ўртасида тақсимланиши дейилганда, алоҳида олинган маҳсулотнинг (иш, хизмат) охириги истеъмол қийматига киритилган барча солиқлар ва йиғимларнинг қанча қисми истеъмолчи зиммасига (эгри солиқ сифатида) ва қанчаси ишлаб чиқарувчи (сотувчи) фойдаси ҳисобидан тўланаётганлиги назарда тутилади.

Ғарб иқтисодчилари Макконнел К.Р. ва Брю С.Л. “Экономикс” да солиқ юкининг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида тақсимланиши талаб ва таклифнинг эластик ёки ноэластик эканлигига боғлиқлигини таҳлил этган. Улар фикрича, талаб ва таклиф тенг бўлган шароитда янги ўрнатилган эгри солиқ ёки унинг оширилган ставкаси ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида тенг тақсимланади. Бунинг сабаби шундаки, агар янги ўрнатилган солиқ тўлиқ харидор зиммасига юкланса, маҳсулот реализациясининг кескин камайишига, бинобарин ишлаб чиқарувчи даромадининг пасайишига олиб келади. Шу туфайли маҳсулот сотувчилари эгри солиқларнинг бир қисмини ўз зиммасига олиш эвазига реализацияни бир маромда сақлашга ва шу орқали даромадларнинг кескин камайишидан сақланишга ҳаракат қиладилар. Солиқ юкининг бундай тақсимланишига қуйидаги омиллар:

- 1) маҳсулот турининг биринчи зарурат эканлиги ёки зарурат эмаслиги;

2) маълум бир даврда айни бир маҳсулотнинг расм бўлганлиги туфайли талабнинг ошиши;

3) мазкур товарнинг ўрнини босувчи бошқа товарларнинг мавжудлиги;

4) ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат ҳам таъсир этади.

Эгри солиқлар, асосан ҚҚС ва акцизлар тўлалигича истеъмолчи зиммасига тўғри келади. Лекин улар ишлаб чиқарувчи фаолиятига икки жиҳатдан таъсир этади:

- солиқ суммалари корхона ҳисоб рақамига пул ҳали келиб тушмасидан тўланади;

- эгри солиқлар нархларни максимал даражага етказиб, сотиш ҳажмини камайтиради.

Юқорида кўриб ўтилганидек, кўпчилик хорижий давлатларда солиқ юкининг нархларга ва истеъмолга таъсирини камайтириш мақсадида ҚҚСнинг табақалашган ставкалари қўлланилади. Бунда биринчи истеъмол товарлари учун имтиёзли ёки ноллик ставка қўлланилади. Солиқ юкини муқобиллаштиришнинг яна бир йўли - бу корхоналар нархларни нисбатан пасайтириб, эгри солиқларнинг бир қисмини ўз зиммаларига оладилар ва бу орқали сотиш ҳажмини оширишлари мумкин.

3.3. Эгри солиқлар бўйича солиқ юкини соддалаштириш тартиби

Ҳар қандай мамлакатда қандай солиқ сиёсати юритилаётгани ва солиққа тортиш соҳасидаги чора-тадбирлар қанчалик самарали эканлиги кўп жиҳатдан иқтисодий ислохотларнинг характери ва динамикасини белгилайди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган давлат молиявий сиёсати ўтиш даври билан боғлиқ бўлган тангликларни тезроқ бартараф этиш, макроиқтисодий барқарорлик ва ўсишни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашдан иборат бўлган вазифаларни бажаришга қаратилгандир. Кейинги йилларда, жамиятимизда давлат тамонидан олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги эркинлаштириш сиёсати солиқлар тизимини ҳам ҳар томонлама эркинлаштиришга шароит яратмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш вазифаси алоҳида эътироф этилган. Бу вазифанинг бажарилиши кўп жиҳатдан солиқ сиёсатини такомиллаштиришда илмий асосланган тавсияларнинг ишлаб чиқилиши муҳимдир. Мамлакатимизда солиқ тизимини ривожлантиришда унинг рағбатлантириш вазифасидан самарали фойдаланишни талаб этади, бунда солиқлар воситасида корхоналарнинг фаолиятини рағбатлантириш ва натижада улар иқтисодий фаоллигини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки корхоналарнинг иқтисодий фаоллигининг ривожланиши бир томондан, унинг иқтисодий юксалишига, даромадларининг ошишига олиб келса, иккинчи томондан, солиқ тўловчи сифатида солиққа тортиладиган базанинг кенгайишига олиб келади ва бу охир оқибатда бюджет даромадларининг ошишининг келтириб чиқаради.

Эгри солиқларнинг юридик жиҳатдан тўловчилари маҳсулот (иш, хизмат)ни ортган (бажарган) корхоналар ҳисобланади. Лекин умумий қоида бўйича улар солиқнинг бирор сўмини ҳам ўз даромадларидан тўламайдилар. Солиқ суммасини сотилган (ортилган) маҳсулот (иш, хизмат) қиймати устига қўйиб уни истеъмол қилувчидан ундириб олади ва ўзи сотиб олган маҳсулотга тегишли солиқ суммасини чегириб ташлаб фарқини бюджетга ўтказади.

Демак, эгри солиқлар келиб чиқиши моҳиятига кўра солиқнинг юридик тўловчисига нисбатан бетарафдир, бинобарин унинг фаолияти молиявий натижасига таъсир этмаслиги керак. Бироқ, қисман бўлса-да, корхоналарнинг молиявий имкониятига таъсир этади. Аммо солиқ бошқа имтиёзларидан фойдаланиш масаласини ўртага қўйиш керак. Масалан бюджетдан уларга мақсадли ва адресли субсидия бериш ва бошқа ҳар икки томонга ҳам қулайлик яратадиган вариантларни қўллашни тақозо этади. Бу фикрларнинг амалиётда қўлланилиши эса эгри солиқлар моҳиятини ифодалайди, уларни ўз

ўрнида тўлиқ ишлатиш имконини беради ва бюджетга солиқларнинг тўлиқ тушишини таъминлайди.

Эгри солиқларнинг юки пировардида истеъмолчига бориб тушади, деб ҳисоблаш нотўғридир. Биринчидан, эгри солиқларнинг ўсиши товарнинг нархини оширади, бу эса ўз навбатида, сотиб олувчи корхоналар талабининг қисқаришига ставкалари паст бўлса, бу таъсир ҳам унча қийинчилик яратмасдан корхонанинг бюджет олдидаги ҳиссасини бировз кўпайтиради. Сабаби ҚҚС корхона олган аниқ даромадни тўғридан-тўғри қисқартирмайди. Шу нуқтаи назардан олганда бу солиқ амалиётда ишлатилганда маҳсулот сотувчи, иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи корхона учун нисбатан яхши. Уни қуйидаги мисол билан тушунтирамиз. Масалан: “А” корхона “Б” корхонага, айтайлик, 100 минг сўмлик маҳсулот ортди. ҚҚС ставкаси 20 фоиз бўлганда “Б” корхонадан жами 120 минг сўм ундириб олади. Унинг 20 минг сўми ҚҚС суммасидир. Бирок “А” корхонанинг ўзи шу 100 минг сўмлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун “Г” корхонадан 50 минг сўмга маҳсулот сотиб олган ва энергетика ташкилотларига 10 минг сўм энергия ҳақи тўлаган. Аини пайтда маҳсулот етказган корхонага ва энергетика корхонасига 12 минг сўм ҚҚС тўлаган $((50 \text{ Қ } 10) \times 20 : 100)$. Шу тўланган сумма ўзи ундириб олган 20 минг сўмдан ҳисобга олиниб, давлат бюджетига “А” корхона 8 минг сўм ҚҚС тўлайди.

Демак, “А” корхона ўз даромадидан бир сўм ҳам ҚҚС суммасини тўламаган. Бу умумий ҳол эгри солиқ моҳиятини тўлиқ очиб турибди ва жаҳон солиқ амалиётига мос келади.

Аммо бизнинг солиқ қонунчилигимизда қуйидаги юридик шахсларга ҚҚСдан имтиёз берилган, яъни улар бюджетга ҚҚС тўлашдан озод этилган:

- ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар;
- ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари;
- ялпи даромаддан солиқ тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

- корхонанинг умумий ишловчилари таркибида 50 фоизи ногиронлар бўлган корхоналар ва бошқалар.

Тўғри, бу тадбир солиқларни ихчамлаштириш мақсадида амалга оширилганда ҚҚС ни ҳам тўланмайдиган қилиб белгиланган. Лекин, бизнинг фикримизча, бу ерда бир тарафламаликка йўл қўйилган. Яъни юқоридаги юридик шахслар бюджетга ҚҚСни тўламайдилар. Маҳсулот (иш, хизмат) етказувчиларга эса тўлайдилар. Агар ҳақиқатан ҳам кичик бизнес ва бошқа тадбиркорларни рағбатлантириш зарур бўлса, уларга нисбатан ҳам ҚҚСнинг nolли ставкасини қўллаб солиқдан тамомила озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлади ёки тўланган солиқни ҳисобга олиш зарур. Тилга олинган юридик шахсларни ҚҚСдан тўлиқ озод этиш билан, яъни уларга 30 дан кўпроқ маҳсулот (иш хизмат) турлари бўйича имтиёзлар берилиб корхоналар иши анча кўпайтирилган. Бу ерда имтиёз олмоқчи бўлган корхона имтиёзга тегишли хизмат, иш, маҳсулот тури бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисобини юритиши керак.

Ишлар, хизматлар, маҳсулотлар турларига имтиёзлар бериш ҚҚС моҳиятига мос келмайди. Бундай имтиёздан бюджетга ҳам корхонага ҳам наф йўқ. Аксинча, бу нарса, бизнинг назаримизда, корхонанинг молиявий аҳволига салбий таъсир этади.

Имтиёзга эга корхоналар маҳсулот етказувчилардан олган товарлар (ишлар, хизматлар)га тўлаган ҚҚС суммасини тўлалигича ишлаб чиқариш харажатларига қўшишга мажбур бўладилар. Чунки ҳисобга олиш мумкин эмас. Натижада уларнинг маҳсулотлари қиймати 20 ёки 15 фоизга ошиб, корхона даромадини камайтиради. Демак, бундай ҳолатларда ҚҚСнинг бетарафлик тамойили бузилиб, у ҳам тўғри солиқларга ўхшаб қолмоқда. Бу эса корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларини ёмонлаштиради. Шу боис эгри солиқлардан умуман имтиёз керакми, деган саволни атрофлича ўйлаб кўришга тўғри келади. Бизнинг фикримизча, ҚҚСдан имтиёзларнинг ҳожати йўқ. Чунки, улар корхоналарнинг молиявий ишларини чалкаштиради. Бу ўринда корхона ҚҚСдан имтиёз олганга қараганда солиқ тўласа имтиёзга эга бўлади. Агар бу ерда маҳсулот (иш, хизмат)

ортган, сотган корхонани эмас, истеъмолчи манфаатини ўйлайдиган бўлсак, олиб келади. Натижада таклиф мос равишда қисқаради, бу эса реал (ҳақиқий) солиқ базасининг камайишига олиб келади. Иккинчидан, давлат томонидан ишлаб чиқариш соҳасидаги молиявий қийинчиликлар даврида эгри солиқларнинг ҳаддан ортиқ бўлиши солиқ юки тўланмаган ҳисоб тўловлари ва бюджетга тушмаган тушумларнинг кўпайишига олиб келади.

Шу сабабли эгри солиқ юкини товарларни аҳолига реализация қилишда истеъмол солиғини (сотишдан солиқ) киритиш мақсадга мувофиқ. Биринчидан, истеъмол солиғини киритиш одилона солиққа тортиш тамойилларига жавоб беради. Шунингдек, ўз навбатида, истеъмолнинг юқори суръати орқали катта солиқ тушумига эришилади. Иккинчидан, истеъмол солиғи бошқа тўғри ва эгри солиқларнинг йўқотишларини қоплаши мумкин.

ҚҚС энг жиддий таҳлил ва оптималлаштиришни талаб қилади, чунки у, биринчидан, корхона-ишлаб чиқарувчининг оралиқ истеъмол товарлари жараёнида нархни оширади. Иккинчидан, тамойилан икки ёқлама солиққа тортишни назарда тутди (солиққа қўшилган қиймат - иш ҳақи, фойда тортилади). Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

-ҚҚС ставкасини кейинги йилларда 18 фоиз тушириш ва аста-секин ҚҚСни табақалашган солиққа тортишга ўтиш (масалан, ижтимоий муҳим товар ва хизматлар учун ставкани пасайтириш, бир вақтнинг ўзида, бошқа товарлар учун эса ставкани ошириш);

-ҚҚСни солиққа тортиладиган базаси ичидан акциз солиғи ва божхона божларини чиқариб ташлаш. Истеъмол солиқларининг киритилиши адолатлилик тамойилига тўғри келади, чунки юқори даромадли аҳоли қатлами истеъмол даражасининг юқорилигига мувофиқ юқори солиқ суммасини тўлайди. Иккинчидан, истеъмол солиғи бошқа тўғри ва эгри солиқларнинг пасайган қисмини қоплаши лозим.

Ўрганилаётган муаммони таҳлил қилиш жараёнида бюджет ва солиқ тизимлари соҳасидаги қонунчилик тизимини ҳам такомиллаштириш зарур

эканлиги яққол кўзга ташланади. Гарчи, 2007 йил декабр ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бюджет ва солиқ тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш асосларини белгилаб берса-да, улар ўртасида айрим бир-бирини инкор этувчи зиддиятлар мавжудки, бу зиддиятлар ўрганилаётган муаммони ҳал этишда салбий таъсир кўрсатади. Чунки бюджет сиёсати ва солиқ сиёсатини бир-биридан ажратиб қўйиш мумкин эмас.

Бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлигига эришиш, бюджет ижроси жараёнини такомиллаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига мос келадиган бюджет тизимини яратиш учун меъёрий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш зарур.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ЯИМга нисбатан солиқларни бюджетга жалб этишнинг аниқ меъёрий чегаралари шакллантирилган. Бу чегара ўртача 20-22 фоизни ташкил этади. Бизнинг республикамизда ҳам ушбу меъёрий чегара даражасига эришиш ва барқарор ҳолатда сақлаб туриш лозим. Бунинг учун бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича чуқур таркибий ўзгаришлар ва ислохотларни амалга ошириш зарур. Хусусан, бюджет даромадларини шакллантириш жараёнини такомиллаштириш мақсадида:

- солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, соддалаштириш, уларга қонуний аниқлик киритиш, солиқ ставкаларини пасайтириш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш;

- солиқ имтиёзларини реал тарзда қайта кўриб чиқиш, самарасиз имтиёзлардан воз кечиш;

- солиққа оид жиноятчиликка қарши курашда кескин чоралар қўллаш ва бошқалар.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ва бюджет-солиқ сиёсатининг асосий мақсадларидан бири мамлакатда ишлаб чиқарувчилар ўртасида эркин рақобатни юзага келтириш орқали ички

бозорни тўйинтириш ҳисобланди. Аммо, бизнинг фикримизча, солиқ сиёсатининг имтиёзли йўналишлари бу мақсадни баъзан инкор этишини кузатамиз, яъни бир тармоқдаги икки хўжалик юритувчи субъектнинг бирига имтиёз бериш орқали, иккинчисининг имкониятларини камайтириб қўйиш мумкин. Шунинг учун имтиёзларни белгилашда асосий омил қилиб тармоқ хусусиятини олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу эса бир тармоқ ичида эркин рақобатни ва нархлар тенглигини таъминлайди.

Иқтисодиётдаги солиқ юкини баҳолаш амалий аҳамиятга эга бўлиб, солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволига таъсир қилувчи ҳамма фискаль омилларни ҳисобга олади.

Эгри солиқларнинг юки охириги истеъмолчи зиммасига тушади, деб бир томонлама фикр юритиш нотўғри ҳисобланади. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, эгри солиқларнинг ўсиши товар нархининг ўсишига олиб келади ва, ўз навбатида, товарга талаб қисқаради. Натижада таклиф ҳам камаяди ва бу реал(физик) солиққа тортиладиган базанинг камайишига олиб келади;

- иккинчидан, талаб ва таклифнинг камайиши оқибатида корхонани фойдаси ҳам камаяди, бу эса бошқа солиққа тортиш базаларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади;

- учинчидан, республикада қўлланилаётган ва оралиқ ишлаб чиқариш истеъмоли босқичида ҳисобланадиган эгри солиқлар юкининг ҳаддан зиёд ошиши иқтисодиётнинг реал секторида қийин молиявий аҳволи пайтида корхоналарнинг бюджет олдидаги қарзларининг ошиши-га олиб келади.

Шунинг учун эгри солиқлар сонининг қисман аҳолига товарларни сотиш босқичида, яъни охириги истеъмол даврида истеъмол солиғини (сотишдан солиқ) киритилиши орқали амалга ошириш ижобий самара бериши мумкин. Биринчидан, бундай истеъмол солиғининг киритилиши адолат тамойилига тўғри келади, чунки юқори даромадли аҳоли қатлами

истеъмол даражасининг юқорилигига мувофиқ кўпроқ солиқ суммасини тўлайди, юридик шахсларнинг эгри солиқлар бўйича бюджет олдида қарзлари юзага келиши қисқаради. Шунингдек, истеъмол солиғи бошқа тўғри ва эгри солиқларнинг пасайган қисмини қоплаши лозим.

Давлат молиясини стратегик тахминлаштиришда фискаль ва иқтисодий функцияларнинг мувофиқлигини таъминлаш заруриятдан келиб чиқиб, солиқ турлари, солиқ ставкалари, имтиёзлар тизимини ва харажатлар таркиби ва тузилиши ҳамда улар самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагилар таклиф қилинади:

-қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш механизмининг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш, имтиёзларни қайтадан кўриб чиқиш ва мазкур солиқ бўйича табақалаштирилган солиқ ставкаларини жорий қилиш керак, деб ўйлаймиз;

-акциз солиғи кўпгина мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам қўлланилмоқда. Аммо акциз солиғини унинг асосий тамойилларидан келиб чиқиб қўлланилиши, яъни нархлар даражасининг ўзгариши истеъмолга бўлган талабга таъсир ўтказмайдиган товарларга: безак буюмлари, аҳолининг бойлик даражасини белгилаб берувчи товарлар, инсон ва жамият соғлиғи учун зарарли товарларга қўлланилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биринчи даражали истеъмол товарлари: пахта ёғи, хўжалик совуни, гуруч ва бошқа маҳсулотлар учун акциз солиғининг жорий қилиниши бюджетнинг ижтимоий йўналтирилганлигига зиддир.

3.4. Эгри солиқлар орқали солиқ тўловчилар фаолиятин рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтириш масалалари

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда албатта солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, унификация қилиш, солиқ юқини камайтириш масалалари муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, аҳоли дарамодларини оширишда доимий равишда солиқ юкини босқичма –босқич камайтириш кенг равишда амалга оширилаётган муҳим тадбирлардан биридир. Сўнги йилларда солиқлар ва тўловларни бирхиллаштириш, содалаштириш, солиққа тортиш механизмларининг ошкоралигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга доир хўжалик субъектлари фаолиятини содалаштиришда, солиқ мажбуриятларининг бажарилишини самарали назарот қилишда кўл келмоқда, бу солиқ тизимини халқаро меъёрлар ва андозаларга мослаштириш зарурати билан бевосита боғлиқ.

Эгри солиқлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига билвосита таъсир кўрсатади. Солиқларнинг билвосита шаклларига аҳамият берадиган бўлсак, эгри солиқлар таркибига кирувчи солиқларни истъемолчи зиммасига тўғридан-тўғри ўтишини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг корхона молиявий аҳволига таъсири сезиларсиздек кўринади, яъни солиқ юки истъемолчилар зиммасига тушади, лекин улар товарларнинг нархини ошиб кетишига сабаб бўлади. Эгри солиқлар эса корхона молиявий аҳволига таъсир кўрсатади, яъни солиқ юки хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, Республика ички бозорин ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш ва уни ташқи бозор тазийиқларидан ҳимоялаш мақсадида ҳукуматимиз солиқ тизими орқали бир қанча ислохотларни олиб бормоқда. Корхоналарнинг фаолиятини солиқлар воситасида англаса бўлади.

Иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида молия-хўжалик тизимидаги институционал ислохотлар миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида кузатилаётган молиявий инқироз шароитида мамлакатда олиб борилаётган солиқ сиёсати, хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий

фаолияти барқарорлиги ҳамда уларни келгусида ишлаб чиқариш салоҳиятини барқарор ҳолатини белгилаб берадиган асосий иқтисодий омиллардан бири ҳисобланади.

3.4.1-жадвал

2011 йил 1 январ ҳолатига акциз солиғи бўйича тўловларнинг давлат бюджетига тушуми тўғрисида таҳлили⁶⁶

Ойлар	Режа	Тушуми	Фоиз	Фарқи
Январ	494,3	621,0	125,6	+126,7
Феврал	643,3	621,0	96,5	-22,3
Март	862,4	850,0	98,6	-12,4
1-чорак	2000,0	2092,0	104,6	92,0
Апрел	859,0	806,0	93,8	-53,0
Май	780,8	833,0	106,7	52,1
Июн	833,3	840,0	100,8	6,7
2-чорак	2473,2	2479,0	100,2	5,8
Июл	766,0	900,0	117,5	134,0
Август	764,8	980,0	128,1	215,2
Сентябр	869,1	820,0	94,3	-49,2
3-чорак	2400,0	2700,0	112,5	300,0
Октябр	756,0	815,0	107,8	59,0
Ноябр	818,3	800,0	97,8	-18,3
Декабр	825,7	858,0	103,9	32,3
4-чорак	2400,0	2473,0	103,0	73,0
ЖАМИ:	9273,2	9744,0	105,1	470,8

“Нукус винозаводи” акциядорлик жамиятида акциз солиғи ойлар бўйича тўловларининг давлат бюджетига тушуми тўғрисидаги ҳисобатларни таҳлилин кўриб ўтамиз.

⁶⁶ “Нукус винозаводи” акциядорлик жамиятида 2011 йил 1 январ ҳолатига акциз солиғи бўйича тўловларнинг давлат бюджетига тушуми тўғрисида маълумот.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан айтиш мумкинки, тушумларнинг режага нисбатан 1-чорақда акциз солиғи суммалари фарқи 92,0 млн сўмга, 2-чорақда 5,8 млн сўмга, 3-чорақда 300,0 млн сўмга ва 4-чорақда 73,0 млн сўмга ортиғи билан бюджетга тўлаган. Жами бюджетга тўлови натижасида 470,8 млн сўмга ортиқ бажарган. Шунингдек, тушумларнинг режага нисбатан қиёсий таҳлилини кўрадиган бўлсак, 1-чорақда 104,6 фоизга, 2-чорақда 100,2 фоизга, 112,5 фоизга, 3-чорақда, 4-чорақда 103,0 фоизга ва жами бюджетга тўлови 105,1 фоизга ортиғи билан бажарилган. Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, феврал, март, апрел, сентябр ва ноябр ойларида тушумлар режага нисбатан кам, лекин бошқа ойларида ортиғи билан бажарилган. Сабаби, шу ойларида акциз солиғи бўйича давлат бюджетига тўловлари режалари юқори бўлган.

Шу билан биргаликда “Нукус винозаводи” акциядорлик жамиятида кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича ҳисоб-китобини қўйидаги жадвалдан кўриб ўтамиз.

Қўйидаги жадвалдан кўришиб турибдики, бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўйича ҚҚС суммасидан ҳисобга олинадиган жами ҚҚС суммаси айирмасига тенг бўлар экан.

Эгри солиқлар хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари нуқтаи-назаридан ҳам аҳамиятга эгадир. Бу нарса эгри солиқларнинг хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллигини тартибга солишдаги роли орқали намоён бўлади. Эгри солиқлар хўжалик юритувчи субъектларнинг рентабеллик даражасини тартибга солишда муҳим дастак бўлганлиги учун соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектлар учун эгри солиқларнинг аҳамияти ушбу солиқларни ундириш жараёнида солиқ юкининг бир қисмини ишлаб чиқарувчилардан истъемолчиларга ўтказилиши орқали ҳам намоён бўлади. Бир вақтнинг ўзида эгри солиқлар истъемолни маълум даражада чеклашда алоҳида аҳамият касб этади.

**“Нукус винозаводи” акциядорлик жамиятининг 2010 йил якуни
бўйича қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳисоб-китоби⁶⁷**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
Ҳисобот даврида ҳисобга олинadиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси (2-илованинг 050-сатри)	010	1365186,4
Аввалги солиқ даврида экспортга реализация қилинган товарлар бўйича тушум жорий солиқ даврида келиб тушуши муносабати билан ҳисобга олинadиган ҚҚС суммаси (3-илованинг 050-сатри)	020	0
Ҳисобга олинadиган жами ҚҚС суммаси (010-сатр+020-сатр)	030	1365186,4
Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўйича ҚҚС суммаси (4-илованинг 010-сатр 4-устун)	040	5051591,6
Бюджетга тўланадиган (камайтирилган) ҚҚС суммаси (040-сатр – 030-сатр)	050	3686405,2

Мамлакатимизнинг стратегик мақсадларига биноан эгри солиқлар олдига юқорида қайд этилган бир қанча муҳим вазифалар қўйилган ва улар бўйича самарали ислохотлар олиб борилаётган бўлса-да, лекин ҳозирча мазкур вазифалар тўлиқ уддаланаяпти, деб бўлмайди. Шунинг учун мамлакатнинг стратегик интилишларига монанд ҳолда солиқлар тизимини такомиллаштиришнинг пишиқ, мукаммал лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни барчага эълон қилиш лозим. Бизнингча ушбу стратегик лойиҳа – умумжамят миқёсида даромадларнинг ошиб боришини рағбатлантирадиган эгри солиқлар нисбатини оптималлаштириш ҳамда шу асосда солиқлар тизимини такомиллаштириш лойиҳаси бўлиши мумкин. Мазкур лойиҳани янада жадаллаштириш асосида хўжалик юритувчи субъектларни ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш ва бунинг натижаси ўлароқ аҳолига келгусида янада янги иш ўринларини барпо этиш мумкин.

⁶⁷ “Нукус винозаводи” акциядорлик жамиятида 2011 йил 1 январ ҳолатига қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳисоб-китоби.

Бизнинг фикримизча, эгри солиқлар буйича қўйидаги тавсиларни қўлаш мақсадга мувофиқ:

- эгри солиқлар орқали солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятига таъсири натижасида ишлаб чиқариш жараёнининг самарасини оширишга эришилади ҳамда эгри солиқларнинг рағбатлантирувчилик хусусиятини оширишга имкон яратади;

- эгри солиқлар буйича солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини оқилона тақсимлаш ва бу орқали бошқа солиқ турлари буйича ҳам солиқ юкини адолатли ўрнатишга эришилади;

- солиқ тўловчилардан эгри солиқларни бюджетга ундириш механизми соддалаштирилади.

Ҳозирги даврда иқтисодиётни еркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида бозор иқтисодиётига мос равишда ривожланиши солиқлар, солиқ тизими ҳамда солиқ сиёсатида чуқур ўзгаришлар бўлишини талаб этади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиққа тортиш тизимида корхоналар зиммасига тушаётган солиқ юкининг оптимал даражасин аниқлаш масаласи ҳамийша долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Сабаби, иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир этувчи солиқлар орқали давлат ўларнинг фаолиятин чеклаши ёки мақсадли таризда рағбатлантириши мумкин. Сабаби, солиқлар давлатнинг барча йўналишидаги фаолияти учун зарур бўлган асосий манбалардан бири бўлиб, у ҳукуматнинг олдинги йўналишларин ривожлантириш буйича амалга оширишдаги асосий восита.

Эгри солиқлар хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига билвосита таъсир кўрсатади. Солиқларнинг билвосита шакллари аҳамият берадиган бўлса, эгри солиқлар таркибига кирувчи солиқларнинг истъемолчи зиммасига тўғридан-тўғри ўтишин ҳисобга оладиган бўлсақ, ўларнинг корхонанинг молиявий аҳволига ҳам таъсири сезиларсиздек кўринади, яъни солиқ юки истъемолчилар зиммасига тушади, лекин ўлар товарларнинг баҳосининг ўсишига сабаб бўлади. Эгри солиқлар бўлса корхонани молиявий

ҳолатига таъсир кўрсатади, яъни солиқ юки хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушади.

Шунингдек, истъмомчиларнинг ижтимоий аҳволин ҳисобга олган ҳолда, айирим товар (иш, хизматлар)ларга эгри солиқларни оптимал тақсимлаш лозим. Масалан, Россия Федерациясида қўшилган қиймат солиғи 18 фоиз, 10 фоиз ва 0 фоизли ставкалар белгиланган. 0 фоизли ставка – товар (иш ва хизматлар)ларнинг айирим турларига; 10 фоизли ставка – озиқ-овқатларга, болалар товар (иш ва хизматлар)ларига ва медицина товар (иш ва хизматлар)ларина; 20 фоизли ставка бўлса товар (иш ва хизматлар)ларнинг бошқа турларига қўлланилади⁶⁸.

Эгри солиқлар хўжалик юритувчи субъектлари манфаатларида ҳам қатта аҳамиятга эга. Бу эса эгри солиқларнинг хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллигин тартибга солишдаги роли орқали кўринади. Эгри солиқлар хўжалик юритувчи субъектларнинг рентабеллик даражасин тартибга солишда зарурли восита бўлганлиги учун мустаҳкам рақобат муҳитин шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Хўжалик юритувчи субъектлар учун эгри солиқларнинг аҳамияти бу солиқларни ўндириш жараёнида солиқ юкининг бир қисмин ишлаб чиқарувчилардан истъмомчиларга ўтказилиши орқали ҳам тасвирланади. Бир вақтнинг ўзида эгри солиқлар истъмомли маълум даражада чеклашда алоҳида аҳамиятни фойда этади.

Мамлакатимизнинг стратегик мақсадларига мувофиқ эгри солиқлар бўйича бир қанча вазифалар қўйилган ва ўлар бўйича натижали ислоҳатлар олиб борилмоқта, аммо ҳозирги пайтда бу вазифалар тўлиқ амалга оширилмоқта деб айтиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам давлатнинг стратегик интилишлари моҳ равешта солиқлар тизимин такомиллаштиришнинг пишкан, етук лойиҳасин ишлаб чиқиш ва ўни ҳаммага жорий этиш керак. Бизнингча, бу стратегик лойиҳа – умумий жамият даражасидаги дароматларнинг ўсишин рағбатлантирадиган эгри солиқлар нисбатин оптималлаштириш ҳамда бу асосида солиқлар тизимин такомиллаштириш

⁶⁸ www.nalog.ru – интернет сайти маълумотлари.

лойихаси бўлиши шарт. Бу лойиҳани янада жаддалаштириш асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш ва унинг натижасида янги иш ўринларини яратиш имкониятини бериши мумкин.

Хулоса қилиб айтганимизда, эгри солиқлар бўйича қўйидаги фикрларимизни билдирамыз:

-эгри солиқлар орқали солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятига таъсири натижасида ишлаб чиқариш жараёнининг натижасин оширишга интилиш ҳамда эгри солиқларнинг рағбатлантириш функциясининг орттишига имконият яратиш;

- эгри солиқлар бўйича солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини оптимал тақсимлаш ва бу орқали бошқа солиқ турлари бўйича ҳам солиқ юкини адолатли ўрнатиш;

-солиқ тўловчилардан эгри солиқларни бюджетга ўндириш механизмини оддийлаштириш лозим деб ҳисоблаймыз.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Диссертация ишида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Солиқ турларини тўғри ва эгри солиқларга бўлишнинг мезони солиқларнинг иқтисодий моҳияти бўлса, бошқа томондан мажбурий тўловлар сифатида ундирилаётган солиқ объектларининг ҳолати ва ҳаракатини аниқлаш ҳисобланади.

2. Моҳияти жиҳатидан олиб қараганда хўжалик юритувчи субъектлардан мажбурий тўловлар бюджет тизимининг бўғинларига келиб тушсада, бироқ, уларнинг келиб тушиш жараёни турлича кўринишда бўлади. Бунинг сабаби фикримизча, биринчидан, корхона(фирма)ларнинг турлича хўжалик юритиш ва хўжалик операцияларининг мазмунидан келиб чиқса; иккинчидан, солиқ турларининг эгри ва тўғри гуруҳларга ажратилиши мажбурий тўловларнинг солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолияти якунидан; учинчидан, солиқларнинг фискаллик хусусияти анча фарқланади.

3. Тадқиқот ишида иқтисодиётни солиқлар воситасида тартиблашда эгри солиқлар қуйидаги афзалликларга эга эканлиги аниқланди: эгри солиқлар орқали хўжалик юритувчи субъектлардан кўпроқ солиқ ундириш имкониятининг мавжудлиги орқали молиявий ресурслар бошқарилади. Юқори даромад олаётган ёки бозорда муайян даражада мавқега эга бўлган солиқ тўловчилар молиявий ресурсининг бир қисми марказлашган пул фондига олинади ва у бошқа жамият учун муҳим бўлган товар ишлаб чиқарувчига дотация, санациялаш сифатида ўтказилиб, иқтисодиёт субъектларининг амал қилиш ҳолати ва уларнинг таркибини тартибга солиш имконияти яратилади; эгри солиқлар орқали давлат иқтисодиётга макро ва микро даражада аралаштириш имкониятига эга бўлади. Макродаражада тартиблашда давлат акциз солиғи ва божхона божи орқали истеъмол таркибига таъсир этади, капитал оқимининг йўналишини ўзгартириш имкониятига эга бўлади, миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни хорижий маҳсулотлар интервенциясидан

асрайди, акциз солиғи ва божхона божи ставкаларини ўзгартириш орқали мамлакатнинг импорт ва экспорт операцияларини, товарларнинг транзит ва миллий ҳудуддан ўтишини тартибга солади.

4. Тўғри солиқлардан фарқли равишда эгри солиқлар солиқ тўловчилар фаолиятини оз миқдорда рағбатлантириш имкониятига эга. Бу ҳолат асосан қўшилган қиймат солиғи бўйича ноллик ставкаси қўлланишида кўринади.

Тадқиқот ишида эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Маълумки, юклаб жўнатилган маҳсулот солиқ объекти сифатида тан олинади. Бироқ, бизнинг фикримизча, бундай тартиб бир томондан, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ортишига сабаб бўлаётган бўлса, бошқа томондан, истеъмолчи томонидан маҳсулот учун тўловнинг ўз вақтида тўлаб берилмаслиги туфайли сотувчи (солиқ тўловчи) корхонанинг бюджетга ўз вақтида тўланмаган эгри (қўшилган қиймат) солиқлар бўйича асоссиз пеня тўлашга олиб келмоқдаки ва бу, солиқларнинг адолатлилик тамойилига зид ҳолат ҳисобланади. Фикримизча ушбу ҳолат бўйича солиқ объекти сифатида юклаб жўнатилган товарнинг қиймати эмас, балки, ҳақиқатда келиб тушган пул тушумларини белгилаш лозим ва маҳсулот сотувчи корхона учун истеъмолчидан тўлов қобилияти хусусидаги аудиторлик хулосасини талаб этиш ва унинг бир нусхасини шартнома билан банк муассасасига тақдим этишни мажбурий тартибда ўрнатиш зарур деб ҳисоблаймиз.

2. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикаси шўрланган ҳудудларида ташкил этилаётган фермер хўжаликларини солиқ тизими орқали рағбатлантириш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда ҳеч бўлмаганда шўрланиши даражаси ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган ер участкаларига, шунингдек, бонитети жуда паст бўлган ер участкаларига сарфланадиган минерал ўғитлар, ёқилғи материалларига ҳамда ушбу ерларни ҳайдаш билан (МТП корхоналарининг хизматига) боғлиқ хизмат

турларига нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича ноллик ставкасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

3. Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ экспорт товарлари бўйича нолли ставкани қўллашда ушбу товарларни ишлаб чиқариш учун сарф этилган хомашё метариалларига тегишли қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олишда экспортга чиқарилган товар учун ҳақиқатда келиб тушган валюта тушуми улуши ҳисобидан аниқланади. Мазкур ҳолат биринчидан, экспорт қилувчи корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини рағбатлантирмайди, иккинчидан, қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларда мураккабликларни келтириб чиқаради. Шундан келиб чиқиб, экспорт қилувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида экспорт қилинган товарлар бўйича нолли ставкани қўллашда келиб тушган валюта тушумидан қатъий- назар, ушбу товарларни ишлаб чиқариш учун сарф этилган хомашё материалларига тегишли қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

4. Солиқ кодексининг 199-моддаси бўйича асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш товарларни сотиш айланмаси ҳисобланмайди ва натижада, ушбу айланмалардан қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмайди. Бу ҳолат ўзаро алоқадор корхоналарни қўшилган қиймат солиғидан қочиш учун қулай имкониятларни яратиб бермоқда. Бизнингча, асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш бўйича операциялардан қўшилган қиймат солиғи ундирилиши ушбу солиқдан қочиш йўллари камайтиришга ва бюджет даромадларини оширишга хизмат қилади.

5. Қорақалпоғистон Республикасида эгри солиқларнинг ишлаб чиқаришда самарадорликни таъминлашга таъсири бошқа ҳудудларга нисбатан пастроқ бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби эса, таҳлил натижаларига асосланиб айтадиган бўлсак, ажратмалар фоизи бир хил бўлишига қарамай, солиқ тўловчилар сонининг миқдorigа бориб тақалади. Фикримизча,

Қорақалпоғистон Республикасида алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан бошқа акциз ости товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини кўпайтиришга аҳамият бериш керак, бундан ташқари, ушбу республикага алкоголь маҳсулотларидан тушаётган акциз солиғи суммаси ажратмаларини тўлиғи билан қолдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, ушбу ҳудудда янги ишга туширилаётган акциз солиғи тўловчиси ҳисобланадиган корхоналарни камида 5 йилга тежаб қолинган маблағларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш шарти билан ушбу солиқдан имтиёзлар бериш лозим.

Акциз ости товарлари сотилганда ҚҚС бўйича айланма белгилашда ҳисобланган акциз солиғи суммасини чиқариб ташланиши мақсадга мувофиқ. Бу бир солиқ солиш базасига бошқа ҳисобланган солиқнинг киритилишини чеклайди ва ҳисобланган акциз солиғидан яна бир марта ҚҚС ундирилишини бартараф этилишини таъминлайди.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Эгри солиқларнинг илмий - назарий асослари.....	5
1.1. Эгри солиқларнинг назарий жиҳатлари	5
1.2. Солиқ тизимида эгри солиқларнинг шаклланиши ва ривожланиши	14
1.3. Эгри солиқларнинг хорижий давлатлардаги ҳолати ва ундан фойдаланиш масалалари	22
2-боб. Эгри солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизмининг таҳлили	32
2.1. Эгри солиқлар орқали иқтисодиётни тартибга солиш	32
2.2. Эгри солиқларни ҳисоблаш ва ҳисобини такомиллаштириш.....	42
2.3. Эгри солиқларни ундириш механизми ва унинг таҳлили	50
2.4. Эгри солиқлар бўйича солиқ юки ва унинг солиқ тўловчиларга таъсири	72
2.5. Солиқ тизимида эгри солиқларнинг такомиллашиб бориши ва уларнинг таҳлили	83
3-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини ошириш масалалари.....	96
3.1. Эгри солиқларни ундириш механизмидаги муаммолар.....	96
3.2. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда эгри солиқлардан самарали фойдаланиш йўллари	119
3.3. Эгри солиқлар бўйича солиқ юкини соддалаштириш тартиби.	133
3.4. Эгри солиқлар орқали солиқ тўловчилар фаолиятин рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтириш масалалари.....	140
Хулоса ва таклифлар	148